

А. С. Ибраева, С. Б. Гончаров

ХУҚУҚ АСОСЛАРИ

Умумтаълим мактабларининг
9-синфи учун дарслик

*Қозоғистон Республикаси Таълим
ва фан министрлиги тасдиқлаган*

9



Алматы «Мектеп» 2019

УДК 373.167.1
ББК 67.0я72
И15

Ибраева А. С., Гончаров С.Б.
И15 **Ҳуқуқ асослари. Умумтаълим мактабларининг 9-синфи учун дарслик.** —
Алмати: Мектеп, 2019. — 160 б., расм.

ISBN 978—601—07—1327—7

И $\frac{4306020700-120}{404(05)-19}$ 104(1)—19

УДК 373.167.1
ББК 67.0я72

© Ибраева А. С, Гончаров С. Б., 2019
© Таржимон Азимий Р.
© «Мектеп» нашриёти,
бадий безак берилиши, 2019
Барча ҳуқуқлари муҳофазаланган
Нашрнинг мулк ҳуқуқлари
«Мектеп» нашриётига тегишли

ISBN 978—601—07—1327—7

**I боб.
ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ**

**II боб.
КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ**

**III боб.
ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ**

**IV боб.
МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ**

**V боб.
ОИЛАВИЙ ҲУҚУҚ**

**VI боб.
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ**

**VII боб.
ЖИНОИЙ ҲУҚУҚ**



КИРИШ СЎЗИ

Қадрли ўқувчилар!

Йил ўтган сайин давр талаблари янгиланиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар ўзгариб боради, улар мураккаб ва хилма-хил бўлади.

Бироз йиллар ўтгач, сизлар Қозоғистоннинг тўла фаолият юритишга қодир фуқароси бўласизлар. Бу сизлар Қозоғистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган барча ҳуқуқларга эга бўлиб, барча мажбуриятларни бажарасизлар деганни англатади. Ушбу мақсад билан сизлар мазкур “Ҳуқуқ асослари” фанини ўқиб-ўрганишга киришинг.

Ушбу фаннинг мақсади — ўта муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган қоидалар мажмуи сифатида ҳуқуқ ҳақидаги тизимли таълимни шакллантириш. Шу билан бирга жамиятни бошқарувчи сиёсий ҳокимият, сиёсий институт сифатидаги давлат тўғрисидаги таълимни шакллантириш.

Ҳар бир инсон ўз мамлакатининг қонунларини билиши, уларни қадрлаши ва бажаришга мажбур эканини билиши жоиз. Бу Қозоғистон ҳудудида истиқомат қиладиган барча кишиларга дахлдор. Ўзини кўрсатиш учун ва ижобий натижаларга эришиш учун, энг аввало, қонунга бўйсунувчи фуқаро бўлиш керак.

Мазкур дарслик янгиланган таълим дастурига мувофиқ тайёрланган. Дарсликдаги барча материални ўзлаштиргандан сўнг ҳуқуқий маданиятингиз, турли ҳолатларда қарор қабул қилиш лаёқати, кўникма ва малакангиз шаклланади. Олган билимингиз сизларга келажақда ишга жойлашиш, шартномалар тузиш, ўз бизнесингизни очиш, оила қуриш ва бошқа кўп ҳолларда зарур бўлади. Дарслик Қозоғистон Республикасининг ҳуқуқ тизими тўғрисида ихчам, зарур ахборот беради. Дарсликда ҳаётдан олинган турли мисоллар, тарихий фактлар, мушоҳадага чорлайдиган топшириқлар берилади. Ҳаётий тажрибага доир турли қизиқарли ва турфа хил топшириқлар берилади. Ушбу материални яхши ўзлаштиришга, ижодий ва танқидий фикрлашга ўргатади, тажриба кўникмаларини ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Мазкур дарсликни ўзлаштиргандан сўнг сизлар ўз тамойилларингиздан оғишмай, ҳуқуқларингизни муҳофаза қилишни, мажбуриятларни адо этишни, жамият қонунларини бузмай яшашни ўрганасизлар. Сизларга билим олишда муваффақият тилаймиз!

Ҳурмат билан дарслик муаллифлари!



I боб. ДАВЛАТ ВА ХУҚУҚ

1-§. ХУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Барча кишилар бир-бири билан турли муносабатда бўлади. Одамлар ўртасидаги муносабатларнинг қандай тартибга солиниши ҳақида ўйланиб кўрайлик, қандай қоидалар бор? Улар қандай таъминланади? Тақиқланган ёки рухсат берилган, тўғри ёки нотўғри масалалар чегараси қаерда? Ўзини тўғри бошқариш қоидалари борми? Энг аввало, ижтимоий муносабатларнинг хилма хил эканлигини айтиб ўтайлик. Инсон жамиятдан ташқарида яшай олмайди. Фақат жамиятда, бошқа одамлар билан ўзаро мулоқотда бўлсагина инсон тўлақонли ҳаёт кечириб, қувониб, севиб, дўстлашиб, ишлаб, ўз имкониятларини амалга оширади. Ўзини тўғри тутишнинг турли қоидалари бор. Бу қоидалар бизга ўз фаолиятимизда ишончли бўлишга, ўзимизни хавфсиз ҳис этишга имкон беради.

Бугун дарсда:

- Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг ролини ижтимоий меъёрлар тизимида кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- Асосий тушунчалар
- Ҳуқуқ, ҳуқуқ меъёрлари,
- ижтимоий меъёр,
- ахлоқ.



Қозоғистон Республикасининг Конституцияси

Масалан, йўл ҳаракати қоидалари жамиятнинг барча аъзоларига — ҳайдовчиларга, йўл ҳаракати ходимларига, пиёдаларга мажбурийдир. Йўл ҳаракати қоидалари бузилган ҳолда, турли ҳодисалар юз бериши мумкин. Қоидабузарликнинг оқибати мудҳиш бўлиши мумкин.

Ҳар бир инсоннинг қизиқишлари ва эҳтиёжлари бор. Ўша қизиқишлари ва эҳтиёжлари уйғунлиги учун умумий қоидалар керак. Бу қоидалар *ижтимоий меъёрлар* деб аталади. Улар жамиятда барқарорлик, интизом, бир маромдаликнинг сақланиши учун керак. Ижтимоий меъёрлар кишиларнинг муносабати туфайли жамиятда пайдо бўлиб, уларнинг ёрдами билан жамият ўзининг тўғри, ижобий дунёқарашини шакллантиради.

Ёдда сақланг!

Меъёрлар — ўзини тутишнинг умуммажбурий қоидаси. Ижтимоий қоидалар жамиятда юз беради, жамият уни асосий, зурар қоидалар деб қабул қилади, таъминлайди ва унга барча риоя этади.

Жамият учун ижтимоий меъёрларнинг моҳияти бирдек эмас. Ҳаёт, соғлиқ, эркинлик, мулк ва хавфсизлик сингари бош қадриятларни муҳофаза қиладиган ижтимоий меъёрлар жамият учун ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Улар жамиятдаги барқарорлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаши керак.

Ижтимоий меъёрлар вақт ўтган сари ўзгаради. Қадимда анъаналар, урф-одатлар бош меъёрлар бўлиб ҳисобланган. Бугунги кунда ахлоқий, ҳуқуқий, одоб меъёрлари муҳим ҳисобланади. Ижтимоий меъёрлар ўз даврига мувофиқ бўлади (1-чизма).

1-чизма



Ҳуқуқ — қонун билан тасдиқланган интизом қоидалари.

Ёддасақланг!

Хуқуқшунослар хуқуқни муҳим ижтимоий алоқаларни тартибга соладиган умум-мажбурий меъёрлар тизими деб аниқлашади. Ушбу меъёрлар эркинлик, адолат, тенглик, эзгулик сингари ғояларга асосланган.

Хуқуқ ўта муҳим ижтимоий муносабатларни тартибга солиб туришини таъкидлашимиз керак. Хуқуқ давлат томонидан муҳофаза қилинади. Хуқуқ ҳар бир инсонга тўғри фаолият йўллари танилашга имкон беради. Хуқуқ барча учун мажбурий бўлиб, у одамларда хавфсизлик ҳиссини кучайтиради. Шу боис ҳам хуқуқ қадрият сифатида белгиланади. Шу билан бирга хуқуқ умуминсоний ғоялар ва қадриятлардан, жамиятнинг инсонпарварлик ва ахлоқ тамойилларидан юзага келиб, давлатнинг кучига ва ҳар бир инсоннинг тафаккурига мувофиқ шаклланади.

Хуқуқ давлат органларининг тузилмасини, унинг шаклланиш йўллари, инсон хуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди. Хуқуқ меъёрлари таълим олиш, соғлиқни сақлаш, оила қуриш, уни мустақамлаш учун шароит яратиб беради. Хуқуқ одамларга қуйидаги тарзда: эркинлик ва хуқуқларни тақдим этиш, рағбатлантириш, мажбуриятларни белгилаш, жазолаш, мажбурлаш йўли билан таъсир кўрсатади. Ҳокимият институтларининг илк шакллари ва биринчи ахлоқнинг умуммажбурий меъёрлари одатга кўра жамият тараққиётининг илк даврларида шаклланди. Ўша даврда давлат бўлмаган, оқсоқоллар ҳокимияти устуворлик қилган. Ижтимоий муносабатлар анъаналар, тадбирлар, турли чекловлар ва тақиқлар билан тартибга солинган. Хуқуқ умуммажбурий меъёрлар тизими сингари кейинроқ, мамлакат билан бирга пайдо бўлди.

Хуқуқ моҳияти — замонавий жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, барқарорликка эришиш ва жамият уюшқоқлигига эришиш, демократияни, инсон ва фуқаро хуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширишидадир. Мушоҳада қилсак, кишилиқ жамиятида хуқуқнинг муҳимлиги ва қиймати равшан бўлади. Ахир хуқуқ бизга ниманинг ёмон, ниманинг яхши эканлигини кўрсатибгина қўймай балки, ўзаро муносабатда ва кундалиқдаги ҳаётда ҳам ёрдам беради. Масалан, ҳар биримиз ҳар кун харид қиламиз, жамоат транспорти ёки таксидан фойдаланамиз, театр ва кинога борамиз, ишлаймиз, сайловларда иштирок этамиз ва ҳоказо. Бу фаолиятларнинг барчаси хуқуқ ва унинг меъёрлари билан тартибга солинади.

Хуқуқнинг белгилари:

- *Меъёрийлик.* Бу дегани хуқуқ ахлоқ қоидалари меъёрларидан иборат деганидир. Ушбу меъёрлар инсон ва фуқаро эркинликлари чегарасини аниқлаб беради.


- *Тизимлилик.* Бу дегани ҳуқуқ ўзаро боғланган ва аниқ бир тизимда жойлаш меъёрлардан иборатлигини англатади. Ушбу меъёрлар институтлар ҳамда турли тармоқларда кўринади.
- *Умуммажбурийлик.* Ҳуқуқ меъёрлари жинсига, наслига, миллатига, ижтимоий мақоми, турмуш даражаси, дини, сиёсий кўз қарашларига қарамасдан барчага бирдек мажбурий саналади.
- *Шаклий аниқлилик.* Ҳуқуқ қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий қоидалар кўринишида расмий қиёфага киради.
- *Давлат томонидан таъминланиши.* Ҳуқуқий меъёрлар бузилган ҳолда давлат мажбурий турда жазо қўллай олади.
- *Ҳуқуқнинг ихтиёрий хусусияти.* Ҳуқуқ меъёрларида давлатнинг эрки аниқланади.
- Ҳуқуқ муносабатларининг ижтимоий тартибга солиниши.
- *Динамизм.* Ҳуқуқ жамият билан бирга тараққий этади.

Ҳуқуқнинг вазифаларини кўриб чиқайлик. “Ҳуқуқнинг функцияси” тушунчасини ҳуқуқий таъсир кўрсатишнинг асосий йўналишлари деб англаш мумкин. Ҳуқуқнинг функциялари ижтимоий муносабатларни тартибга солиш жарёнидаги ҳуқуқнинг ролини кўрсатади.


Ҳуқуқнинг тартибга келтирувчи ва ҳимояловчи икки муҳим функцияси бор (2-чизма).

Шу билан бирга ҳуқуқнинг қўшимча тарбиявий ва мафкуравий функциясини ҳам айтиб ўтиш мумкин (3-чизма).

2-чизма



3-чизма



Ҳуқуқий меъёрлар ахлоқий меъёрлар билан чамбарчас боғлиқ. Ахлоқ (инсонийлик) — эзгулик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик,

ҳалол ва ҳаром ҳақидаги инсон дунёқарашига асосланган, кишининг фаолиятини тартибга соладиган меъёрлар ва тамойиллар тизими. Ахлоқ — ижтимоий муносабатларнинг энг ишончли ва кучли. У болаликдан шаклланади. Айнан шундай инсонийлик меъёрлари турли ҳолатларда инсон ўзини қандай тутиши кераклигини айтиб туради. Инсонийлик фазилати инсонга ҳаётдаги барча вазиятларда зарур. Агар инсонийлик меъёрлари бузилса, ҳуқуқий меъёрлар ҳам бузилади. Ҳуқуқ ахлоққа асосланади. Ҳуқуқ инсонийликка қарши бўлиши мумкин эмас, инсонийликнинг эса ҳуқуққа қарши адолатсиз бўлиши мумкин эмас.

Ахлоқ тўғри ва нотўғри, меҳр ва ёвузлик мезонларини шакллантиради. Ахлоқ “яхши”, “ёмон”, “шафқат”, “эзгулик”, “ёвузлик”, “гўзаллик”, “инсонпарварлик”, “ҳалоллик”, “олижаноблик” ва ҳоказо сингари тушунчаларни тушунтиради. Ахлоқ инсонни тарбиялайди, инсон тафаккурига таъсир этади, салбий ҳаракатларнинг олдини олишга йўналтирилади. Ахлоқ тўғрисидаги фан этика деб аталади. Этика ахлоқнинг юзага келиши, моҳияти ва унинг меъёрларини қўллаш механизминини ўрганади, ушбу меъёрларни тушунтиради, инсоннинг ахлоқ нуқтаи назаридан ҳаракатлари баҳосининг мезонларини аниқлайди. Ахлоқни одамларнинг ўзлари у ёки бу ҳаракатларни маъқуллаш ва қоралаш йўли билан яратишади.

Мисол. Замонавий ғарб оиласида болалар вояга етгач, уйдан кетишади ва мустақил ҳаёт кечиради. Қозоғистонда, бунинг акси, оила анъанавий уч авлод вакилларида иборат бўлиб, ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Бу ерда оила бир уйда яшаганда ҳам, бува ва бувиси, болалари ва невараларидан олисда яшаган ҳолда ҳам мазкур алоқа мавжуд. Бу ерда биз турли ахлоқий тамойилларни кузатамиз.

Ахлоқнинг икки томони бор: хусусий ва жамоавий. Бир томондан ҳар бир инсон ўз эҳтиёжини қондиришга интилади. Иккинчи томондан инсон жамиятнинг, гуруҳнинг, оиланинг эҳтиёжлари ва манфаатларини эътиборга олиши керак. Шахсий ва ижтимоий ахлоқни қай тарзда бирга юритиш мумкин? Фақат “ўзимнигина ўйлайман” деган тамойил билан яшаш мумкинми? Ёки “бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун” деган жамоавий тамойил асосида иш юритиш жоизми?

Ҳар бир инсон бу саволларга ўз эркича жавоб бериб, ҳаётининг тамойилларини аниқлаб олади. Бинобарин, ҳар бир инсон жамиятда, жамоада яшаётганини англаб, ўзининг қобилияти ва манфаатларини одамлар орасидагина амалга ошира олишинини ёддан чиқармаслиги керак. Шу боис ҳам ахлоқий меъёрлар ҳар бир инсоннинг ва жамиятнинг бахтли умр суриши учун керак. Бугунги кунда давлат ва жа-

мият ёшларнинг инсонийлик тарбиясига катта эътибор қаратяпти. Бу элимизнинг келажаги учун муҳим.

Шу боис ижтимоий меъёрлар тизимида ҳуқуқий меъёрлар муҳим ўрин эгаллайди. Уларни давлат тасдиқлайди ва кафолат беради. Ушбу меъёрлар барча учун бирдек мажбурий қонунлар ва меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлар кўринишида акс этади.

Глоссарий

Ҳуқуқ — давлатўрнатган ва унинг кучи билан ҳимояланадиган барчага бирдек ижтимоий муносабатларни тартибга келтирадиган интизом меъёрларининг мажмуи.

Ҳуқуқ меъёрлари — қонунда тасдиқланган ахлоқ қоидалари.

Ахлоқ — эзгулик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, ҳалоллик ва орсизлик тўғрисидаги инсон дунёқараши ва тасаввурига асосланган, инсоннинг фаолиятини сошлаб турадиган қоидалар ва тамойиллар тизими.

Диний меъёрлар — дин ҳақидаги ҳужжатларда қайд этилган ахлоқ қоидалари.

Ҳуқуқ функциялари — ҳуқуқ таъсирининг асосий йўналиши, ижтимоий муносабатларни тартибга келтириш жараёнида ҳуқуқнинг ролини кўрсатади.

Этика — ахлоқ тўғрисидаги фан.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳуқуқ тушунчасини очиқ беринг. Ҳуқуқ бошқа ижтимоий меъёрлардан қандай фарқ қилади? Ҳуқуқнинг ижтимоий меъёрдаги роли қандай?
2. Сизлар учун қандай меъёрлар энг муҳим. Жавобларингизни исботлаб беринг.
3. Ҳуқуқ учун ахлоқ нима учун муҳим деб ўйлайсиз? Ҳуқуқ одамийликка қарши бўлиши мумкинми?

1-даражали топшириқ. 1-жадвални тўлдиринг

1-жадвал

Жадвални тўлдиринг

№	Номланиши	Мисол	Нима учун ушбу меъёрлар жамият учун муҳимлигини изоҳлаб беринг
1	Одатлар		
2	Анъаналар, расм-русумлар,		
3	Ахлоқий меъёрлар		
4	Ҳуқуқий меъёрлар		
5	Диний меъёрлар		
6	Одоб меъёрлари		
7	Сиёсий меъёрлар		
8	Корпоратив меъёрлар		

2-даражали топшириқ. 2-жадвални тўлдилинг

2-жадвал

Жадвални тўлдилинг

№	Функция номи	Мазмуни ва моҳияти
1	Тартибга келтирувчи	
2	Ҳимояловчиөөө	
3	Тарбиявий	
4	Мафкуравий	

2-даражали топшириқ.

Келтирилган мисолларни муҳокама қилинг. Бу ерда ҳуқуқнинг қандай хизмати бор?

1) дўконда истеъмолчи чек кўрсатиб, товарни алмаштиришни сўрайди. Сотувчи товарни алмаштириб беради.

2) С. исмли фуқаро автобусга ўтириб, бироз жойга бориб қолгандан сўнг пули йўқолганини пайқайди. У полицияга мурожаат қилади.

3) полиция ходими мактабда йўл харакати қоидалари тўғрисида маъруза ўқиди.

4) ўқувчилар дарсда Қозоғистон Республикаси Конституциясида тасдиқланган қоидаларни муҳокама қиладилар.

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ.

Абайнинг “Илм топмай мақтанма” шеърини муҳокама қилинг. Буюк мутафаккир Абай Қўнанбоев инсоннинг қандай камчиликларини танқид қилган? Абай инсоннинг қандай фазилатларига берган. (Шеър мазмуни)

Инсон бўлмоқчи бўлсанг, беш нарсага интиль ва беш нарсадан қочгил. Шундай умр сурсанг, ҳамма нарса амалга ошади. Ёйбат, ёлғончилик, мақтанчоқлик, ялқовлик, бе-корга мол сарфлаш— беш душманинг.

Фикр, меҳнат, интилиш, қаноат, меҳр — мазкур беш ишда мўъжиза бор.

3-даражали топшириқ. Муҳокама юритинг. Қуйидаги масалаларни муҳокама қилинг.

1) Жамиятда қоидаларсиз яшаш мумкинми? Агар инсон ёлғиз яшаса, унинг тақдири қандай кечади? Робинзон Крузонинг бошидан ўтган кунларни ёдингизга туширинг. У қандай қилиб йигирма йилдан зиёд ёлғиз ўзи кимсасиз оролда яшаб, инсонийлик фазилатларини сақлаб қолди.

2) Р.Киплингнинг Маугли ҳақидаги эртагини эсланг. Нега биз Маугли тарихини эртак деб ҳисоблаймиз? Инсоннинг шахс бўлиб шаклланишига қандай сабабларва шароитлар таъсир кўрсатиши тўғрисида фикрларингизни билдилинг.

Қизиқ фактлар. Инсоният тарихида кичик болаларнинг одамлар билан мулоқот қилмай, табиий муҳитда яшагани ҳақидаги икки юзга яқин ҳолат бўлган. Шундай болаларни жамиятга қайтаришга ҳаракат қилинганда, иш натижасиз бўлган. Сабабинимада деб ўйлайсиз.

Рефлексия. Мазкур мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1 да 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади.

2-§. ХУҚУҚИЙ ДАВЛАТ

Бугун дарсда:

- «Хуқуқий давлат» устуворлиги ва белгиларини ўқиб ўрганамиз;
- хуқуқий давлатнинг муҳимлиги ва моҳиятини аниқлаймиз.

Асосий тушунчалар

- хуқуқий давлат
- хуқуқий ҳимояланиш
- билимли бўлиш

Янги даврдаги демократик давлат хуқуқий бўлишга интилади. Хуқуқий давлат ташкил этиш — жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг кўпчилиги учун, шу жумладан, Қозоғистон Республикаси учун ҳам стратегик вазифа.

Хуқуқий давлат — ҳозирги замон фаронглиги тараққиётининг юқори босқичи ва муҳим ютуқларидан биридир. Хуқуқий давлат — мансабдор шахсларнинг ҳокимияти, давлат хизматчиларининг ваколатларини хуқуқий меъёрлари, қонун талаблари билан чеклайди, улардан тесқари фойдаланишга йўл бермайди, қонунбузарликларга қарши туради.

Бунда энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги ва хуқуқларидир.

Ёдда сақланг!

Хуқуқий давлат — жамият ва шахснинг хуқуқий ҳимояланишини ўзининг бош мақсади деб белгилайдиган давлат.



Нур-Султан шаҳри, Байтерек монументи майдони.

Эътиборберинг!

“Қонун ҳамма учун бирдай бўлиши лозим”.

Монтеки

Ҳуқуқий давлат ғояси илк бор АҚШ Конституциясида (1787 йили) ва Францияда (1789 йили) “Инсон ва фуқаро ҳуқуқи” Декларациясида қонуний тарзда тасдиқланди. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: “Қозоғистон Республикаси ўзини демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат сифатида маълум қилади, унинг энг олий қадрияти инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари” деб ёзилган. Ушбу модда барча фуқароларга, ҳокимият вакилларига, давлат органларига алоҳида масъулият юклайди. Яъни Қозоғистондаги барча фуқаролар ва ташкилотлар қонун талабларига риоя этишлари керак, ҳуқуқ меъёрларини бузмасликлари керак ва ҳар бир одамнинг ҳуқуқи ва эркинлигига раҳна солмаслиги керак.

Давлат ҳуқуқий давлатми ёки йўқми, уни аниқлайдиган тамойиллар мавжуд 4-чизма.

Ҳуқуқий давлат тамойилларини аниқроқ кўриб чиқайлик.

Инсон ҳуқуқи ва эркинлигининг устуворлиги тамойили ҳуқуқий давлатда инсон ҳаёти ва эркинлиги, ҳуқуқи олий қадрият эканлигини англатади. Давлат органлари инсон ҳаётини муҳофаза қилишлари керак. Инсон ҳуқуқи бузилган ҳолда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига шикоят қилиш керак. Бу прокуратура, ички ишлар органлари, уюшган жиноятчиликка қарши органлар.

4-чизма

Ҳуқуқий давлат тамойиллари

Инсон ҳуқуқи ва эркинлигининг устуворлиги тамойили, давлат ва шахснинг ўзаро масъулият тамойили

Ҳокимиятни тақсимлаш тамойилининг қонунчилик, ижро ва суд деб тақсимланиши

Қонуннинг устуворлиги тамойили, судлар мустақиллиги тамойили, суд ва қонун олдида барчанинг тенглиги тамойили

Ҳокимиятни тақсимлаш тамойили. Бу тамойил қонунийликни таъминлаб, ҳокимиятни суиистеъмол қилишга йўл бермаслик учун зарур. Ҳокимият уч тармоққа бўлинади: қонун чиқарувчи ҳокимият,

ижро ҳокимияти ва суд ҳокимияти. Қонунларни қабул қиладиган Парламент қонун чиқарувчи ҳокимият бўлиб ҳисобланади, уни аҳоли сайлайди.

Ижро ҳокимиятини ҳукумат, вазирликлар, ҳокимликлар амалга оширади. Суд ҳокимиятини суд раислиги амалга оширади, адолат бузилган ҳолда қайта шакллантиради, жазо белгилайди. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғи қонун доирасида ўз ҳолича фаолият юритади, бир-бирининг ишига аралашмайди. Ҳокимиятни тақсимлаш тизимида Қозоғистон Республикаси Президентининг роли муҳим. Президент ҳокимият тармоқларининг устидан назорат қилади, у ҳакам, сиёсий етакчи сифатида ҳокимиятнинг барча тармоғининг ўзаро келишиб фаолият юритишини амалга оширади.

Қонун устуворлиги тамойили барча фуқароларнинг, мансабдор шахслар, давлат органлари, ижтимоий институтлар ҳамда ташкилотларнинг қонун талабларини тенг даражада бажариш зарурлигини англатади. Конституция деганимиз — олий қонун. Дуч келган қонун ишларини Конституция меъёрлари асосида ечиш керак.

Суд ҳамда қонун олдида барча баробарлиги тамойили. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини амалга ошира олади ва ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ҳимоялаш учун судга мурожаат қила олади.

Давлат ва шахснинг ўзаро масъулият тамойили ҳам шахснинг, ҳам давлатнинг қонун талабларини бажариш заруратини англатади. Уни бузганлари учун жавобгарликка тортилади. Давлат органлари ҳуқуқ меъёрларини бузмасликлари керак. Одамлар ҳам қонун талабларига риоя этишлари керак.

Судларнинг мустақиллиги тамойили судларнинг одил судловни амалга оширувчи асосий органлар эканлигини англатади. Суд фақат Конституция ва Қонунларга бўйсунди. Суд ишига аралашиб қонун доирасида жазоланади. Қозоғистон Республикасида судлар барқарор шаклланади. Ҳуқуқий давлатнинг муҳимлиги ва моҳияти нимада эканлигини аниқлайлик. Ҳуқуқий давлатда биринчи ўринда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқи ва эркинликлари туриши керак. Давлатнинг барча оммавий-сиёсий фаолияти қатъий тарзда қонунга ва ҳуқуққа мувофиқ амалга оширилиши керак. Барча одамлар ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоялаш учун давлат органларига бирдек мурожаат қила олади. Шунга кўра давлат органлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоялашга мажбур. Ҳуқуқий давлатда кучли ҳокимият ва кучли, билимли жамият бўлиши керак. Шу боис ҳам Қозоғистонда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашга катта аҳамият берилади.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисида олим, файласуф, шарқ донишманди ал-Фаробий ўз асариди айтиб кетган.

Абу Наср Ал-Фаробий — ўрта асрларда шарқ фалсафасининг пойдеворини барпо этган олим ва файласуф “Фозил шаҳар аҳлининг дунёқарашини” номли асарининг фозил шаҳар (давлат)ни таърифлайди. Бу — янги турдаги давлатнинг модели, унинг аҳолиси ҳақиқий бахтга эришиши керак. Бу ерда ҳокимият — қўл остидагиларга ғамхўр, билимдон ҳоким, у сиёсий интизом ва ақлий ривожланишнинг юқори талабларига мувофиқ ибратли, инсон бўлиши керак. Ҳоким ўзида 12 та фазилатни жамлаши керак. Бу — жисмоний куч, табиий кўрк, ажойиб хотира, илғор фикрлаш, зийраклик фикрини аниқ баён қилиш, билим ва илмга муҳаббат, нафси жиловлаш. Ҳоким адолатли, номусли, адолатсизликдан нафратландиган, одамларни адолатга етаклайдиган, адолатсизлик қурбонларини харажатини қоплашни лозим кўрадиган қатъий, мард, ҳақиқатгўй, ёлғондан нафратландиган бўлиши керак”.



Абу Наср
ал-Фаробий

Ал-Фаробий ҳокимнинг етук тимсолини яратиб, барча яхшиликни тақсимлаш тамойилини тавсия этади. Давлатнинг барча аҳолиси бой, бақувват ва ўзларига дахлдор барча эзгуликдан талабгор бўлиши керак. Ҳоким шаҳарнинг ҳар бир фуқаросини ўз меҳнатига қараб мазкур манфаатда улуши бор деб ҳисоблайди. У адолат тамойилини қонуний ҳолат деб билади. Агар шаҳар аҳолиси кўрсатган хизматидан оз ёки кўп оладиган бўлса, у адолатсизлик бўлади, деб ҳисоблайди. Шу боис давлат баракани тўғри тақсимланишини назорат қилиши керак. Шунинг учун фозил давлатда қашшоқлар ва тиланчилар бўлмайди. Бироқ беморлар ва ногиронларнинг бўлиши мумкин. Уларни парваришлаган давлат жамғармасидан маблағ ажратилади. Уларнинг имкониятига қараб фойдали ишга жалб этиш керак. Давлат ўз аҳолисини эҳтимоли бор хавф-хатарлардан (ўғирликдан, босқинчиликдан) ҳимоялаши керак.

Ал-Фаробий агар инсон доим ўз устида ишласа, илмини ривожлантирса, идрокни етакчи билса, у ҳолда идеал жамият барпо этишга ишонган. Идеал шаҳарни уламолар бошқариши керак. Ҳар соҳада энг илғор одамлар — истеъдодли ва иқтидорлилар раҳбарликка эга бўлади. Танланган гуруҳ фикрлаш орқали илмга эриша олади, шу боис ҳам давлат аҳолиси ахлоқли ва билимли бўлиши керак.

Айнан шу боис ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида кўплаб тўсиқлар мавжуд. Бу масалалар иқтисодиётнинг, маданият, ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига, ёшлар тарбиясига боғлиқ. Шундай масалаларни ҳал этиш учун Қозоғистон Республикасида турли давлат дастурлари кўзланган. Масалан, 2017 йили “Маънавий янгиланиш” дастури қабул қилинди. Бу дастурга кўра Қозоғистонни кучли ва масъул кишилардан иборат яхлит мамлакатга айлантириш учун жамият дунёқарашини, тафаккури ўзгариши керак. Шу билан бирга ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши жамиятга, ҳар бир инсонга мансабдор шахсларга, давлат органлари ва ҳокимиятга боғлиқ.

Глоссарий

Хуқуқий давлат — барчаси тенг даражада қонунга бўйсунадиган давлат. Бунда биринчи ўринда инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқи ва эркинликлари туради.

Ҳокимиятни тақсимлаш — ҳокимиятни суиистеъмом қилишга йўл бермайдиган тамойил.

Хуқуқий ҳимояланиши — барча одамлар ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоялаш учун давлат органларига тенг даражада муурожаат қилиш тамойили. Унга мувофиқ, давлат органлари инсон ва фуқаронинг ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоялашга мажбур.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Хуқуқий давлатнинг моҳияти нимада ва бош мақсади нима?
2. Хуқуқий давлатнинг инсон ва жамият ҳаётидаги моҳиятини аниқланг.
3. Қозоғистон Республикаси хуқуқий давлатга айланиш йўлида эканлигини исботланг.

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринг.

3-жадвал

Хуқуқий давлат тамойиллари

№	Номи	Мақсади	Мазмуни	Моҳияти

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ.

1. Қозоғистон Республикасининг Тўнғич Президенти Н. А. Назарбаевнинг 2017 йил 12 апрелда эълон қилинган “Келажакка қўлланма: ижтимоий тафаккурни янгилаш” мақоласини ўқиб чиқинг. Мазкур мақолада қандай бош масала кўрилганини муҳокама қилинг. (www.akorda.kz)

2. Синфиши. Абу Наср Ал-Фаробий ижодини муҳокама қилинг. Саволларга жавоб беринг.

- Ал-Фаробийнинг қандай ғоялари бугунги кунда долзарб?
- Қандай ғояларини амалга ошириб бўлмайди?
- Нима учун Фозил шаҳарни (давлатни) биз идеал санаймиз?

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

3-§. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Бугун дарсда:

- «фуқаролик жамияти тушунчаси ва белгиларини ўқиб-ўрганамиз;
- фуқаролик жамият институтларининг муҳимлиги ва роли тўғрисида биламиз.

Хуқуқий давлат бўлиш учун аввало, кишилик жамияти бўлиши керак. Фуқаролик жамиятининг бош ғояси — субъектларнинг, фуқаролар, ташкилотлар, институтлар, бирлашмаларнинг мустақиллиги ва эркинлиги. Бу борада давлат фуқаролик жамиятининг фаолиятига аралашмаслиги керак. Қонун бузилган ҳолдагина давлат органлари аралашиб, жазо белгилайди, айбдорларни жавобгарликка

тортади. “Фуқаролик жамияти” тушунчасини Арасту, Цицерон, Г. Гроций, Т. Гообс, Д. Локк, Гегель, К. Маркс ва бошқалар сингари ўтган даврнинг улуг намояндалари шакллантирди. Абай, Шакарим, А. Бўкейханов сингари қозоқ мутафаккирлари ҳам ўз асарларида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат гоёлари тўғрисида айтишган.

Асосий тушунчалар

- фуқаролик жамият
- фуқаролик жамият институтлари
- оила

Фуқаролик жамиятнинг иқтисодий асосини фуқароларнинг ўз мулки хусусий давлат мулки ташкил этади. Ишлаб чиқариш воситаларига мулки бор фуқаролар давлатга, иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлади. Давлат кафолат берган тадбиркорлик, меҳнат ва истеъмолчи ҳаракатлари эркинлигининг, фуқаролик жамияти учун аҳамияти катта.

Ёддасақланг!

Фуқаролик жамияти — шахслар ва гуруҳларнинг эҳтиёжини қондирадиган инсонийлик, диний, миллий, ижтимоий-иқтисодий, оилавий муносабатлар ҳамда институтлармажмуи.



Фуқаролик жамият. Қозоғистон халқи.

Фуқаролик жамиятининг сиёсий асосини ҳуқуқий давлат, демократия, ошкоралик, мустақил ОАВ ташкил этади.

Фуқаролик жамиятининг ижтимоий таркибини турли ижтимоий ҳамжамиятлар ташкил этади. Бунда хусусий ривожланган ва ўрта синф муҳим роль ўйнайди. Бу қатламдаги одамларнинг моддий аҳволи қиёсан юқори бўлади.

Фуқаролик жамиятида турли институтлар мавжуд. Уларни қуйидагича асосий гуруҳларга бўлиш мумкин:

- *Меҳнат институтлари* — шахс эҳтиёжларини қондириш учун зарур маблағ оладиган ташкилотлар.

- *Оила институтлари* — шахснинг авлодини давом эттиришга, маънавий ва жисмоний жиҳатдан ривожланишига ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган ташкилотлар;

- *Сиёсий институт* — шахснинг жамият ҳаётини бошқаришга бўлган мақсадларига эришишга йўналтирилган ташкилотлар;

- *Ижтимоий институт* — шахснинг турли эҳтиёжлари ва мақсадларига эришиш учун тузилган ташкилотлар.

Фуқаролик жамиятида ижтимоий фикрлар, жисмоний шахсларнинг фикрлари, турли ғоялар, дунёқарашлар эркин шаклланади. Одам ўзининг ахборотга бўлган ҳуқуқини амалга оширади. Бунда давлат ҳокимияти демократик хусусиятга эга, одамларнинг муносиб яшаш даражаси ва бошқаларни таъминлайдиган давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати амалга ошади. Фуқаролик жамияти институтида одамлар манфаати бўйича бирлашади, айнан шу жиҳатдан бу қадрли ва муҳим. Ушбу институтлардаги ҳар бир инсон ўз манфаатларини билдириб, ҳуқуқларини амалга ошира олади.

Қасаба уюшмалари фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ташкил этилади. Масалан, XX аср охирида “Невада-Семей” жамоат ҳаракати дунёга келди, унинг асосий мақсади Қозоғистон минтақасидаги полигонларни ёптиришдан иборат эди. Қозоғистонда “Нур Отан”, “Ақ жол”, Коммунистик партия сингари турли сиёсий партиялар бор. Ушбу партияларнинг мақсади — давлат ҳокимиятига таъсир кўрсатиш, давлат ҳокимияти учун қонун доирасида кураш олиб бориш, жамиятнинг мақсадларини ҳимоя қилиш. Оиланинг моҳияти ўта юқори. Бу фуқаролик жамиятидаги муҳим институт. Шу боис ҳам оила давлатнинг алоҳида ғамхўрлигига олинган. Давлат оиланинг мустақил бўлиши, ривожланишини мақсад қилган. Оила — яқинлардан ёки турмуш ўртоқларнинг (ота, она) ҳамда уларнинг болалиридан (туққан ёки асраб олган) иборат



Қозғоғистоннинг фаол ёшлари

одамлар гуруҳи. Оила аъзолари бир-бири билан маънавий боғлиқ, уларнинг ўзаро ахлоқий жавобгарлиги бор. Шунинг учун фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлат билан тигиз алоқада.

Фуқаролик жамиятида одамлар эркин, дахлсиз, уларнинг иш фаолиятлари мустақил Бунда мураса эркинлиги бор.

Фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатнинг ривожини билан бирга юзага келади ва ҳақиқатга айланади. Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинлиги сақланади, уларнинг мақсадлари ва ҳуқуқини амалга оширишга, давлат қарор қабул қилиш жараёнига қатнашиш учун шароит яратилади.

Оила — фуқаролик жамиятининг дастлабки ижтимоий бўлаги. Оила фуқаролик жамиятининг барқарор институти ҳисобланади.

Глоссарий

Фуқаролик жамияти — давлатга боғлиқ бўлмаган шахслар ўртасида бўладиган ижтимоий муносабатлар фуқаролик жамияти институтлари — одамларнинг турли бирлашмалари

Оила — яқинлардан ёки турмуш қурганлардан (ота, она ҳамда уларнинг болаларидан (туққан ёки асраб олган) иборат одамлар гуруҳи оила аъзолари бир-бири билан маънавий муносабатда, уларнинг ўзаро ахлоқий мажбуриятлари бор.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Фуқаролик жамиятига аниқлик киритиш. Фуқаролик жамиятининг тузилмасини айтинг.
2. Фуқаролик жамияти институтларининг роли ва моҳиятини аниқланг. Оила нима?
3. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг қандай ўхшашликлари бор?
4. Қозоғистонда фуқаролик жамиятининг ривожига тўсиқ бўладиган масалаларни ажратинг. Бу масалаларни қандай ечиш мумкинлиги ҳақида ўз фикрларингизни айтинг.

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. Жадвални тўлдириг.

4-жадвал

Фуқаролик жамияти институтлари

№	Номи	Мақсади, мажбуриятлари	Мисоллар
1	Сиёсий партиялар		
2	ОАВ		
3	Жамоат ташкилотлари (ёшларга, аёлларга мўлжалланган, манфаати бўйича)		
4	Оила		
5	Хусусий фирмалар, тадбиркорлар, бизнес тузилмалар.		
6	Диний ташкилотлар ва бирлашмалар (масжидлар, черковлар)		
7	Меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари.		

Мураккаблиги 3-даражали топшириқлар (гурӯҳда ишлаш)

1. "Фуқаролик жамиятининг тараққиёт йўллари" мавзuida баҳс-мунозара ўтказинг. Фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон эркин яшайдиган, истаган мутахассисликни танлаб, улкан ютуқларга эришиш мумкинлигини исботланг.

2. Таниқли қозоқ мутафаккири, олим, ҳуқуқшунос, Алашар-боби А. Бўкейхановнинг ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти тўғрисидаги фикрларини муҳокама қилинг. А. Бўкейханов нима учун қатағонга учради? А. Бўкейхановнинг фикрлари бизнинг Конституцияда акс этганми?



А. Бўкейханов

- XX асрнинг 30-йилларида таниқли қозоқ мутафаккири, олим, ҳуқуқшунос, Алаш Ҷрда етакчиси, А. Бўкейханов ҳуқуқий давлат назариясини, инсон эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоялаш, қонун устуворлиги, ҳокимиятни тақсимлаш ғоясини қўллади. Чор Россиясининг мустамлака сиёсатини таҳлил қилиб, А. Бўкейханов, подшо ҳукумати қабул қилган қонунларни доим танқид остига олди.

Шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқи тўғрисидаги саволлар буюк мутафаккирнинг меҳнатидаги асосий масала бўлди. А. Бўкейханов шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқининг ғарб-европа

концепциясини ҳамда Буюк Француз Инқилоби эълон қилган ғояларни — инсонийлик ва тенглик, эркинлик ва адолатни қўллади.

У нафақат алоҳида кишиларнинг, бутун қозоқ халқининг эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилди, ерни алоҳида одамларнинг эгаллашигатамомила қарши бўлди.

- А. Бўкейханов биринчилардан бўлиб қозоқлар ва туркийларнинг ўхшашлиги тўғрисида айтди. Буюк мутафаккирни қозоқ халқининг фуқаролик ҳуқуқининг, ер ҳуқуқи, оила-никоҳ ҳуқуқининг асосини яратувчи деб атасак бўлади.

- А. Бўкейхановнинг кўп ғоялари Қозоғистон Республикасининг Конституциясида акс этди. Инсон ва унинг ҳаёти, олий қадрият сифатида эркинлиги ва ҳуқуқи тўғрисидаги ғояси Конституциянинг асоси бўлди.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?



II боб. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ХУҚУҚ

4-§. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТУЗУМ АСОСЛАРИ

Бугун дарсда:

- Қозоғистон Республикасининг Конституциявий тузум асосларини ўқиб ўрганамиз.

Асосий тушунчалар

- Конституциявий ҳуқуқ
- Конституциявий тузум
- Унитар
- демократик
- дунёвийлик
- плюралистик.

Конституциявий тузум асослари — энг аввало, унинг моҳиятини аниқлайдиган давлатнинг барқарорлиги, унинг асосий тамойиллари. Қозоғистон Республикасининг Конституциявий тузуми асослари Конституциявий ҳуқуқда асосий ҳуқуқий институт бўлиб ҳисобланади. Конституциявий ҳуқуқ ҳуқуқнинг етакчи соҳаси. У конституциявий тузумнинг асосини, шахснинг, ҳуқуқий аҳволини, давлат тузуми ҳамда бошқарув шаклини тартибга солади. (5-чизма)

Ёдда сақланг!

Конституциявий тузум асоси — ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими. У Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва бошқа конституциявий ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган ва ҳимояланади.

5-чизма



Ёддасақланг!

Конституциявий тузум — давлатташкил этилиши Конституциядасдиқланган аниқ шакли, аниқ усули.

Конституция мамлакатнинг асосий қонуни. Бунда жамият ва давлатнинг ҳар бир одам ҳаётининг асоси бўладиган ғоялар бор. Қозоғистон Республикасининг Конституцияси 1995 йил 30 августдаги референдумда қабул қилинган. Конституцияга ўзгаришлар ва қўшимчалар 1998, 2007, 2011, 2017 ва 2019 йилларда киритилди.

Қозоғистон Республикасининг Конституцияси “Умумий қоидалар” деб номланган биринчи тармоқда конституциявий тузумнинг асосларини мустаҳкамлайди. Мазкур ҳолатларни муҳокама қилайлик.

ҚР Конституциясининг 1-моддаси

Республика фаолиятининг тўб тамойиллари: ижтимоий тотувлик ва сиёсий барқарорлик; халқ фаровонлиги, иқтисодий ривожланиши, Қозоғистон ватанпарварлиги давлат ҳаётидаги ўта муҳим масалаларни демократик услуб билан, шу жумладан республика референдумида ёки Парламентда овоз бериш орқали ҳал этиш.

Қозоғистон — Республика

Давлат ҳокимиятининг барча юқори органлари сайлаш орқали ёки умуммиллий ваколатли муассасалар орқали (парламентлар билан) шаклланади.

ҚР Конституциясининг 3-моддаси. Халқ ҳокимиятни бевосита республика референдуми ва эркин сайлаш орқали амалга оширади. Қозоғистон Республикасида ҳокимиятни ҳеч ким ўзлаштира олмайди. Ҳокимиятни ўзлаштириш қонун бўйича тақиқланади. Халқ ва давлат номидан Республика Президенти, шунингдек ўзининг конституциявий ваколати доирасида Республика ҳукумати ва бошқа давлат органлари давлат номидан фақат уларга берилган ваколатлари доирасида ҳокимиятни амалга оширади.

Қозоғистон Республикаси — демократик давлат.

Халқ Конституцияни қабул қилади, давлат раҳбари ҳамда Парламентни бевосита сайлай олади, ваколат муддати ўтгандан сўнг, уларни алмаштира олади. Давлат фуқароларнинг мақсадига мувофиқ ижтимоий аҳволи, келиб чиқиши, миллатига қарамасдан уларга сўз эркинлиги, тили ва миллатини танлаш эркинлигини, бирлашмаларга кириш эркинлигини бериб, давлат хизматига тенг даражада киришга шароит яратади.

Қозоғистон Республикаси — дунёвий давлат.

Диний муассасалар ҳамда дин давлатдан ажратилган, давлат ёки мажбурий дин йўқ; диний асосда партия ташкил этиш тақиқланган; ҳар бир фуқаро виждон эркинлигига ҳақли, яъни диннинг қай бирини бўлса-да қабул қилишга, бошқа динга ўтишга ёки ҳеч бир динда бўлмасликка ҳақли.

5-модда Республикада бошқа давлатларнинг сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари, диний асосдаги партиялар фаолиятига, шунингдек сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларини чет эл ҳуқуқий шахслари ва фуқаролари, чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштиришга йўл қўйилмайди.

Чет эл диний бирлашмаларининг Республика ҳудудидаги фаолияти, шунингдек, чет эл диний марказларининг Республикадаги диний бирлашмалари раҳбарларини тайинлаши Республиканинг тегишли давлат органлари билан келишган ҳолда амалга оширилади.

Қозоғистон Республикаси — ҳуқуқий давлат.

1-модда. Қозоғистон Республикаси ўзини демократик, дунёвий, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат сифатида қарор топтиради, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади.

3-модда. Республикада давлат ҳокимияти бир бутун, у қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниш ҳамда бир-бирлари билан вазминлик ва қаршилиқлар тизимидан фойдаланган ҳолда иш олиб бориш тамойилларига мувофиқ Конституция ва қонунлар асосида амалга оширилади.

Қозоғистон Республикаси — ижтимоий давлат.

- давлат инсонга хизмат кўрсатади;
- давлат алоҳида бир гуруҳларга эмас, бутун жамиятга хизмат кўрсатади;
- давлат барча фуқаролар учун масъулият ва манфаатларни тенг тақсимлаб беришга интилади;
- давлат ижтимоий соҳага (таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, бандлик, меҳнатни муҳофазалаш, аҳолининг яшаш даражаси қўйи гуруҳларни қўллаш, ижтимоий таъминот) қўллов кўрсатади;
- давлат фуқароларининг яшаш даражасини таъминлашини, яшаш учун зарур шароитлар яратишини, шу жумладан ҳаёти ва соғлиғига экологик хавфсизликни таъминлашини талаб этишга ҳақли эканлигини тан олади.
- давлат жамиятда иқтисодий эркинлик учун шароит яратиши керак.

Қозоғистон Республикаси — унитар бўлинмайдиган ягона давлат.

Унитар давлат ўз таркибида автономиялари йўқ, яъни бошқа давлат тузилмалари бўлмайди. Бу ерда ягона Конституция, ягона ҳуқуқий тизим, яхлит фуқаровий Парламент, Ҳукумат, ижро органлари тизими ва суд тизими бўлади. Қозоғистоннинг бутун ҳудуди маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади.

Қозоғистон Республикаси — президент бошқарувидаги яхлит мамлакат.

Республикада президент энг юқори лавозимдаги шахс бўлиб саналади.

40-модда. 1. Қозоғистон Республикасининг Президенти — давлат бошлиғи, давлат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгиловчи ва мамлакат ичкарасида ҳамда халқаро муносабатларда Қозоғистоннинг вакили сифатида иш кўрадиган олий лавозимдаги шахсдир. 2. Республика Президенти — халқ ва давлат ҳокимияти бирлигининг, Конституция мустақамлиги, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рамзи ва кафилидир. 3. Республика Президенти — давлат ҳокимияти барча тармоқларининг баҳамжиҳат ишлашини ва ҳукумат органларининг халқ олдидаги жавобгарлигини таъминлайди

Қозоғистон Республикаси — мустақил давлат. Бу бизнинг мамлакатимиз ички ва ташқи ишларини юритишда бошқа мамлакатлардан мустақил эканлигини билдиради. Қозоғистон халқи яхлит эканлигини айтиб ўтишимиз керак.

Қозоғистон Республикаси қозоқ халқининг кўп асрлик давлатчилигининг тарихий меросхўри ва унинг давлат ҳамда сиёсий тараққиётини давомчисидир. Ҳозирги кунда Қозоғистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари: руслар, ўзбеклар, немислар, украинлар, корейслар, уйғурлар ва бошқалар яшайди.

Қозоғистонда Қозоғистон халқи Ассамблеяси (ҚХА) ташкил этилди. Ассамблеяни Қозоғистон Республикасининг Президенти бошқаради. ҚХАнинг бош мақсади — давлатнинг миллат сиёсатини амалга ошириш, Қозоғистон Республикасида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва жамиятдаги давлат ва фуқаролик институтларнинг этнослараро муносабатлар соҳасидаги ўзаро ҳамжиҳатлигининг самарадорлигини ошириш. Қозоғистон Республикасида мафкуравий ва сиёсий хилма хиллик тан олинади. Давлат муассасаларида сиёсий партияларни тузишга рухсат берилмайди.

Ёдда сақланг!

Сиёсий хилма хиллик (плюрализм) — сиёсий ҳаракатлар ва сиёсий эркинлиги кўп партиялиликнинг бўлиши, фуқароларнинг истаган партияга кириши ёки биронта партияга рўйхатга олинмаслик ҳуқуқига эга. Бу конституция доирасида фаолият юритадиган сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига сиёсий жараёнда иштирок этишига бирдек имконият яратади.



Ассамблея аъзоларининг Тўнғич Президент
Н. А. Назарбаев билан учрашуви



Байрам тадбири

Шундай қилиб, Қозоғистон Республикасининг конституциявий тузумининг асослари Қозоғистон Республикаси Конституциясида тасдиқланган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг, давлат тузумининг асоси бўлиб ҳисобланади.

Глоссарий

Конституциявий ҳуқуқ — конституциявий тузум асосларини, шахснинг ҳуқуқий аҳволини, бошқарув тури ва давлаттузумини тартибга солиб ўтирадиган ҳуқуқнинг етакчи соҳасидир.

Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари — инсоннинг манфаатларини қондиришга йўналтирилган, қонун билан ҳимояланадиган ахлоқнинг ўлчами.

Референдум — ўта муҳим масалаюзасидан умумхалқ сайлаш.

Конституциявий тузум асослари — давлатнинг бош устунни, унинг моҳияти акс этган асосий тамойиллари.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Қозоғистон Республикаси конституциявий тузуми асосларини очиб кўрсатинг. Давлатнинг дунёвий хусусиятини қандай тушунтирасиз? Сиёсий хилма хиллик (плюрализм) дегани нима?
2. Қозоғистон халқи Ассамблеясининг фаолияти тўғрисида ўқиб, ўрганинг. Ассамблеянинг моҳияти қандай? Ассамблеянинг мақсади нима?

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. Қозоғистон Республикасининг конституциявий тузумининг асосларини аниқлайдиган жадвални тўлдиринг. .

5-жадвал

№	Номи	Мазмуни ва мисол
1	Қозоғистон республикаси — ҳуқуқий давлат	
2	Қозоғистон Республикаси — демократик давлат	
3	Қозоғистон Республикаси — яхлит давлат	
4	Қозоғистон Республикаси — ижтимоий давлат	
5	Қозоғистон Республикаси — давлат бошқарувининг президент шакли қабул қилинган давлат	
6	Қозоғистон Республикаси — дунёвий давлат. .	

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ. “Мустақиллик тўйғуси” хужжатли фильмининг томоша қилинг. <https://khabar.kz/ru/arkhiv/dokumentalnye-filmy/item/41712-dukh> . Манба: Мустақил давлатнинг “тўрт деворини” айтинг. Мустақилликнинг дастлабки давридаги бизнинг мамлакатимиз қандай қийинчиликларга дуч келди? Миллат етакчиси — Тўнғич Президент Н. Назарбаевнинг Қозоғистон Республикасининг мустақиллигини шакллантиришдаги ролини аниқланг.

Рефлексия. Ушбу мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

5-§. ИНСОН ВА ФУҚАРО ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИ

Ҳар бир инсон дунёга келганидан бошлаб аниқ бир ҳуқуқларга, эркинликларга, мажбуриятларга эга бўлади. Инсоннинг баъзи ҳуқуқлари дунёга келиши билан, баъзи ҳуқуқлари аниқ бир ёшга етганда пайдо бўлади. Ҳуқуқлар, эркинликлар, мажбуриятлар рўйхати анча катта. Баъзи ҳуқуқларимиз ва имкониятларимиз бизга ҳаётимиз давомида зарур. Баъзи ҳуқуқларни инсон амалда фойдаланмаслиги ҳам мумкин.

Ёддасақланг!

Инсон ҳуқуқи — шахсга тегишли имкониятлар. Ушбу имкониятлар унинг ҳаётида, фуқаролик орномусига, фаолиятэркинлигига кафолатберади. Инсон ҳуқуқи туғилиши билан пайдо бўладиган, эҳтимолли ахлоқ эркинлиги ўлчови. Бу яшаш ҳуқуқи, эркинлиги ва шахсий ҳаётига дахлсизликсингари табиий ва ажралмас ҳуқуқлар ва эркинликлар мажмуаси. Инсон туғилиши биланоқ ҳуқуқларга эга бўлади. Инсон ҳуқуқи унинг қайси давлатфуқароси эканлигига боғлиқ эмас.

Бугун дарсда:

- Конституциявий ҳуқуқ, инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисида ўқиб ўрганамиз.

Муҳим сўзлар:

- Конституциявий ҳуқуқ инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари
- Конституциявий мажбуриятлар
- Инсон ҳуқуқларининг умумий Декларацияси
- Инсон ҳуқуқларини чеклаш

1948 йили 10 декабрда БМТ “Инсон ҳуқуқларининг барчага ягона Декларацияси” ни қабул қилди. Декларация матни барча одамлар эга бўлган ҳуқуқнинг дастлабки глобал аниқловчисидир. 30 мод-



БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқларининг умумий Декларациясини қабул қилиш пайти

дадан иборат ва БМТнинг барча аъзоларига мажбурийдир. Инсон ҳуқуқларининг умумий Декларациясининг маъносини англаш учун унинг қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратиш керак:

- Бу — давлатнинг демократик ва инсонпарварлигининг намунаси;
- Бу — турли давлатларнинг Конституциясини тузишга мўлжалланган намуна;
- БМТ га аъзо бўлган давлатлар уни инсон ҳуқуқларининг ҳужжати деб қабул қилишди;
- Бу — давлатлар интиладиган юксак мақсадлар.

Инсон ҳуқуқларининг умумий Декларацияси аниқ ҳужжат бўлиши учун БМТ қўшимча пактларни қабул қилди. Улар — Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Бу уч ҳужжат Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Билль деб аталади.

Шу билан бирга БМТ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциялар ҳозирлади. Улар: насл-насабнинг камситилиши, аёлларга доир камситилишни бартараф этиш, бола ҳуқуқлари тўғрисида ва бошқалар.

Инсон ҳуқуқлари икки асосий тамойилга таянади: тенглик ва эркинлик. Бизнинг ҳуқуқимиз ҳамда эркинлигимиз инсон қадр-қимматини давлатдан ва бошқа одамларнинг тажовузидан ҳимоя қиладиган бир қалқон. Ҳуқуқи бузилган ҳолда инсон ўзини ҳимоялашни сўрамайди ҳам, ялинмайди ҳам. У давлат томонидан ҳимоялашни талаб этади.

Инсон ҳуқуқлари туфайли ўзлигини, ўзгачалигини сақлайди. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари муҳим демократик қадриятдир.

Қозоғистон Республикаси Конституциясининг II бўлимида инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари кўрсатилган, у 29 моддадан иборат, аксар қисми аниқ ҳуқуқлар ва эркинликларга бағишланган. Улар шунчаки мажмуа эмас, аниқ тизимни ташкил этади.

Ёдда сақланг!

Инсон ҳуқуқи концепцияси уч қоидадан таркиб топган:

- Ҳар бир ҳокимият чекланган;
- Ҳар бир инсоннинг ўз олами бор, унга ҳеч кимнинг аралашими мумкин эмас;
- Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқини ҳимоялаши учун давлатга мурожаат қилади. Давлат инсоннинг эркинлиги ва ҳуқуқини ҳимоялашга мажбур.

Инсон ҳуқуқлари мажбуриятлари билан чамбарчас боғлиқ.

Инсон мажбуриятлари — зарур, ўринли, муносиб ўзини тутиш қоидаси чораларидир. Ушбу чоралар Қозоғистон Республикасининг Конституциясида тасдиқланган, давлат ва жамият томонидан таъминланади.

Эътибор беринг!**Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 34-38 моддалари:**

Ҳар ким Қозоғистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинлари, шаъни ва қадр-қиммати хурмат қилишга мажбурдир.

Ҳар ким Республика давлат раъйларини хурмат қилишга мажбурдир.

Қонуний белгиланган солиқларни, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш ҳар кимнинг бурчи ва вазифасидир.

Қозоғистон Республикасини ҳимоя қилиш унинг ҳар бир фуқаросининг муқаддас бурчи ва вазифасидир.

Республиканинг фуқаролари қонунда белгиланган тартибда ва шаклда ҳарбий хизматни ўтайдилар.

Қозоғистон Республикасининг фуқаролари тарихий ва маданий меросни сақлаш юзасидан ғамхўрлик қилишга, тарихий ва маданий ёдгорликларини авайлаб асрашга мажбурдирлар.

Қозоғистон Республикасининг фуқаролари табиатни муҳофаза қилишга ва табиий бойликлардан эҳтиёткорона фойдаланишга мажбурдирлар.

Болаларига ғамхўрлик қилиш, ҳамда уларни тарбиялаш ота-онанинг бирламчи ҳуқуқи ва мажбуриятидир.

Вояга етган меҳнатга яроқли болалар меҳнатга яроқсиз ота-оналарига ғамхўрлик кўрсатиши мажбурийдир.

Инсон ҳуқуқлари инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётини ҳимоялайди ва улар бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Бироқ инсон ҳуқуқларини тоифалаш зарур. Бундай тоифалаш уларни яхши таниш учун кўмаклашади. Адабиётда энг кўп учрайдиган БМТ классификацияси, бунда инсон ҳуқуқининг қуйидаги гуруҳлари қайд этилган: фуқаролик (шахсий); сиёсий; иқтисодий, ижтимоий, маданий.

6-чизма

Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари

Хусусий
(фуқаролик)

Сиёсий

Ижтимоий-иқтисодий,
маданий

Фуқаролик ёки шахсий ҳуқуқ ўзининг шахсий ҳаётини ҳимоялайди.

Уларга қуйидагилар киради:

- Яшаш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 15-моддаси). Бу бўлинмайдиган, ажралмас, ҳаётга келиши билан бериладиган ҳуқуқ.
- Шахсий озодлик ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 16-моддаси). Бу чекловсиз ва мажбурламай дуч келган ҳаракатни амалга ошириш ёки ундан бош тортиш мумкинлиги. Озодлигини чеклаш ёки озодликдан маҳрум этиш — ҳибсга олиш — қонунда кўзланган ҳолатлардагина ва фақат суднинг санкцияси билан амалга ошади. Ҳибсга олинган одамга судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилади;

- Инсонинг қадр-қиммати дахлсиздир. (ҚР Конституциясининг 17-моддаси). Ушбу ҳуқуқ ҳеч кимни азоблашга, унга зўравонлик кўрсатишга, шафқатсизлик ёки инсоний қадр-қимматини камситадиган бошқа тарздаги муомалага ва жазога дучор этилиши мумкин эмаслигини англатади.
- Ҳар кимнинг шахсий ҳаёти дахлсиздир (ҚР Конституциясининг 18-моддаси). Шахснинг бошқа одамлар билан муносабат ўрнатишининг истаган намунасини танлаш ва улар билан мустақил равишда алоқа ўрнатиш имконияти бўлишини англатади. Бу ҳуқуқ инсоннинг ўзининг шахсий оилавий сирларининг, шахсий омонатлари ва маблағининг, ёзган хатлари, телефон орқали сўзлашган суҳбатлари, почта, телеграф орқали ва бошқа йўллар билан олган хабарлари сирини сақлашга кафолат беради.
- Турар жой дахлсиздир (ҚР Конституциясининг 25-моддаси). Қонуний истиқомат қилаётган шахснинг рухсатсиз уй-жойга кириш тақиқланишини англатади.
- Ҳаракат эркинлиги ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 21-моддаси). Қозоғистон Республикаси ҳудудида қонуний юрган ҳар бир одамнинг ҳудудида эркин ҳаракатланиши ва яшаш масканини хохишича танлаб олишга ҳақли. Шу билан бирга ҳар кимнинг Республикадан ташқари жойларга кетишига ва қонун талабларига риоя этган ҳолда тўсиқсиз қайтишига ҳақли.
- Виждон эркинлиги ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 22-моддаси) Бу дуч келган динга эркин риоя этиш ёки биронтасини ҳам қабул қилмаслигининг кафолат берилган имконияти.
- Қайси миллатга, қайси партияга ва қайси динга мансублигини ўзи аниқлаши ва уни кўрсатиш кўрсатмаслик ҳуқуқига (ҚР Конституциясининг 19-моддаси) ўзининг қайси миллатга, партияга, конфессияга киришини танлаш ва шахсий гувоҳнома ва хизмат гувоҳномасига миллатини кўрсатиши тақиқланиши мумкинлигини англатади.
- Сўз ва ижод эркинлиги (ҚР Конституциясининг 20-моддаси). Инсон ғояларини, дунёқараши, билими ва мулоҳазаларини эркин ва мустақил равишда билдириш ҳуқуқи. Ҳар ким қонун доирасида тақиқланмаган, истаган услуб билан эркин ахборот олишга ва тарқатишга, излашга, танлашга ҳақли.

Сиёсий ҳуқуқ ва эркинлик фақат давлат фуқароларига дахлдор ва уларга мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётига иштирок этиш имконини беради.

Улар қуйидагилардир:

- давлат ишларини бошқариш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 33-моддаси). Фуқароларнинг бевосита ва ўз вакиллари орқали давлат ишини бошқаришда иштирок этиши, давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини англатади.
- Тинч тўпланишга ва йиғилишлар, намойишларга, иштирок этиш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 32-моддаси). Фуқароларнинг эркин фикр билдириш йўлини танлаш имкониятини билдиради.
- Фуқароларнинг бирлашиш эркинлиги ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 23-моддаси) Фуқароларнинг ўз эркига кўра умумий мақсадга эришиш йўлида эркин турда бирлашмалар ташкил этишга ҳақли.

Иқтисодий ҳуқуқ ва эркинлик инсоннинг иқтисодий соҳадаги қонуний имкониятларини аниқлайди.

Уларга қуйидагилар киради:

- Меҳнат эркинлиги (ҚР Конституциясининг 24-моддаси). Ҳар бир инсон меҳнатга бўлган ўз имкониятларидан эркин фойдалана олади. Ҳар кимнинг ҳуқуқи бор:
 - хизмат ва касб турини эркин танлашга;
 - ҳеч бир меҳнат тури билан шугулланмасликка.
- Хусусий мулк ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 26-моддаси). Ҳар ким қонуний турда олган истаган мулк соҳиби бўлиб, ундан фойдалана олади.
- Меросхўрлик ҳуқуқи (ҚР Конституцияси 26-моддаси) Вафот этган кишининг (мерос қолдирувчининг) ҳуқуқи ва мажбуриятларининг шахсга (меросхўрга) қолиши имкониятини англатади.
- Тадбиркорлик фаолияти эркинлиги (ҚР Конституциясининг 26- моддаси). Фуқаролар ва улар бирлашмасининг даромад олиш мақсадида, ўз масъулияти билан ҳаракат этиш имкониятини англатади.

Ижтимоий ҳуқуқ — аниқ бир моддий ёки номоддий бойликлар олиш учун талабгор бўлиш имконияти.

Уларга қуйидагилар киради:

- Дам олиш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 24-моддаси) Шахсга меҳнат мажбуриятини бажаришдан ташқари бўш вақт ажратиш имконини англатади.
- Ота-онани ва болани ҳимоялаш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 27-моддаси). Никоҳни, оилани, ота-онани, болани давлат муҳофазага олиши Конституция билан тасдиқланган. Болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларни тарбиялаш, ота-оналарнинг табиий ҳуқуқи ва мажбурияти бўлиб ҳисобланади. Шу билан бирга Қозоғистон Республикасининг Конституцияси вояга етган меҳнатга яроқли болаларнинг меҳнатга яроқсиз ота-онасига ғамхўрлик кўрсатишини ҳам кўзда тутди.
- Ижтимоий таъминот ҳуқуқи (Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси). Фуқаролар кексайган, хасталанган, ногиронлиги бўлган, боқувчисидан айрилган ҳолда ва бошқа қонуний асосларда унга нафақа ва ёрдам пули туридаги моддий кўмак олиш имкониятини англатади.
- Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 29-моддаси) Фуқаринг ўз соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида тегишли органлардан зарур ёрдам олиш имкониятини англатади.
- Таълим олиш ҳуқуқи (ҚР Конституциясининг 30-моддаси). Фуқаронинг давлат ўқув муассасасида бепул ўрта таълим олишига ва танлов асосида давлат олий ўқув юртларида бепул таълим олишга ҳуқуқи бор.

Инсоннинг маданий ҳуқуқи — инсоннинг маданият ва фан соҳасида фаолият юритиш имконияти. Инсоннинг маданий ҳуқуқи шахснинг маънавий ривожланишини таъминлайди.

Уларга қуйидагилар киради:

- Маданий турмуш ҳуқуқи (она тили, миллий анъаналари, урф-одатлар, маданиятидан фойдаланиш);
- Алоқа тилини эркин танлаш ҳуқуқи.

- Яхши тарбия, таълим олиш ҳуқуқи.
- Маданий қадриятларнинг оммавийлиги, маданий ҳаётга иштирок этиш ҳуқуқи
- Ижод эркинлиги, илмий тараққиёт самарасидан қўлланиш ҳуқуқи.

Ёдда сақланг!

Ҳар бир инсон мамлакатининг қонуни ва Конституциясида кўрсатилган ҳуқуқлар ва эркинликлардан фойдаланиши ва ўз мажбуриятларини бажариши керак

Инсон ҳуқуқларини чеклаш тўғрисидаги савол ўта муҳим. Инсон ҳуқуқини чеклаш — инсоннинг эркинлиги, ахлоқининг чегараси. Чекловлар аниқ мақсадда белгиланади. ҚР Конституцияси 39-моддасида чекловларнинг қандай ҳолатларда қўлланилиши кўрсатилган.

Ёдда сақланг!

Чекловлар:

- Конституциявий тузумни муҳофаза қилиш;
- Ижтимоий тартибни ҳимоялаш;
- Инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялаш;
- Аҳолининг имони ва соғлигини сақлаш мақсадида жорий этилади.

Инсон ҳуқуқини чеклашнинг барча тури қонунда кўрсатилиши керак. Бу чеклашларни ҳар бир инсон билиши керак.

Бу тарзда ҳуқуқ, эркинлик, инсон ва фуқаронинг мажбуриятлари Конституцияда тасдиқланади ва давлат ҳамда жамият учун олий қадриятдир. Қозоғистонда яшайдиган ҳар бир инсон бошқа одамларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳурмат қилиши ва бузмаслиги керак. Фуқаронинг эркинлиги ва ҳуқуқи бузилган ҳолда қонуний чоралар қўлланилиши мумкин. Улар махсус ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юкланган.

Глоссарий

Инсон ва фуқаронинг Конституциявий (асосий) ҳуқуқлари ва эркинликлари — шахснинг эҳтимолли ахлоқ ўлчови. Бу ҳуқуқлар одам ҳаётга келгандан бошлаб ёки фуқаролиги натижасида пайдо бўлади. Давлат ҳимоя қилади, асосий қонун — Конституцияда тасдиқланган.

Конституциявий мажбуриятлар — фуқароларнинг ҚР Конституциясида тасдиқланган ижтимоий зарур ахлоқ қоидалари.

Инсон ҳуқуқи тўғрисида халқаро Билль — инсон ҳуқуқи тўғрисида уч ҳужжат. Инсон ҳуқуқларининг барчага бирдек Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакти ва Иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакти.

Инсон ҳуқуқининг чекланиши — инсон эркинлигининг чегараси, ахлоқининг чегараси. Чекловлар аниқ мақсадда белгиланади.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари нима?
2. Қандай халқаро ҳужжатда инсон ҳуқуқлари тўғрисида ёзилган?
3. Конституцияда инсон ва фуқаронинг мажбуриятларини тасдиқлаш нима учун керак деб ўйлайсиз? Мажбуриятларнинг аҳамияти нимада?

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. ҚР Конституциясига таяниб (10-39 модда) жадвални тўлдиринг.

6-жадвал

Қозоғистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқи ва эркинликлари

Фуқаролик (шахсий)	Сиёсий	Ижтимоий-иқтисодий, маданий

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Тажриба ўтказинг.

Муаллим А. исмли ўқувчини дарс пайтида уяли телефондан фойдалангани учун огоҳлантирди. Ўқувчи ўқитувчининг огоҳлантиришига эътибор бермай, телефондан фильм томоша қилишни давом эттирди. Шу вақтда муаллим овозини баландлатиб, телефонини сўндиришни талаб этди. Ўқувчи эса телефони ўзининг мулки эканлигини айтиб, қаршилик билдирди. Натижада муаллим жаҳлланиб, ўқувчи қўлидан телефонни олиб қўйди. Уйига келган ўқувчи ота-онасига ўқитувчининг телефони олиб қўйганини айтиб, шикоят қилди. Ота-она мактаб директориغا муаллимдан шикоят қилди. Ўқитувчи эса ўқувчининг ахлоқсизлиги ва унинг мактабда ўзини тутиш қоидаларини бузганлигини айтди.

А. исмли ўқувчи қандай қоида ни бузган? Муаллим томонидан хатоликка йўл қўйилдими? Жанжал юзага келмаслиги учун айбдорни нима қилиш керак? Мазкур ҳолатда муаллим ва ўқувчига нима маслаҳат берган бўлардингиз? Ёдингизда бўлсин, дарс пайтида алоқа воситалари, плеер, электрон ўйин воситаларидан фойдаланиш гарухсат берилмайди. Бу воситаларнинг барчаси ўчирилган ҳолда портфельда бўлиши жоиз.

Жадвални таҳлил қилинг. Саволлар ва жавобларни таҳлил қилинг.

7-жадвал

Мактабдаги ҳуқуқлар ва мажбуриятлар. Мактабдаги ўзаро муносабатлар

Саволлар	Жавоблар
1	2
Синф етакчиси ёки муаллим ўқувчининг шахсий ҳаётига аралаша оладими?	Йўқ. Шахсий ҳаёт — у инсоннинг бош ҳуқуқи ва у Конституцияда қайд этилган. Ҳар бир фуқаро шахсий ҳаётига дахлсизлигига (шахсий ва оилавий сирларни, махфий мактуб, телефон орқали гапларини эълон қилмасликка, дўстона муносабатга, ёқтириш, ёқтирмасликка, қизиқишга) ҳақли. Муаллим ўқувчи ҳаётининг ушбу жиҳатларига аралашмаслиги керак.

1	2
Ўқувчининг дарсда бўлмагани учун унга қаноатлантирмайдиган баҳони қўйишга муаллим ҳақлими?	Баҳолаш — билим даражасининг фан бўйича кўрсаткичи. Шу боис ўқувчи дарсда бўлмагани учун қаноатлантирмайдиган баҳо қўя олмайди.
Ўқувчининг мактабдаги хулқи тўғрисида муаллим унинг ота-онасига хабар бериши керакми?	Ўқувчиларнинг ота-оналари болаларини тарбиялаши керак. Улар боланинг соғлигига, жисмоний, руҳий, инсоний ва маънавий ривожланиши учун масъул. Ўқувчининг мактабдаги хулқи тўғрисида ўқитувчи унинг ота-онасига маълум қилиши керак.
Болаларни меҳнатга жалб этиш — уларнинг меҳнатидан фойдаланишми?	Мажбурий меҳнат тақиқланган. Улар дарсдан ташқари пайтда, ўз хоҳишига кўра меҳнатга жалб этилишлари мумкин.
Вояга етмаган ўсмир неча ёшдан бошлаб меҳнат қила олади?	16 ёшдан бошлаб
Мактаб болани бузилган мактаб мулки учун ҳақ тўлашга мажбурлай оладими?	Зарар келтирилган мактаб мулкани бола созлай олса, у ҳолда мактаб бунга талаб эта олади. Қимматбаҳо нарса бўлса, ўқувчининг ота-онасига муурожаат қилади. Бу ҳақда мактаб низомида (устав) аниқ ёзилиши керак.
Қолдирган дарслари учун болани махсус мактабга юбориш мумкинми?	Мамлакатимизда шаклланганидан ташқари девиант хулқли ўқувчиларга мўлжалланган махсус мактаблар бор. Бундай мактаблар — ёпиқ мактаблар. Бу ерга вояга етмаганлар суднинг қарори билан юборилади. Мактабга боришдан бош тортиш ахлоқнинг девиант турига киради.
Ўқувчининг дарсга қатнашмаслигига сабабларни аниқланг	Оғриб қолиши
Ўқувчилар мактабдаги дарсга сабабсиз қатнашмаса нима қилиш керак?	Дарсга сабабсиз 10 ва ундан кўп кун қатнашмаса, ўқувчи ювенал полицияга рўйхатга олинади. Ота-онаси маъмурий жазога тортилиши мумкин.
Ўқувчи дарсга кечикса нима қилиш керак?	Имкони борича дарсга қатнашиш учун рухсат олишга ҳаракат қилиш керак. Кундалигида огоҳлантириши учун муаллим кечикишининг сабабини сўрашга ҳақли. Ҳеч ким гапини бўлганни ёқтирмайди. Дарсга кечикиб келиш дарснинг мантиқий тузилмасини бузади. Бу ўз навбатида бошқа ўқувчиларнинг мавзуни ўзлаштира олмаслигига олиб келади.
Муаллим тартибсизлик учун ночор баҳо қўйса, у ҳолда нима қилиш керак?	Интизом учун журналга баҳо қўйиб бўлмайди.
Фуқаролиги йўқ шахсларнинг ёки хорижликлар болаларининг	Давлатимиз ҳудудида яшайдиган ҳамма болалар мактабда таълим олишга ҳақли.

1	2
Болаларнинг Қозоғистон мактаб-ларида таълим олишга ҳақлими?	
Мактаб формасини кийиш мажбурийми?	Мактаб низомига кўра мактаб формасини кийиш керак бўлса, ўқувчи уни бажариши жоиз.
Ўғирлик бўлган ҳолда мактаб маъмуриятининг ўқувчиларни тинтишга ҳаққи борми?	Йўқ.
Агар ўқувчи/муаллим беадаб сўзларни айтса бунинг учун жазолаш мумкинми?	Инсонни хўрлаб, беадаб сўзларни айтгани учун ўқувчи ёки унинг ота-онаси маъмурий жавобгарликка тортилади. Бундай ишлар Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҚР Кодекси билан тартибга солинади. 434-модда, Майда безорилик. Майда безорилик, яъни жамоат жойларда беадаб сўзларни айтиш шахсларни ҳақорат қилиш, уй-жойларда сўкиш, оммавий фойдаланишдаги жойлар, боғлар, хиёбонларни ифлослаш, шу жумладан белгиланмаган жойларга маиший ахлатларни ташлаш ва атрофдагиларга ҳурматсизлик кўрсатиш, ижтимоий интизом ва шахсларнинг тинчлигини бузадиган бошқа ҳаракатлар — беш ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида жарима солишга ёки ўн кеча кундузгача маъмурий ҳибсга олиниши мумкин. 435-модда. Вояга етмаганлар содир этган безорилик. Ўн тўртдан ўн олти ёшгача вояга етмаган содир этган майда безорилик — ота-онасига ёки уларга қарайдиган кишиларга 7 ойлик ҳисоб кўрсаткичи миқдорида жарима тўлашга олиб келади.
Мактабда товламачилик ўрин олса, нима қилиш керак?	Ички ишлар органларига хабар бериш керак.
Ўқувчиларни дарс пайтида шанбаликларга жалб этиш мумкинми?	Шанбалик — ижтимоий фойдали, ҳақ тўланмайдиган меҳнат. Ўз ҳохиши асосидаги тамойил мажбурий омилдир. Шанбалик дарсдан ташқари пайтда ва ота-она ҳамда боланинг розилиги билан ўтиши керак.
Дарс пайтида бажарилмаган топшириқ учун муаллим бутун синф олдида боланинг номусини поймол қиладиган сўзлар айтади.	Бу ҳолатда мактаб маъмуриятига мурожаат қилиш керак.
Муаллим билан низо келиб чиқса, у ҳолда нима қилиш керак?	Қуйидаги қоидаларни бажаришга киришинглар: Сабрли бўлинг. Қўполликка йўл берманг. Ўзингизни ҳурмат қилинг! Камчилигингизни тан олинг ва айбингизни бошқаларга юкламанг.

1	2
	Муаллим билан юз берган низо тўғрисида ота-онага, бошқа муаллимларга, ишончли кишиларга албатта, айтинг. Акс ҳолда психолог билан маслаҳатлашиш керак.
Мактабда билим олишдан ўқувчи қийналяпти. Нима қилиш керак?	Мактабда олган билим, келажакда албатта, асқотади. Агар ўқишни давом эттирсангиз, уй барпо этгингиз келса, у ҳолда сизга билим керак. Баъзида муаллимни тинглаб, ёки уй вазифасини бажариш жараёнида: “Менга бунинг ҳожати борми?” деб ўйлайсиз. Бироқ, вақт ўтиши билан билимнинг керак эканлигини тушунасиз. Мактаб йилларини қувонч билан эслаган яхши. Биз барчамиз турфа хилмиз ва ҳар бир инсоннинг ўзининг ўзгачаликлари бўлади. Энг муҳими — ўзига ишониш!
Ўқувчининг мактабдаги ҳуқуқлари.	<p>Ўқувчининг мактабдаги ҳуқуқлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) Сифатли билим олиш; 2) Қўшимча билим олиш; 3) Таълим муассасаларини бошқаришда иштирок этиш; 4) Ахборот воситаларидан бепул фойдаланиш, дарсликлар билан таъминланиши; 5) Спорт, ўқув, мажлис залларини, компьютер синфхоналари, кутубхонадан бепул фойдаланиш; 6) Ўз фикрини эркин ифодалаш; 7) Обрўсини сақлаш; 8) Таълимдаги фан ва ижодий ютуқлари учун рағбатлантирилиши ва мукофотланиши.
Ўқувчининг мактабдаги мажбуриятлари:	<p>Ўқувчиларнинг мажбуриятлари:</p> <ul style="list-style-type: none"> —сифатли билим олиш, ўзининг билим сарҳадларини кенгайтириш; —мактабдаги ички тартибни сақлаш; —соғлиги ва хавфсизлигини сақлаш; —мактаб формасини мажбурий кийиш; —мактаб ходимлари, муаллимлар ва бошқа ўқувчиларни ҳурмат қилиш.
Муаллимнинг ўқувчи олдидаги қандай мажбуриятлари бор?	<p>Муаллим мажбуриятлари:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1) ўзининг касбий ваколати доирасида тегишли назарий ва таълим бериш кўникмаларига эга бўлиши; 2) ўқувчиларни имонга, ота-оналарини ҳурматлашга, этно-маданий қадриятларга ҳурмат кўрсатишга, атроф муҳитни авайлашга чорлаш; 3) ўқувчиларнинг ҳаётий кўникмалар, ваколатини, ижодий кўникмаларни, ўз эркича меҳнат қилишни ривожлантириш; 4) касбий фаолиятига яратилган шароит билан таъминланиб, педагогик фаолият билан шуғулланиш; 5) педагогик ахлоқ қоидаларини сақлаш;

Давоми

1	2
	б)ўқувчиларнинг, тарбияланувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки қонуний вакилларининг номуси ва қадр-қиммати эъзозлаш;
Мактабда ўқувчиларнинг соғлиги қандай муҳофаза қилинади?	Мактабда соғликни мустаҳкамлашга, касалликнинг олдини олишга, соғлом турмуш тарзини сақлашга имкон яратиш керак. Мактабда тиббий хизмат кўрсатиш ва овқатланиш уюштирилиши керак. Дарс юкламаси санитария меъёрларига мувофиқ бўлиши керак.
Ўқувчи мактабдан қандай ҳолатларда чиқарилади?	Мактабдан чиқариш энг сўнгги чора бўлиши керак. Мактаб низомини қўпол бузганлиги учун ўқувчи мактабдан чиқарилади.
Вояга етмаганлар 23.00дан кейин сайр қилиши мумкинми?	Вояга етмаганларга тунги 23.00 дан 06.00гача катталарсиз жамоат жойларга бориш мумкин эмас
Мактабга уяли телефон олиб келиш мумкинми ва дарс пайтида муаллим уни олиб қўйса, у ҳуқуқбузарлик ҳисобланадими?	Дарс пайтида уяли телефондан фойдаланиш мумкин эмас. Муаллимнинг телефонни олиб қўйиши ҳуқуқбузарлик эмас, ўқувчиларни ички интизомни сақлашга ўргатиш чораси. Дарс тугагач, муаллим телефонни қайтариб бериши керак.

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Жадвални тўлдилинг.

8-жадвал

Ўқувчининг мактабдаги мажбуриятлари ва ҳуқуқлари

Саволлар	Жавоблар
Ўқувчининг мактабдаги ҳуқуқлари қандай?	
Ўқувчининг мактабдаги мажбуриятлари қандай?	
Муаллимнинг ўқувчи олдида қандай мажбуриятлари бор?	
Мактабда ўқувчиларнинг соғлиги қандай муҳофаза қилинади?	
Ўқувчи қандай ҳолатларда мактабдан чиқарилади?	
Ўқувчининг ҳуқуқини қандай ҳолатларда чеклаш мумкин? Бу қандай амалга оширилади?	
Бошқалар мулкини эгаллаган ўқувчиларга қандай чоралар қўлланиш мумкин?	
Ўқувчилар уяли алоқа воситалари, плеерлардан электрон ўйин воситаларидан дарс пайтида қўлланиши мумкинми?	
Ўқувчиларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари қандай ҳужжатлар билан тартибга солинади?	

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади.

6-§. ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ТИЗИМИ

Бугун дарсда:

- давлат органларининг функцияларини (вазифа) кузатамиз

Давлат ҳокимият органлари яхлит тизими ташкил этади. Улар ҳозирги замонда ҳар бир мамлакатнинг яхлит бир қисми ва давлат бошқарувининг асосини ташкил этади.

Қозоғистон Республикасининг Конституциясига кўра, Қозоғистон президент бошқаруви туридаги унитар давлатдир. Давлат ҳокимияти ягона, у уч тармоққа бўлинади: ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва *суд ҳокимияти*.

Қозоғистон Республикасининг Президенти

Давлат органлари тизимини Қозоғистон Республикасининг Президенти бошқаради. У ягона ҳокимиятнинг бўлиниши тизимида ва вазминлик ҳамда қаршилиқлар механизмида алоҳида ўрин эгаллайди. Президент мустақилликнинг, ҳудудий яхлитлик ва юрт хавфсизлиги кафолати, Конституциянинг сақланиши ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳаракатини таъминлайди.

ҚР Президенти 5 йилга сайланади. Қозоғистон Республикаси Конституциясига ҳамда “Қозоғистон Республикасидаги сайлов тўғ-



Қозоғистон Республикасининг
Президенти Қ. Тўқаев

рисидаги” Қозоғистон Республикаси Конституциялик қонунга мувофиқ, Қозоғистон Республикаси Президентлиги намзодларига бир қатор талаблар қўйилади (7-чизма).

2019 йил 19 мартда Қозоғистон республикаси Тўнғич Президенти Элбоши Н. А. Назарбаев ўзининг халқига мурожаатида Қозоғистон Республикасининг Президенти сифатида ваколатини тўхтатганлиги тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Давлат бошчиси хизматини бундан буён давом эттириш масаласи Конституция бўйича ҳал этилади. Қозоғистон Республикаси Конституциясининг 48-бобига мувофиқ, давлатни бошқариш вазифаси президентлик сайлов ўтгунга қадар Парламент Сенатининг спи-



кери Қ. Тўқаевга юклатилди. 2019 йилнинг 21 мартда Қасим Жомарт Тўқаев қасамёд қилиб, Қозоғистон Республикасининг Президенти хизматига киришди. 2019 йилги 23 мартдаги Қозоғистон Республикасининг Президенти Қ. Тўқаевнинг №6 фармонига кўра Астана шаҳрининг номи Нур-Султан бўлиб ўзгартирилди.

2019 йили 9 июнда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сайловда энг кўп овозга эга бўлган Қасим Жомарт Тўқаев Қозоғистон Республикаси Президенти бўлиб сайланди, 1990 йили 24 апрелда Қозоғистон Республикасининг Тўнғич Президенти бўлиб Н. А. Назарбаев сайланди.


Қозоғистон Республикасининг Парламенти

Қозоғистон Республикасининг Парламенти — Қозоғистон Республикасининг қонун чиқарувчи функциясини амалга оширадиган Республиканинг энг олий ваколатли органи. Қозоғистон Республикаси Парламентининг ҳуқуқий мавқеи Конституциянинг IV бўлимида тасдиқланган (49-63 моддалар). Парламент барқарор асосда фаолият юритадиган икки палатадан — юқори палата — Сенат ва қуйи палата — Мажлисдан иборат.

Сенат Конституциявий қонунда белгиланган тартиб билан ҳар вилоятдан, республика аҳамиятидаги шаҳардан ва Қозоғистон Республикасининг пойтахтидан икки кишидан вакиллик қиладиган депутатлардан иборат. Жамиятнинг миллий-маданий ва бошқа муҳим мақсадларининг Сенатда кўрилиши зарурлигини инобатга олиб, Сенатнинг 15 депутатини Президент сайлайди. Сенат депутатларини сайлаш билвосита сайлов асосида яширин овоз бериш орқали амалга ошади. Сайланган депутатларнинг ярми ҳар уч йилда қайта сайланади. Сенат депутатларининг ваколат муддати — 6 йил. (8-чизма) Мажлис Конституцияда белгиланган тартибда сайланган

107 депутатдан иборат. Мажлиснинг 98 нафар депутатини сайлаш умумий, тенг ва тўғридан тўғри овоз бериш орқали амалга ошади. Мажлиснинг 9 депутатини Қозоғистон халқининг Ассамблеяси сайлайди. Мажлис депутатларининг ваколат муддати — 5 йил.

8-чизма



Қозоғистон Республикаси Ҳукумати

Асосий тушунчалар

- ҚР Президенти
- ҚР Парламенти
- ҚР Ҳукумати
- Маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқариш органлари

Ҳукумат ижро ҳокимиятини амалга оширади. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг ҳуқуқий мақоми Қозоғистон Конституциясининг V бобида тасдиқланган (64-70 моддалар) Ҳукумат ҳайъат органи бўлиб, ўз фаолияти бўйича Республика Президенти олдида масъул. Конституцияда кўзланган ҳолатларда, Парламент Мажлиси ва Парламент олдида масъул Ҳукуматни Конституцияда кўзланган тартиб бўйича Қозоғистон Республикасининг Президенти ташкил этади ва уни Бош вазир бошқаради. Ҳукумат таркибига вазирлар бошқарадиган 17 соҳа вазирлиги киради. Шу билан бирга икки агентлик бор.

Ҳукуматни Конституцияда кўзланган тартиб бўйича Қозоғистон Республикасининг Президенти ташкил этади ва уни Бош вазир бошқаради. Ҳукумат таркибига вазирлар бошқарадиган 17 соҳа вазирлиги киради. Шу билан бирга икки агентлик бор.

Қозоғистон Республикасидаги суд ҳокимияти

Қонун томонидан тузилган Республиканинг Олий суди, Республиканинг маҳаллий ва бошқа судлар тизими суд ҳокимиятини амалга оширади. Қозоғистон Республикаси судларининг ҳуқуқий мақоми Қозоғистон Республикаси Конституциясининг VII бўлимида тасдиқланган (75-82 моддалар)

Маҳаллий судларга қуйидагилар:


1) Вилоят ва унга тенглаштирилган судлар (Республика пойтахтининг шаҳар суди, республика аҳамиятидаги шаҳарларнинг шаҳар судлари);

2) Туман ва унга тенглаштирилган судлар (шаҳар суди, туманлараро суд)

Қозоғистон Республикасида бошқа судларнинг, шу жумладан ихтисослаштирилган судларнинг (ҳарбий, молиявий, маъмурий, вояга етмаганларнинг ишлари бўйича ва бошқа) ташкил этиши мумкин.

Суд ҳокимияти судда иш юритишнинг фуқаролик, жиноят ва қонун билан белгиланган бошқа шакллари орқали амалга оширилади. Суд ҳокимияти Қозоғистон Республикасининг номидан амалга оширилади ва фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний мақсадларини муҳофаза қилишни, Республика Конституциясининг, қонунларининг, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг, халқаро шартномаларини бажарилишини таъминлашни мақсад этади. Шу зайдда, Қозоғистон Республикасида суд ҳокимиятини фақат суд амалга оширади. (9-чизма)

9-чизма



Қозоғистон Республикасининг маҳаллий давлат ва ўзини ўзи бошқариши

Маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш Қозоғистон Республикаси Конституциясининг VIII бобида (85—89 моддалар) тасдиқланган. Маҳаллий давлат бошқарувини тегишли ҳудуддаги ишнинг аҳволи учун масъул маҳаллий ваколатли ва ижро органлари амалга оширади.

Маҳаллий ваколатли органлар — маслаҳатлар — тегишли маъмурий-ҳудудий бирликдаги аҳолининг эркини акс эттиради ва умумий давлат мақсадларини эътиборга олиб, уни амалга оширишга зарур чораларни аниқлайди, уларнинг амалга ошишини назорат қилади.

Маҳаллий ижро органлари — ҳокимлар — Қозоғистон Республикасининг ижро органларининг ягона тизимига киради. Тегишли ҳудудларнинг манфаати ва ривожланиши ҳожатлигини таъминлаш



Қозоғистон Республикаси Олий Суд биноси, Нур-Султан шаҳри

учун ижро ҳокимлигининг умумий давлат сиёсатини юргизишни таъминлайди.

Қозоғистон Республикасида маҳаллий аҳамиятга эга масалаларни аҳолининг ўзи ечишини таъминлайдиган маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизими бор. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни аҳоли бевосита амалга оширади. Шунингдек, у маслаҳатлар ва

аҳоли гуруҳлари зич жойлашган ҳудудларни қамраган маҳаллий ҳамжамиятлардаги бошқа маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

Шу зайдда, барча давлат органлари бир-бири билан ўзаро ҳамкорликда, давлатнинг Конституцияси ва қонунлари асосида ишлаши керак. (10-чизма)

10-чизма

Қозоғистон Республикаси давлат органларининг Конституциявий тизими



Глоссарий

Давлат ҳокимият органларининг тизими — қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органларининг мажмуи.

Қозоғистон Республикаси Президенти — давлат раҳбари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини аниқлайдиган, мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Қозоғистон номидан вакиллик қиладиган энг олий лавозимдаги шахс.

Қозоғистон Республикаси Парламенти — юқори ваколатли ва қонун чиқарувчи орган. Парламент икки палатадан: олий палата — Сенат ва қуйи палата — Мажлисдан иборат.

Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ижро ҳокимиятини амалга оширади, Қозоғистон Республикасининг ижро органларининг тизимини бошқаради ва уларнинг фаолиятига раҳбарлик қилади.

Суд ҳокимияти — Олий суд бошқарадиган одил судлов тизими.

Маҳаллий давлат бошқаруви ва ўзини ўзи бошқариш — тегишли ҳудуддаги ишларнинг аҳволига масъул маҳаллий ваколатли ва ижро органлар: маслаҳатлар, ҳокимлар, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Давлат органлари тизимидаги ҚР Президентининг ўрнини аниқланг. Давлат раҳбарининг алоҳида роли нимадан бошланади? Қозоғистон тарихидан олган билимлардан фойдаланинг.
2. Қозоғистон Республикаси Парламентининг фаолиятини аниқланг. Қозоғистон Республикасининг Парламенти нима учун икки Палата — Сенат ва Мажлисга бўлинишини мушоҳада қилинг.
3. Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг қандай ваколатлари бор?
4. Маҳаллий ҳоким қандай ваколатни амалга оширади? “Агар мен Бош вазир (ҳоким, вазир) бўлсам...” мавзuida эссе ёзинг. Эсседа энг биринчи қандай масалани ҳал этардингиз?
5. Судлар қандай фаолият юритади? Қозоғистон Республикасининг суд тизими қандай? Судсиз давлат бўладими? Ушбу мавзуда мунозара ўтказинг.

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. Қозоғистон Республикасининг Конституциясидан фойдаланиб, қуйидаги жадвални тўлдириг.

10-жадвал.

Давлат ҳокимияти органлари	ҚР Конституцияси бўйича бажарадиган фаолияти
ҚР Президенти (44-модда)	
ҚР Парламенти (53-57-моддалар)	
ҚР Ҳукумати (66-модда)	
ҚР суд тизими (75-82-модда)	

Рефлексия. Ушбу мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

7-§. ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING САЙЛОВ ТИЗИМИ

Бугун дарсда:

- Қозоғистон Республикасининг сайлов тизимини ўқиб ўрганамиз;
- Давлат ҳокимиятини шакллантиришдаги сайловнинг роли ва моҳиятини аниқлаймиз.

Сайлов, сайлов тизими, сайлов ҳуқуқи, сайлов комиссияси.

“Сайлов ҳуқуқи” тушунчаси. Мансабдор шахсларни, давлат ҳокимият органларининг, шу билан бирга аҳолини ўзини ўзи бошқариш органларига фуқароларнинг бевосита овоз бериши орқали сайлови — ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим белгиси. Дунёвий жамият сайловсиз бўлиши мумкин эмас. Сайловга иштирок этиш 18 ёшдан бошлаб эркин тур-

да амалга ошади. Суд орқали лаёқатсиз деб топилган, шу билан бирга суд қарори бўйича озодликдан маҳрум этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган фуқаролар сайловда иштирок эта олмайди. Қозоғистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ халқ ҳокимиятини бевосита республика референдуми орқали амалга оширади, шунингдек, ўз ҳокимиятини юритишни давлат органларига беради. Республикадаги сайлов фуқароларнинг давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашга ҳамда уларга сайланишга ҳуқуқи асосида юритилади. Конституцияда ва 1995 йили 28 сентябрда қабул қилинган “Қозоғистон Республикасидаги сайлов тўғрисида” Конституциявий қонунда сайлов тизими ва сайлов ҳуқуқи таърифлари тасдиқланган. (11-чизма)

11-чизма

Сайлов ҳуқуқи — сайлов пайтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Сайлов ҳуқуқи — фуқаролар сиёсий ҳуқуқларининг бири. Фаол ва пассив сайлов ҳуқуқини ажратиш муҳим.

Фаол сайлов ҳуқуқи — Қозоғистон Республикаси фуқароларини сайлашга, аниқроқ айтганда, Президент сайловига, Маслаҳат ва Мажлисга депутатлар сайлашга ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш учун иштирок этишга ҳақли эканлигини англатади.

Пассив сайлов ҳуқуқи — ҚР фуқароларининг Конституцияда ва Конституциявий қонунда тасдиқланган сайлов тўғрисидаги чекловларга риоя этилади. Ушбу органларга сайланиш ҳуқуқи (масалан, бир киши бир муддатда Президент ва Парламент депутати бўла олмайди; Сенат депутати бир вақтнинг ўзида Мажлис депутати; туман Маслаҳати депутати бир вақтнинг ўзида вилоят Маслаҳати депутати бўла олмайди)

БУ ҚИЗИҚ!

Сайловни ким ұйлаб топди? Тарихда сайловнинг тури кўп бўлган. Аввало руларга хос тизим бўйича оқсоқоллар ва аскарбошиларни сайлаб олишади. Сайлов халқ йиғилишида ўтади. Сайловга барча фуқаро қатнашади. Навбатдаги сайлов босқичида чекловлар бўлади. Сайловга фақат зодагонлар ва бой кишилар иштирок этди, қашшоқлар, аёллар ва қуллар бундан четлатилди. Феодализм даврида сайловга фақат эгалар иштирок этишди. Янги даврда сайловга давлатнинг барча фуқароси иштирок этди. Бироқ, мулк эгасига, билимига, жинсига ва бошқа чекловлар жорий этилган эди. Масалан, аёллар фақат 1908 йилдан сайлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Қозоғистон Республикаси фуқаролари сайловга ҳаммага бирдек тенг ва бевосита сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали қатнаша олади.

Эътибор беринг!

Президент сайлови, Мажлис ва Маслаҳат депутатларини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш барчага бир, тенг ва бевосита сайлаш ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали юритилади.

Сенат депутатлари билвосита сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш орқали сайланади (уларни сайловчилар эмас, маслаҳат депутатлар сайлайди).

Барчага тенг сайлов ҳуқуқи Қозоғистон Республикаси фуқароларининг насли, жамиятдаги мансаби ва мулк эгаллиги, дини, миллати, тили, дин муносабатлари, дунёқараши ёки бошқа ҳолатларига қарамасдан сайловга иштирок этишини англатади.

Қозоғистон Республикасида сайлов тенглик тартибида ўтади. Бу сайловчиларнинг сайлашга тенг асосда иштирок этиб, ҳар бири тегишлича бир овозга эга эканлигини англатади. Республикадаги сайловда овоз бериш яширин турда ўтади. Бу овоз берувчиларнинг танловига назорат бўлмаслиги кераклигини англатади. Ушбу мақсадларга мувофиқ овоз бериш варақасини ёпиқ кабина ичида тўлдириш кўзланган.

“Сайлов тизими” тушунчаси. Сайлов тизими ҳамда сайлов ҳуқуқи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Қозоғистон Республикасидаги сайлов тизимига Конституция ва Конституциявий ҳужжатларда кўзланган Президент, Парламент ва Маслаҳат депутатларини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби киради.

Тор маънода, *сайлов тизими деганимиз* — овоз бериш натижасига кўра номзодлар ўртасида мандат тақсимлаш деганидир.

Сайлов тизимининг мажоритар, мутаносиб ва аралаш *мажоритар-мутаносиб* деган уч асосий тури бор.

Эътибор беринг!

Мажоритар тизимда кўпчилик овозга эга бўлган одам сайланган бўлиб ҳисобланади. Бу тизимнинг қоидалари оддий ва тушунарли. У майда партияларни, кўпчиликнинг ўртасида фаоллиги суст етакчиларни, депутатларни ва бошқа ҳокимият органларидан чиқариб юборишга имкон беради.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг 60 дан зиёд мамлакатларида пропорционал тизим қўлланилади. У кўпмандатли сайлов округларида фойдаланилади. Сиёсий плюрализмнинг ривожига имкон беради ва турли партияларнинг Парламентдаги вакилликни таъминлайди.

Мажоритар-мутаносиб тизим иккисининг ҳам ижобий томонларини ўз ичига олган. Бундай ҳолда депутат мандатларнинг бир қисми мажоритар, иккинчиси эса мутаносиб тизимнинг қоидаларига мувофиқ берилади.

Қозоғистонда сайлов тизимининг икки тури ҳам қўлланилади: мутаносиб сайлов тизими, нисбатан ва мутлақ кўпчиликнинг мажоритар тизими. Агар овоз беришга сайловчиларнинг 50 фоизи иштирок этган бўлса, сайлов ўтди, деб ҳисобланади. Овоз беришга иштирок этган сайловчиларнинг 50 фоиздан зиёди овоз берган ҳолдагина номзод сайланди деб ҳисобланади.

Республикада сайловни бир тизимини ташкил этадиган сайлов комиссиялари ташкил этади ва ўтказади.

Унга қуйидагилар киради:

- Қозоғистон Республикасининг Марказий сайлов комиссиялари;
- Ҳудудий сайлов комиссиялари;
- Округ сайлов участкалари;
- Участка сайлов комиссиялари.

Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сайловнинг роли. Сайлов — мамлакатнинг мустақиллигини билдирадиган, ҳокимиятнинг боши сифатида унинг сиёсий ролини кўрсатадиган долзарб механизм. Шу билан бирга ҳокимият органларида турли ижтимоий гуруҳларнинг мақсадини кўзлайдиган муҳим канал сифатида хизмат кўрсатади.

Умумхалқ сайлови ҳар бир фуқаронинг унга иштирок этишга ҳақли эканлигини кўзлайди. Кўп кишилар учун, баъзи давлатларда эса фуқароларнинг кўпчилиги учун сайлов тегишли ташкилотларнинг сиёсатига амалда аралашувнинг ягона йўлидир. Сайлов — барча одамларнинг ўз эркини билдириш имконияти. Бунда давлат ҳокимияти ҳамда унинг фаолияти аҳоли эркига мувофиқ келиши керак.

Асосий тушунчалар

- сайлов
- сайлов тизими
- сайлов ҳуқуқи
- сайлов комиссияси

Сайлов имконият беради:

- фуқароларнинг сиёсий ваколатини таъминлашга;
- уларнинг мақсадини изҳор этишга;
- жамиятдаги етилган низоларни ҳал этишга;
- сиёсий элитанинг таркибини янгилашга;
- ижтимоий фаровонлик тамойилларини қайта кўриш ёки тасдиқлашга;
- давлатнинг сиёсатига таъсир этишга;
- ҳокимиятнинг қонунийлигини такомиллаштиришга, жамиятни бирлаштириш ва интеграциялашга;
- фуқароларнинг сиёсий жиҳатдан билимли бўлишини таъминлашга.

Шу зайдда одамлар овоз бериш орқали ҳокимиятга таъсир кўрсата олади. Шунинг учун сайловга кўп овоз берувчилар иштирок этишлари керак. Республикадаги сайлов Республика фуқаросининг сайлов ва сайланишга ўз ҳуқуқини эркин фойдаланиш асосида амалга ошади. Қозоғистон Республиканинг ҳар бир фуқароси сайлов пайтида ўз фикрини билдиришга ҳақли.

Глоссарий

Сайлов — овоз бериш орқали давлат органларини, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг бошқа ташкилотларини шакллантириш услуги.

Овоз бериш — сайлов жараёнининг босқичи. Икки босқичдан иборат: овоз бериш ва овозларни санаш.

Сайлаш ҳуқуқи — сайлов пайтида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Сайлов тизими — Конституцияда ва Конституциявий ҳужжатларда кўзланган Президент, Парламент ва Маслаҳат депутатларини, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби.

Овоз бериш ҳуқуқи — ҚРнинг ҳар бир фуқароси сайлаш вақтида ўз фикрини билдиришга ҳақли. Бу овоз бериш ҳуқуқи дейилади. Бир инсон бир овозга ҳақли.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Сайлов нима? Демократияни қуришда сайлов қандай роль ижро этади?
2. Фаол ва пассив сайлов ҳуқуқи нима, уларнинг қандай фарқи бор?

1-даражали топшириқ. Жадвални тўлдириш 10-жадвал.

10-жадвал

Сайлов ҳуқуқи тамойиллари

Умумхалқ сайлови	Тенг сайлов	Бевосита сайлов ҳуқуқи	Яширин овоз бериш

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Сайлов куни кўп кишилар сайлов бўлимларига вояга етмаган болалари билан келди. Ота-оналари овоз бериш кабинатида боласининг қўлига қалам бериб, қаерни белгилаш жоизлигини кўрсатиб, шундан кейин бола овоз бериш ускунасига бюллетенни солади. Ушбу ҳолатда овоз бериш тамойиллари бузилди деб ўйлайсизми (бизда сайлов умумий, бевосита, тенг турда, яширин овоз бериш билан ўтади)?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Е.Деган 19 ёшли талабаўз университетининг ижтимоий ҳаётига фаолиштирок этади. У турли ватанпарвартадбирлари, экология акцияларини ўтказиб, университетдаги бошқа талабаларнинг ўртасида фаол бўлди. Талабаларунга Қозоғистон Республикаси Мажлисининг депутати бўлиш учун сайловда иштирок этишни тавсия этди. **Е** ҚР Мажлисининг депутати бўла оладими? Қанча ёшдан бошлаб депутат бўлиш мумкин? Депутат бўлиш учун унга яна нима қилиш керак?

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?



III боб. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ

8-§. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Кун сайин турли воқеалар содир бўлади, ушбу воқеаларнинг ичида фуқаролик ҳуқуқини тартибга соладиган фуқаролик-ҳуқуқий кўринишлар юзага келади. Автобусдан фойдаланган пайтда, йўл ҳақини тўлаб, сизлар йўловчи ташиш шартномаси бўйича ҳаракат қиласизлар. Тушги ҳордиқ пайтида ошхонада тамадди қилиб, бунда ҳам фуқаролик ҳуқуқ муносабатларига — сотиб олиш ва сотиш шартномаси бўйича муносабатларга киришасиз. Шу боис кундалик турмушда турли ҳодисалар бўлиб, ушбу ҳолатларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқ меъёрлари орқали тартибга солинади.

Ёддасақланг!

Фуқаролик ҳуқуқ — мулк ва нохусусий мулк муносабатларини тартибга солиб турадиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуидир. Унинг мақсади — жамиятда иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва фуқаролик ҳуқуқ субъектларининг қонуний мақсадини ҳимоялашни амалга ошириш.

Бугун дарсда:

- “фуқаролик” ҳуқуқ тушунчаси ва тамойиллари, мулк муносабатлари ва “хусусий мулкка доир бўлмаган муносабатлар” тамойилини ўқиб ўрганамиз

Асосий тушунчалар

- Фуқаролик ҳуқуқ
- Фуқаролик ҳуқуқ тамойиллари
- Мулк муносабатлари
- Хусусий мулкка дахлдор бўлмаган муносабатлар
- Жисмоний ва ҳуқуқий шахслар



Қозоғистон Республикасининг
Фуқаролик Кодекси



Одил суд атрибутлари

Мулк муносабатлари ва хусусий мулкка доир бўлмаган муносабатлари турли ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу ерда бош ҳужжат Фуқаролик кодексидир. Ушбу Кодекс икки қисмдан иборат: Умумий ва Алоҳида. Умумий бўлим 1994 йил 27 декабрда қабул қилинди. Алоҳида бўлим эса 1999 йил 1 июлда ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинади.

Фуқаролик ҳуқуқ субъектлари — фуқаролик ҳуқуқ муносабатларининг фаол иштирокчилари. Уларнинг ҳуқуқлари ва вазифалари, ўзаро иш-ҳаракатлари фуқаролик ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга келтиради.

Фуқаролик кодекси субъектларига қуйидагилар киради:

- Жисмоний шахслар (Қозоғистон Республикасининг фуқаролари, хорижлик фуқаролар, фуқаролиги йўқ шахслар). Уларнинг орасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар бир-биридан мустақил ва тенглик асосида бўлади. Барча жисмоний шахслар фуқаролик ҳуқуқ лаёқати, яъни фуқаролик ҳуқуқи соҳасида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор.
- Ҳуқуқий шахслар. Булар — ташкилотлар, корхоналар, тижорат ва нотижорат ташкилотларидир. Ҳуқуқий шахслар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.
- Давлат — давлат ҳокимият органлари. Мансабдор шахслар ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари. Давлат фуқаролик ҳуқуқ соҳасидаги ижтимоий муносабатларнинг фаол иштирокчиси ва кафолати.

Фуқаролик ҳуқуқ тамойиллари — ушбу ҳуқуқ соҳасининг асосий ғояларидир. Улар Қозоғистон Республикаси Фуқаролик кодекси Умумий бўлимининг 2-моддасида кўрсатилган.

2-модда. Фуқаролик қонунларнинг асосий бошланиши.

Фуқаролик ҳуқуқнинг барча меъёрлари ушбу ғояларга асосланган. Ушбу ғоялар фуқаролик-ҳуқуқий меъёрларнинг мазмунини тўғри англашга ёрдам беради. Зарур бўлган ҳолда ушбу ғоялар қарама-қаршиликларни тушуниш ва ҳал этиш учун тажрибада қўлланилади. Бу ғоялар қонун чиқариш ишидаги нуқсонларни бартараф этишга ёрдам беради.

Фуқаролик ҳуқуқнинг барча меъёрлари ана шу ғояларга асосланган. Бу ғоялар фуқаролик-ҳуқуқий меъёрларнинг мазмунини тўғри тушунишга ёрдам беради. Керак бўлган шароитда бу ғоялар, қарама-қаршиликларни тушуниш ва ечиш учун тажрибада қўлланилади. Бу ғоялар қонун чиқариш ишидаги камчиликларни бартараф қилишда кўмаклашади.

Фуқаролик ҳуқуқ тамойиллари:

- Фуқаролик ҳуқуқ субъектларининг тенглиги;
- Хусусий мулкка дахлсизлик;

- Фуқаролик ҳуқуқнинг шартнома эркинлиги;
- Хусусий ишларга давлат ҳамда учинчи томоннинг аралашмаслиги;
- истеъмочилар ва тадбиркорларни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари сифатида ҳимоялаш;
- насия берувчининг қонуний мақсади ва ҳуқуқини ҳимоялаш;
- Фуқаролик ҳуқуқларнинг ҳимояланиши.

Бу тамойилларнинг барчаси бир-бири билан боғлиқ, улар бир-бирини тўлдиради ва органик тизимни ташкил этади.

Тамойилларни кўриб чиқайлик.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатдаги субъектларнинг тенглиги тамойили. Фуқаролик ҳуқуққа эга бўлишда, уни амалга ошириш ва ҳимоялашда фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларининг барчаси тенг ва мустақилдир. Шу билан бирга ушбу муносабат бузилгани учун масъулият ва мажбуриятларни бўлишда барча субъектлар тенг деб ҳисобланади. Фуқаролик ҳуқуқ субъектларининг ҳеч бири бир-бирига буйруқ беришга ҳақи йўқ. Уларнинг муносабатлари ўзаро келишувга асосланган.

Мулк дахлсизлиги тамойили. Мазкур тамойил элимиздаги барча иқтисодий тизимнинг пойдевори бўлиб саналади. Мулк эгасининг ўз мулкини қонун томонидан тақиқланмаган, дуч келган мақсадига эришиш учун эркин, ўз хохишича фойдалана олишни англатади. Мулк эгасига қандайдир бир тўловнинг тўлангани ё тўланмаганига қарамасдан қонун мулк ҳуқуқини мажбурлаб тўхтатишни тақиқлайди.

Шартнома эркинлиги тамойили. Дуч келган шахс ўз хохишича ва ташқаридан кимсанинг мажбурлашисиз шартнома туза олади (ёки тузмайди); шартнома тузишни хохлайдиган томонни танлай олади; шартнома турини танлай олади; шартноманинг талабларини аниқлай олади.

Бу ҳолда, албатта, шартнома тузган ҳамкасбининг ҳам худди шундай ҳуқуқлари борлигини эътиборга олиш керак. Шу боис ҳам фақат ўзаро келишув билан эркин турда тузилган шартномалар ҳақиқий фуқаролик-ҳуқуқий шартнома деб тушунилади.

Хусусий ишлар ва шахсий ҳаётга бировнинг аралашувига йўл бермаслик тамойили. Бунда ҳаракатга лаёқатли фуқароларнинг ё ҳуқуқий шахсларнинг ўз мулкларини фойдаланишга, даромадларини бўлишишга, даромадларидан фойдаланишга бошқариш ва ҳокимият органлари, ота-оналар, фаолият етакчилари ва бошқа шахсларнинг аралашuvi тақиқланади. Қонунда кўрсатилмаган ҳолатда бировнинг рухсатини олиш, шартномасини аниқлаш, ахборот

олиш талаб этилмайди. Оилавий, тижорат ва шахсий сирлар бўлиб ҳисобланадиган маълумотларни беришни талаб этиш тақиқланади. Одамларнинг шахсий ҳаётига, шахсий муносабатларига аралашиб қонун томонидан тақиқланган.

Тадбиркорлар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш. Мазкур тамойил иқтисодиётни ва тадбиркорликни ривожлантириш учун керак. Масалан, тадбиркорларга ишбилармон тузилмаларни шакллантириш тартибини осонлаштириш, тадбиркорлик фаолияти эркинлиги, кераксиз назорат ва асосиз текширишларга йўл бермаслик, тижорат сирларини сақлаш, одил солиқ солиш хизматлари ўта муҳим. Қонун тадбиркорларга уларнинг айби туфайли бўлмаган, фаолият давомида юзага келадиган харажат хавфларини ҳам юклайди. Қонун истеъмолчиларнинг мақсадларини ҳимоя қилади.

Қарз берувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мақсадларини ҳимоялаш тамойили. Қарз берувчи — истаган фуқаролик мажбуриятда зарур шахс ва қоида бўйича мажбурият бузилган ҳолда жабрланувчи томондир. Қарз берувчини ҳимоялаш деганимиз, энг аввало, қарздорга барча бажарилмаган ёки зарур ҳолда бажарилмаган мажбуриятларнинг натижаларини юклаш, насия берувчини бажарилмай қолган мажбуриятлар таҳдидидан ва насия берувчининг олдидаги ўз мажбуриятини бузган қарздорнинг айбини далиллаш қийинчиликларидан озод этиш. Қарз берувчининг мақсадини манфатларини ҳимоя қилиш, айниқса, молиявий мажбуриятлар бузилган ҳолда яққол сезилади. Бу мақсадда Фуқаролик кодекс қарздорга маблағни қайтаришни кечиктирган ҳар кун учун масъулият юклайди.

Фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоялаш. Қозоғистон Республикасининг Конституцияси фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоялаш ҳуқуқига алоҳида эътибор қаратади (13-модда). Давлат фуқаролик ҳуқуқларини дуч келган ҳолда, аниқ ҳолатда ушбу ҳуқуқбузарликка қарши аниқ ҳимоя воситасини қўллаш кўрилмаган бўлса-да, уни ҳимоялайди.

Суд — фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоялаш бўйича асосий орган. Фуқаролик ҳуқуқ бузилган ҳолда субъект давлат судидан ташқари арбитраж (учлик) судга мурожаат қила олади. Аниқ бир моддий ва процессуал ҳолатлар сақланса, бундай судга арз қилиш мумкин. Сақланмаган ҳолатда эса арбитраж суднинг қарори давлат судининг қарори сингари мажбурий ижро этилиши жоиз бўлади.

Баъзи ҳолатда қонун фуқаролик ҳуқуқни ўз хохишича ҳимоялашга имкон беради. Масалан, кафолат маблағини олиб қолиш тўғрисида (ФКнинг 338-моддаси), қарши мажбуриятни бажаришни тўхтатиш (ФКнинг 284-моддаси) ва бошқа қонунда кўрсатилган

холатларда. Фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоялашнинг энг оммавий усули — келтирилган зарарни қоплашни талаб этиш.

Шундай қилиб, фуқаролик ҳуқуқ фанининг икки тури бор. Улар:

- *Мулк муносабатлари* — мулкларнинг фуқаролик айланимига доир ижтимоий муносабатлари; мулкнинг аниқ қиймати бор;
- *Мулкка доир бўлмаган муносабатлар* — моддий фаровонлик асосида шаклланадиган ижтимоий муносабатлар — шахс ҳуқуқи, шахсий эркинлик. Бу манфаатлар жисмоний шахслар учун ўта муҳимдир. Масалан, илм, адабиёт, санъат асарига муаллифлик; ор-номусини, қадр-қимматини, тадбиркорлик фаолиятини ҳимоялаш.

Глоссарий

Фуқаролик ҳуқуқ — жамиятда иқтисодий муносабатларни ташкил этиш ва фуқаролик ҳуқуқ субъектларининг қонуний манфаатларини амалга ошириш мақсадида мулк муносабатлари ва унга доир бўлмаган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Фуқаролик ҳуқуқ субъектлари — ўзаро фаолиятлари фуқаролик ҳуқуқ меъёрлари билан тартибга солинадиган фуқаролик муносабатлари штирокчилари.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Қандай ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқ билан тартибга солинади? Ўз ҳаётингиздан мисоллар келтиринг.
2. Мулк ва унга доир бўлмаган муносабатлар тушунчасини тушунтиринг.

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринг.

11-жадвал

№	Тамойил турлари	Мазмуни
1	Фуқаролик ҳуқуқидаги субъектларнинг тенглиги	
2	Хусусий мулкка дахлсизлик	
3	Шартнома эркинлиги	
4	Шахсий ишлар ва шахсий ҳаётга бошқа бировнинг аралашишига йўл бермаслик	
5	Тадбиркорлар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш	
6	Насия берувчиларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш тамойили	
7	Фуқаролик ҳуқуқларни ҳимоялаш	

Рефлексия. Ушбу мавзунни қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10гача баҳоланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

9-§. МУЛК ҲУҚУҚИ

Бугун дарсда:

- Мулкнинг асосий турларини ўқиб ўрганамиз;
- Мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва уни тўхтатиш йўллари аниқлаймиз;
- Фуқаролик ҳуқуқдаги мажбуриятлар ва масъулияттушунчаси билан танишамиз.

Асосий тушунчалар

- мулк
- мулк ҳуқуқи
- мулк турлари.


Эътибор беринг!

Қонун жиҳатидан олганда мулк — фуқаролик ҳуқуқнинг турли субъектлари ўртасидаги моддий нарсаларга, мулкка, буюмга доир муносабатлар. Бу муносабатларда субъектларнинг бири бу мулкни ўзиники деб қараса, бошқалари учун эса у бегона бўлиб ҳисобланади.

Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик Кодексига кўра, субъектнинг ўзига тегишли мулкка эгалик қилиш ва ўз ихтиёрига кўра фойдаланиш ҳуқуқи қонунчилик ҳужжатлари орқали ҳимояланишини ва тан олинадиган мулк ҳуқуқи бўлиб ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи бошқа инсонга шартнома тузиш пайтидаги бор машаққати билан берилади. Мулк эгасига ўз мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва ҳукм юритиш ҳуқуқи берилади. (12-чизма).

12-чизма

Мулк эгасининг ўз мулкка доир уч ҳуқуқи бор



Эгалик хуқуқи — буюмга эгалик қилиш мумкинлигини билдиради. Бу ҳолатда мулк эгасидан бошқа фуқаролар, масалан шартнома бўйича кўчмас мулки бор шахслар ва мулкнинг қонуний соҳиби бўла олишини эътиборга олиш керак.

Фойдаланиш хуқуқи мулкдан фойдаланиш, қўллаш орқали унинг фойдали жиҳатларини олиш имконияти. Фойдаланиш чоғида мулк тўлиғи билан қўлланилади ёки эскиради (амортизацияланади) Фойдаланиш хуқуқи мулкдорлик хуқуқи билан чамбарчас боғлиқ, ваҳоланки умумий қоидалар бўйича мулкка эга бўлган ҳолатдагина ундан фойдаланиш мумкин.

Эга бўлиш ва фойдаланиш хуқуқи фақат мулк эгасигагина эмас, мулк эгасидан бу хуқуқни шартнома бўйича олган бошқа одамларга ҳам тегишли. Масалан, квартира ижарага олиш, машина ижарага олиш. Ва бошқалар.

Ҳокимлик қилиш хуқуқи — буюмнинг қонуний тақдирини (солиқ, совға қилиш, ижарага бериш) аниқлаш хуқуқи сифатида аниқланади. Ҳокимият хуқуқи фақат мулк эгаси ёки мулк эгасининг бевосита рухсати бўйича бошқа одамлар орқали амалга оширилади.

Мулк эгаси буюмдан ўз хохишича фойдаланади (эга бўлади, фойдаланади ва ҳукмронлик қилади). Умуман мулк эгаси ўзига тегишли мулкка доир қонунга зид бўлмаган истаган ҳаракатни амалга ошира олади, албатта, агар бу ҳаракати бошқа одамларнинг хуқуқини бузмайдиган бўлса.

Мулк эгаси берилган хуқуқлар билан бирга, қонун унга аниқ бир мажбуриятларни юклайди. Уларга мулкни сақлаш машаққати (солиқ тўлаш, мулкнинг баъзи турларига таъмирлаш ишларини юриштиш) киради. Бундан ташқари, мулк эгаси ўзига тегишли мулкнинг фавқулодда зарарланиши ҳолатига дучор бўлиши ёки қутилмаган ўлимга дучор бўлиши мумкин.

Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик кодексига кўра мулкнинг хусусий, давлат, аралаш турлари бор:

1. *Хусусий* — жисмоний шахсларнинг ва нодавлат хуқуқий шахсларнинг ва уларнинг бирлашмалари мулки.



Мулк хуқуқи

2. *Давлат мулки* — мулк иншоотларини бошқариш ва ҳукмронлик этишнинг давлат ҳокимияти вакиллари амалга оширадиган муносабатлар тизими.

3. *Жамоат мулки* — меҳнат жамоаси буюмлар ва озиқ-овқатларни биргаликда эгалик қилиши, фойдаланиб ҳамда ҳукмронлик юритадиган муносабатлар тизими.

13-чизма



Республика давлат мулкининг субъекти — Қозоғистон Республикаси. Коммунал давлат мулкининг субъекти маъмурий- ҳудудий birlikдир. Қозоғистон Республикасидаги алоҳида ҳимоя қилинадиган табиий ҳудудлар: қишлоқ хўжалиги, мудофаа, ўрмон ва сув жамғармалари, фойдаланиладиган ер участкалари шахсий мулкка берилмайди.

Фуқаролик ҳуқуқда Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик кодексида аниқ кўрсатилган мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва тўхтатиш асослари бор

Мулк ҳуқуқига эга бўлиш асослари:

1) Янги буюмга эга бўлиш ҳуқуқи. Агар сиз янги буюмни тайёрлаб ёки ясаган бўлсангиз, уй барпо этсангиз, автоматик тарзда сизнинг мулкингиз бўлиб қолади;

2) Мулк эгасининг қўлидаги мулкка мулк ҳуқуқини бошқа одам эгаллаши мумкин. Масалан, сиз бир буюм сотиб олсангиз, уни ижарага олсангиз, буюмларингизни алмаштирсангиз, бундан кейин буюм сизники бўлиб, мулк ҳуқуқи сизга ўтади.

3) Эгаси йўқ ёки эгаси номаълум мулкка, мулк эгаси бош торган ёки бирор сабабларга кўра ушбу мулкка эга бўлиш ҳуқуқидан айрилган ҳолда, шахс шу мулкни эгаллаш ҳуқуқига эга бўлади. Масалан, рўйхатга олинган мулк, банкрот бўлганларнинг мулки ва бошқалар бўлиши мумкин.

Мулк ҳуқуқини тўхтатиш асослари:

1) Мулк эгасининг эрки билан тўхтатиш (сотиш, ҳадя қилиш, мулкдан ўз эрки билан бош тортиш).

2) Мулк эгасининг ихтиёрисиз тўхтатиш (мулк эгасининг ўлими, мулкнинг тарк этилиши. Уни бартараф этиш).

Шундай зайлда мулк ҳуқуқи бизнинг ҳаётимизда муҳим роль ўйнайди ва мулк ҳуқуқини ҳимоялаш — ҳозирги замон давлатларининг асосий мажбуриятларининг бири.

Глоссарий

Мулк — фуқаролик ҳуқуқининг турли субъектлари ўртасида моддий буюмларга, мулкка, буюмга доир муносабатлар. Бу муносабатларда субъектларнинг бири бу мулкни ўзиники деб қараса, бошқалар учун у бегона.

Мулк ҳуқуқи — субъектнинг ўзига тегишли мулкни фойдаланишга ва ҳокимият юритишга, ўз эркига кўра эгаллик қилишга ҳуқуқий қонунчилик ҳужжатлари орқали ҳимоя қилинадиган ва тан олинадиган мулк ҳуқуқи.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳозирги жамият ҳаётидаги мулкнинг асосий ролини очиб кўрсатинг. Мулк дегани нима? Қандай мулк турларини биласиз?
2. Мулк ҳуқуқига ва унинг уч ҳуқуқий ваколати тўғрисида айтинг.
3. Мулк ҳуқуқига эга бўлиш ва тўхтатиш асослари қандай?

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ. “Мулк ҳуқуқининг ва унга дахлсизликнинг муҳимлиги” мавзуси бўйича мулоҳаза юритинг.

Мураккаблиги 3- даражали топшириқ. Вазиятларни муҳокама қилинг.

1. Хонадон соҳиби ўз квартирасини ижарага берди. Ижарачининг қандай ваколати бор? Ижарачи бу квартирани ўз ҳолича сота оладими? Агар ижарачи квартирага таъмирлаш ишларини юритгиси келса, уни квартира эгасининг рухсатисиз амалга ошира оладими? Агар квартирада қувурлар ишдан чиқиб, қўшниларга зарар келтирса, ким жавобгар бўлади? Жавобларида “эгаллик қилиш”, “фойдаланиш” деган терминларни қўлланинг.

2. Уй жонивори, масалан бўш юрган ит, болалар билан ўйнаб юриб, уларни тишлаб олди. Итнинг эгаси жавоб берадими? Болалар итга ўзлари яқинлашиб, у билан ўйнашни ўзлари бошлаган эди.

Рефлексия. Ушбу мавзунни қандай ўзлаштиришни 1дан 10гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

10-§. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚДАГИ МАЖБУРИЯТЛАР ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугун дарсда:

- Фуқаролик ҳуқуқдаги мажбуриятлар тушунчаси ва уни таъминлаш усулларини ўрганамиз.

Асосий тушунчалар

- Мажбуриятлар
- Мажбуриятларни таъминлаш услублари

Мажбуриятлар — фуқаролик ҳуқуқ муносабатларининг борича кенг тарқалган ва серқирра турларининг бири. Улар, масалан, одамлар бир буюмни сотиб олганда, транспорт компанияси юк ташиганда, корхона асбоб-ускуналарни етказиш борасида, институт илмий-таҳлилий ишларни юритганда ва бошқа пайтда юзага келади.

Мажбуриятда бошқа фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардаги сингари мазмунини, субъектини, объектини аниқлаб олиш жоиз.

Мажбуриятлар субъектлари (томонлар) — кредит берувчи ва қарздор. Кредит берувчи мажбурият олган томондан аниқ бир ҳаракатлар амалга оширишини (амалга оширмаслигини) талаб этишга ҳақли ва мажбуриятнинг фаол томони бўлиб ҳисобланади. Қарз олувчи кредит берувчининг талаби бўйича зарур ҳаракатларни амалга оширишга ёки амалга оширмаслик мажбуриятини олиб, унинг пассив томонидан бўлади.

Эътибор беринг!

Мажбурият — аниқ ҳаракат. Уни бир шахс (қарздор) бошқа шахснинг (насиа берувчининг) фойдасига амалга ошириши керак: мулкни бериш, иш бажариш, пул тўлаш ва бошқа. Кредит берувчи мажбурият олган томондан аниқ бир ҳаракатни амалга оширишни (ёки амалга оширмасликни) мажбуриятини бажаришни талаб этишга ҳақли.

Мажбуриятнинг **объекти** ҳаракатдан иборатдир. Бошқача ифодадасак, мажбурият объекти бўлиб турган бирон бир ҳаракатни бажариш.

Масалан, транспорт компанияси ташиш шартномаси бўйича буюртмачига аниқ бир юкни етказиш мажбуриятини олган. Ушбу ҳолатда юкни етказиб бериш мажбуриятдир. Юк буюртма берувчига етказилгандагина мажбурият бажарилади.

Мажбуриятнинг мазмунини одатдагидек шартномага ёзилган томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ташкил этади.

Мажбуриятларнинг юзага келишига асос бўлади: шартномалар, бошқа келишув муносабатлари, давлат ҳокимияти органларининг ва бошқа давлат органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳужжатлари, суд қарорлари, фан, адабиёт санъат асарларининг чиқиши, зарар келтириш, асоссиз бойиш, мулк сотиб олиш ва бошқалар.

Фуқаролик ҳуқуқда мажбуриятларни таъминлаш услублари кўзланган. Қозоғистон Республикаси Фуқаролик Кодексида мажбуриятни бажариш қонунда кўзда тутилган ва шартнома тузиш орқали жарима тўлаш, гаров бериш, қарздорнинг мулкини ушлаб қолиш, кафолат учун олиш, кафолат бадалини тўлаш ва бошқа услублар орқали бажариш мумкинлиги кўрсатилган. Ушбу чоралар мажбуриятни бажармагани ёки тегишлича бажармагани учун қарздорга нисбатан қўлланилади.

Мажбуриятни бажаришнинг ҳар бир услубини қисқача кўрайлик.

Жарима (фоиз) — қарздор қарз берувчига мажбуриятини бажармагани ёки тегишлича бажармагани учун, алоҳида ҳолатда бажариш муддати ўтиб кетган пайтда тўлашга мажбур харажатдир. Бу харажатнинг миқдори шартномада аниқланади ёки қонунчиликда кўрсатилади. Жаримани тўлатиш пайтида қарз берувчи қанча харажатга тушганини исботлашга мажбур эмас. Масалан, коммунал тўловни кечиктирган ҳолатда фоизи ўсиши аниқ.

Гаров — қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ҳолатда кредит берувчининг гаровга қўйилган мулки қийматидан оладиган харажати. Масалан, банкдан кредит олиш учун ер, уй сингари кўчмас мулклар гаровга қўйилиши мумкин. Мажбурият бажарилмаган ҳолда мулк сотилади, қийматининг бир қисмини кредит берувчи олади.

Кафиллик — шахснинг насия берувчи олдидаги мажбуриятлари ёки қарзи учун кафолат берувчи, яъни бошқа шахс жавоб беради. Кафолат берувчи тўлиқ ёки қарздор билан келишиб, амалда жавоб беришга мажбурият олади. Масалан, кафолат берувчи қарздорнинг банк олдидаги қарзи учун жавоб беради. Шу боис ҳам кафолат берувчи бўлиш — катта масъулият. Ҳамма кафолат берувчи бўла олмайди.

Кафиллик. Бунда кафолат бўлувчи бошқа томоннинг (қарздорнинг) кредит берувчиси олдида ушбу томоннинг мажбуриятини бажарилишига тўлиқ ёки қисман жавоб бериш мажбуриятини олади. Гаровга ўхшаш бўлгани билан аниқ фарқлари бор.

Бўнак (бай пули) — ваъдалашувчи томонлардан бирининг шарт бўйича ўзидан олинадиган тўлов ҳисобидан иккинчи томонга ва



Кўчмас мулк

шарт тузиш ҳамда бажаришни ёки бошқа мажбуриятни бажаришни таъминлашга берадиган пул миқдори.

Кафолат гарови — савдо-сотиқ ёки бошқа мажбуриятни бажариш пайтида шартнома тузиш бўйича мажбуриятларни бажаришни таъминлаш учун кафолат гаровини тўловчининг кафолат бадали олувчига берадиган пул миқдори.

Шундай мажбуриятнинг субъектлари — насия берувчи ҳамда қарз олувчи. Улар аниқ бир мақсадга эришиш учун, шартнома орқали аниқ ҳаракатлар ва мажбуриятларни бажаришга келишишади. Бу иш-ҳаракатлар аниқ услублари билан таъминланади. Булар — жарима тўлаш, гаров бериш, қарздорнинг мулкани ушлаб қолиш, кафолат учун олиш, кафолат бадалини тўлаш ва бошқа услублар орқали бажарилади. Ушбу мақсадга эришганда мажбурият бажарилган бўлиб ҳисобланади.

Глоссарий

Мажбурият — бир шахс (қарз олувчи) бошқа шахснинг (насия берувчининг) фойдасига яшаши жоиз бўлган аниқ ҳаракатлар.

Мажбуриятларни таъминлашнинг усуллари — мажбуриятларни бажариш бўйича тадбирлар. Ушбу чоралар мажбуриятини бажармагани ёки етарли турда бажармагани учун қарздорга доир қўлланилади. Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Мажбурият тушунчасини очиқ кўрсатинг. Сизларга мажбуриятнинг қандай турлари маълум?

2. Фуқаролик ҳуқуқдаги мажбуриятнинг муҳимлиги ва асосий моҳияти нимада?
3. Ҳаётингизда дуч келган мажбуриятларни мисол келтириб, муҳокама қилинг. Мажбуриятларни бажариш усулларини учун керак ва улар мажбуриятларнинг бажарилишига қандай таъсир кўрсатади?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Топшириқни бажаринг. Уй сотиб олиш учун К. исмли фуқаро ўзининг қариндоши Т. дан кафил бўлишини сўранди. Банк насиани маъқуллаб, К. уй харид қилди. Бироз вақтдан сўнг К. ишидан бўшаб, насиа тўлашни тўхтатди. Насиани ким тўлайди? Насиани қайтариш учун банк қандай чора қўллайди?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Топшириқни бажаринг. С. исмли фуқаро бошқа шаҳарга кўчиб, уйни ижарага олмоқчи бўлди. Ёқтирган уйи учун уй эгасига 20 минг тенге бай пули беради. Эртага С. ундан арзон уй топиб, аввалги топган уйдан айниб қолади. С. га бай пулга берган пули қайтариладими? Бай пуlining роли қандай?

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганни 1дан 10гача белгиланг. Қайси саволларнинг жавоби топилмади?

11-§. ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚИНИ ҲИМОЯЛАШ

Биз кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб оламиз, транспортдан фойдаланамиз, турли хизматлар (ателье, дўкон, сарторошхона)га мурожаат қиламиз. Ушбу ҳолатларнинг барчасида биз истеъмолчимиз.

Бугун дарсда:

- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш йўлларини ўқиб ўрганамиз.

Ёдда сақланг!

Истеъмолчи — шахсан ёки хўжалиқда қўлланиш учун товарни сотиб олувчи, турли хизматлардан фойдаланувчи фуқаро.

Асосий тушунчалар

- истеъмолчи,
- истеъмолчилар ҳуқуқи,
- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш.

Қозоғистон Республикасида 2010 йил 4 майда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш тўғрисида” Қонуни қабул қилинган. Қонунга кўра, истеъмолчи — шахсий, оилада, хонадонда ва тадбиркорлик хизмати билан боғлиқ бўлмаган бошқа фойдаланишга мўлжалланган товарга (ишга, кўрсатилган хизматга) буюртма бериш ёки уларни сотиб олиш нияти бор ё буюртма берадиган, сотиб оладиган ва (ёки) фойдаланадиган жисмоний шахс.

Ёдда сақланг!

Истеъмолчи ҳуқуқи — товарлар ва хизматлар бозорида истеъмолчиларни ҳимоялашни таъминлашга йўналтирилган қоидалар ва йўл-йўриқлар, меъёрлар йиғиндиси.

Ёдда сақланг!

Битим — томонларнинг розилиги, унинг натижасида икки томонда аниқ бир ҳуқуқлар ва мажбуриятлар пайдо бўлади.



Истеъмолчининг товарни қайтариши

тишга интиладиган ривожланган давлатнинг ҳуқуқий тизими ва иқтисодиётнинг ривожланиш устиворликларидан бири.

Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш — давлат ва ижтимоий ҳаракатларни амалга оширадиган тадбирлар мажмуаси. Ушбу чоралар истеъмолчи ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектнинг (ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочи) ўртасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган. Улар истеъмолчининг аниқ ҳуқуқларини кўрсатишга йўналтирилган. Юзага келиши мумкин ҳуқуқбузарлик турларини кўрсатади, уларни ҳимоялаш механизмини, истеъмолчи ҳуқуқини бузгани учун таъинланадиган масъулиятни аниқлайди. Қозоғистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза қилиш мақсадида 2010 йил 4 майда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди.

Қозоғистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш қуйидаги таъминлардан иборат:

- истеъмолчиларнинг иқтисодий мақсадига таъсир ўтказиш ва ўша манфаатларни ҳимоялаш;
- сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) тавсия этган ахборотнинг аниқлиги ва оммавийлиги (иши, хизмат кўрсатиши);
- истеъмолчиларнинг етуклиги;
- истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш;
- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлашга жамоат бирлашмаларининг иштироки;
- истеъмолчиларни сифатли ва хавфсиз товарлар билан (ишлар, хизмат кўрсатишлари) таъминлаш.

Истеъмолчиларнинг:

- товар сотиб олишга (ишни бажариш ва хизмат кўрсатиш) эркин шартнома тузишга;
- истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоялаш соҳасида малакасини оширишга;
- товар (иш, хизмат кўрсатиш) тўғрисида, шу билан бирга сотувчи (ишлаб чиқарган одам, ижрочи) тўғрисида ахборот олишга;
- хавфсиз товар сотиб олишга;
- товарни эркин танлаб олишга;
- товарнинг (иш, фаолият кўрсатиш) сифатли бўлишига;
- сифати яхши ва ночор товарни алмаштиришга ёки қайтаришга;
- товарнинг камчиликлари бўлиши туфайли истеъмолчининг ҳаётига, соғлигига ва мулкига келтирилган зарарни тўла ундириб олишга;
- сотувчидан (тайёрловчидан, ижрочидан) товарни (ишни, хизмат кўрсатишни) сотиб олганини тасдиқлайдиган ҳужжатни олишга;
- ютиб олиш турида берилган (бажарилган, кўрсатилган) товарнинг сифати бўйича ўйин ташкилотчисига ўзининг норозилигини билдиришга;
- истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларини ташкил этишга;
- маънавий зарарни ундиришга;
- қонунни мақсадлари ва ҳуқуқини ҳимоялашга ҳақли.

Ўз навбатида сотувчи (тайёрловчи, ясовчи, ижрочи):

- товар (иш, хизмат кўрсатиш) тўғрисида, шу билан бирга сотувчи (тайёрловчи, ижрочи) тўғрисида қозоқ ва рус тилларида ахборот беришга;
- товарнинг (ишнинг, хизмат кўрсатишнинг) хавфсизлигини таъминлашга;
- товарни (ишни, хизмат кўрсатишни) танлаб олиш эркинлигини таъминлашга;
- товарнинг (ишнинг, хизмат кўрсатишнинг) сифатини таъминлашга;
- сифати яхши ёки ночор товарни алмаштиришга ёки қайтаришга;
- товарнинг камчиликлари туфайли истеъмолчининг ҳаётига, соғлигига ва мулкига келтирилган зарарни қоплашга;
- Қозоғистон Республикасининг солиқ тўғрисидаги қонунчилигида кўрилган тартиб билан назорат-касса аппаратлари бўлишини таъминлашга;
- назорат-касса аппаратлари турган жойда истеъмолчининг назорат (товар) чекини олиш зарурати ва назорат-касса аппаратларини қўлланиш тартибини бузган ҳолда унинг давлат даромад органларига (уларнинг алоқа телефонларининг рақамини кўрсатиб) шикоят қилишга ҳақли эканлини тўғрисида қозоқ ва рус тилларида ахборот бўлиши;
- товар (иш, хизмат кўрсатиш) сотиш билан шуғулланаётган шахснинг исми, шарифи ёзилган бейдж бўлиши ва унинг тозалик меъёрлари ва қоидаларини сақлашни таъминлашга;
- товарни (ишни, хизмат кўрсатишни сотиш) пайтида товарни сотиб олганини тасдиқлайдиган ҳужжат беришга;
- талаб этилган иш тартибини сақлашни таъминлашга мажбур.

Истеъмолчи сотиб олган товари ҳох у сифатли, ҳох сифатсиз бўлсин алмаштириб олишга ҳақли. Чунки баъзи товар унинг танло-

вига мувофиқ келмаслиги мумкин. Сотувчи сифатсиз товарни бошқа товарга алмаштирган ҳолда кафолатни ҳам узайтириш керак. Шу билан бирга товар билан бериладиган касса ёки товар чеки, буюмдаги белгилар, аппарат пломбалари сақланиши жоиз.

Ҳар қандай хариддан сўнг (товар) чекни сақлаб қўйиш керак. Бирор бир сотувчи ёки хизмат кўрсатувчи сизга чек беришдан бош тортмаслиги керак. Бозорда сотувчидан сотиб олган товарнинг номини (бир килограмм гилос бўлса ҳам), нарҳини, вазнини ва манзилини ёзиб беришни талаб этишга ҳақлисиз.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқини ҳимоялаш масаласи билан деярли барча давлат органлари шуғулланади.

- Жамоат овқатланиш ва тиббий хизмат кўрсатиш соҳасини — Қозоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ижтимоий соғлиқни сақлаш қўмитасининг департаменти муҳофаза қилади.
- Молиявий хизмат кўрсатиш соҳасини — ҚР Миллий Банки.
- Таълим соҳасини — Қозоғистон Республикасининг Таълим ва фан вазирлиги Таълим ва фан соҳасидаги назорат қўмитасининг департаменти.
- Жамоат транспорти соҳасини — маҳаллий ижро органлари.
- Коммунал хизмат соҳасини — Қозоғистон Республикаси Миллий иқтисодиёт вазирлигининг Табiiй монополияларни, рақобатни ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш қўмитаси.

“Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонунининг 6-моддасига кўра давлат органлари ўз ваколати доирасида:

1) истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг аризаларини кўриб чиқишга;

2) Қозоғистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчиликнинг сақланишига масъулият чораларини қўллашга;

3) Қозоғистон Республикасининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилигига риоя этилишининг назоратини амалга оширишга;

4) истеъмолчиларга уларнинг соғлигига ва хавфсизлигига хавф келтирадиган товарлар (ишлар, кўрсатилган хизматлар) тўғрисида ахборот беришга мажбур.

Чакана савдода истеъмолчиларнинг ҳуқуқи бузилган ҳолда, харидор сотувчига товарни алмаштириш ёки қайтаришни оғзаки илтимос қилади. Агар сотувчи илтимосни бажармаса, харидор товар



Истеъмолчилар

сотувчига ўз ҳуқуқи ва қонуний манфаатлари бузилишини бартараф этишни, унинг асосида келтирилган зарарни ўз эрки билан тўлаб беришни ёзма турда талаб этишга ҳақли.

Агар сотувчи 10 кун ичида айбловга жавоб бермаса ёки қонунбузарликни бартараф этишдан ва келтирилган зарарни ўз эрки билан тўлашдан бош тортса, истеъмолчи бевосита ёки истеъмолчиларнинг ижтимоий бирлашмалари орқали судга мурожаат қилишга ҳақли. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонунининг 42- моддасига кўра истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмалари, ҳамжамиятлари (ташкилотлар) истеъмолчилар манфаатини судда кўришга юборган талабларига давлат божи солинмайди.

Кўплаб дўконларда, дўкончада, бозорларда “Товарни алмаштириш ёки қайтариш мумкин эмас” деган эълон туради. Бундай эълонлар ноқонуний ва яроқсиз. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисида” Қонунининг 30- моддасининг 1- бандида кўрсатилган товарлардан бошқасининг барчасини алмаштириш ёки қайтариш мумкин.

Қонуннинг ушбу меъёрига мувофиқ қайтариб бўлмайди:

- 1) дори воситалари ва тиббий буюмлар;
- 2) ич кийимлар;
- 3) пайпоқлар;
- 4) жониворлар ва ўсимликлар;

5) метрлаб сотиладиган товарлар, шу жумладан, барча турдаги толали матолар, трикотаж ва пардалик мато, сунъий тери, гилам

буюмлари, тўқилмаган материаллар, ленталар, симлар, тасмалар, ленталар кабеллар, линолеум, пленка, клеенкалар.

б) уяли бойланишнинг абонентлик қурилмалари.

Шу зайлда, ҳар бир истеъмолчи сифатли товар ёки хизматга ҳақли. Сотувчи истеъмолчига товар ёки хизмат тўғрисида тўлиқ ахборот бериши керак. Истеъмолчи ҳуқуқини муҳофаза қилиш қонун доирасида амалга оширилади.

Глоссарий

Истеъмолчи — оиласига, ўзига, турмушда ёки бошқа эҳтиёжига ишлатадиган товар сотиб оладиган, буюртма берадиган ёки фойдаланадиган жисмоний шахс.

Истеъмолчи ҳуқуқи — истеъмолчиларни ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилган қоидалар ва кўрсатмалар, меъёрлар мажмуаси.

Истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза қилиш — давлат ва ижтимоий ҳаракатларамалга оширадиган чора-тадбирлар мажмуаси. Улар истеъмолчи ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган субъектнинг (истеъмолчилар ҳуқуқи ва ҳуқуқбузарлик турларини ва уларни ҳимоя қилиш механизмларини шакллантириш; истеъмолчилар ҳуқуқини бузганлиги учун масъулият сингари мажбуриятларини ўзларига олганлар ва ишлаб чиқарувчи, сотувчи, ижрочиларнинг орасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солишга йўналтирилган.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Истеъмолчи ким? Агар сифатсиз товар сотиб олган бўлса, истеъмолчининг ҳуқуқларини қандай амалга оширса бўлади?
2. Истеъмолчилар ҳуқуқини муҳофаза қилиш нима учун муҳим ва бу жамиятнинг иқтисодий ривожиган қандай таъсир кўрсатади?
3. Дўконда, бозорда буюм харид қиладиган, уни таъмирлашга, кимёвий тозалашга берадиган фуқароларга қандай маслаҳатлар берасиз?

Истеъмолчига маслаҳатлар:

Биринчи. Товар танлашда шошилманг ва диққат қилинг.

Иккинчи. Сотувчининг (савдогарнинг) алдовларига берилманг, ёдингизда бўлсин — сиз товарни текинга эмас, ўз пулингизга сотиб оляпсиз.

Учинчи. Нозик бўлинг: товар тўғрисида, ишлаб чиқарувчи, товарнинг асосий истеъмолчилик хусусияти, кафолат муддати тўғрисидаги ахборотни билиб олишга ҳаракат қилинг ва кафолат талонини талаб қилинг. Товар синиб қолган ҳолда уни таъмирлаш жойи, муддати, услуги, шarti тўғрисида билиб олинг.

Тўртинчи. Ёдингизда бўлсин, кафолат муддати доирасида товарни таъмирлаш хизмати бепул кўрсатилади, таъмирлашга кетган вақт кафолат муддатини чўзишга қўшилади.

Бешинчи. Сотувчи дўкон номини, манзилини ёки иш тартибинини қозоқ ва рус тилларида истеъмолчи эътиборига етказишга мажбур (бир тилда ё чет тилида берилган ахборот берилмаган деб ҳисобланади.) Ушбу ахборотни кираверишда ёзиб қўйиш керак. Шу билан бирга истеъмолнига ўзининг исми-шарифи ва ўзини хусусий тадбиркор

сифатидарўйхатга олган давлат органининг номи ва давлат рўйхати тўғрисида ахборотни тақдим этиши керак.

Олтинчи. Ёдингизда бўлсин, истеъмолчи сифатли товарни олишга ҳақли, шу боис ҳам унинг сифатини, мажмуавийлигини, вазнини, ҳажмини текшириши ва сотувчидан товарни хавфсиз, тўғри фойдаланиш ўлини кўрсатишни талаб этишга ҳақли. Бу, айниқса маиший техникаларга дахлдордир.

Еттинчи. Харидор озиқ-овқат маҳсулотлари гакирмайдиган товар берилган пайдан бошлаб 14 кун ичида, агар сотувчи узоқ муддат белгиламаса, харид қилинган товарни сотиб олган жойда ёки сотувчи маълум қилган бошқа жойларда нархида фарқ бўлган ҳолатда сотувчи билан қайта ҳисоблашиб, бошқа миқдордаги, катталиқдаги, ҳажмдаги, турдаги, мажмуадаги ва шунга ўхшаш товарни томонлар келишуви бўйича бошқа товарга алмаштиришга ҳақли.

Саккизинчи. Истеъмолчи товарнинг камчиликларини топган ва уни алмаштиришни талаб этган ҳолда, сотувчи тайёрловчи уни тезда алмаштиришга мажбур. Сотувчига товарнинг сифатини қўшимча текшириш (таҳлил юритиш) зарур бўлган пайтда — талаб қўйилган кундан бошлаб 30 кун ичида алмаштиришга мажбур. Истеъмолчи таҳлилнинг ўзининг гувоҳлигида юритишини талаб этишга ҳақли.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?



IV боб. МЕХНАТ ХУҚУҚИ

12-§. МЕХНАТ ХУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ

Бугун дарсда:

- Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва тамойилларини ўқиб-ўрганамиз.

Асосий тушунчалар

- Меҳнат ҳуқуқи
- меҳнат муносабатлари
- меҳнат эркинлиги
- конституциявий кафолатлар
- меҳнат шартномаси.

Жамият ва инсон тараққиётида меҳнатнинг ҳал этувчи ролни ижро этишига инсоният тарихи гувоҳ. Меҳнат — инсоният тамаддунининг дастлабки ва асосий шарти. Меҳнат инсоннинг овқатга, кийим-кечакка, бошпанага бўлган эҳтиёжларини қондиради.

Меҳнат қилиш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқарилади, шу билан бирга инсон такомиллашади ҳам. Давлат юртимизда юқори даражали меҳнат шароитларини яратишга ҳаракат қилмоқда. Ушбу қоидалар ва кафолатлар Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодексига тартибга солинган. Ушбу Кодекс 2015 йили 23 ноябрда қабул қилинган.

Меҳнат муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқ соҳаси *меҳнат ҳуқуқи* деб аталади.

Ёдда сақланг!

Меҳнат ҳуқуқи — меҳнат жараёнида ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуаси.



Кўчмас мулк

Ёддасақланг!

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари — иш берувчи ва ишчи ўртасида меҳнат ҳуқуқи ва мажбуриятларининг юзага келиши. Бу ижтимоий муносабатлар меҳнат ҳуқуқининг моҳияти бўлиб саналади.

Бошқача ифодаласак, меҳнат ҳуқуқий муносабатлар — меҳнат жамоасида меҳнат қилиш давомида иш берувчи ва ишчи ўртасида юзага келадиган турли ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг мажмуавий йиғиндиси.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларда фуқаронинг меҳнат қилиш, ҳордиқ чиқариш, ҳақ олиш ҳуқуқлари амалга ошади. Асосий меҳнат ҳуқуқий муносабатлари бевосита ишчининг меҳнатида фойдаланиш давомида пайдо бўлади (меҳнатни уюштириш муносабатлари (меҳнат шартномаси, қабул қилиш, алмаштириш, ишдан бўшатиш); иш вақти ҳамда дам олиш вақтини тартибга солиш; меҳнат ҳақи бўйича; меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича; меҳнат тартиби бўйича).

Эътибор беринг!

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари — аниқ бир элементларданиборат ва унга:

- меҳнат муносабатлари объекти;
- Ҳуқуқий муносабатлар субъекти;
- Ҳуқуқий муносабатлар таркиби киради.

Ишчининг иш берувчига тавсия эта оладиган етуклиги, меҳнат кўникмалари, қобилияти меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг объекти бўлиб ҳисобланади. Иш берувчи уюштирган меҳнат жараёнида ишчининг худди шундай етуклиги, меҳнат кўникмалари, қобилияти уни қизиқтириб, ушбу фазилатлари учун меҳнат ҳақи тўлашга тайёр бўлади.

Бозор муносабатларида ишчининг қайсидир бир товар сингари эҳтиёж ва таклифи орқали баҳоланади.

Меҳнат ҳуқуқий муносабат субъектлари — фуқаролар, иккинчи томондан эса муассасалар.

Жамоавий шартнома асосида ва меҳнат қонунчилиги билан, меҳнат шартномалари билан белгиланадиган унинг субъектларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг таркибидир.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг юзага келишининг асоси меҳнат шартномаси деб ҳисобланади. Танлов лавозимини бажарадиган ишчилар учун меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг пайдо бўлиш

асоси — уларнинг ушбу хизматга сайланиши бўлиб ҳисобланади. Ишчиларнинг баъзи тоифалари учун меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг пайдо бўлишининг асосий қонунчилик, ҳужжатларнинг мураккаб таркиби бўлади, меҳнат шартномасидан ташқари ундан олдин ёки ундан кейин бирор бир ҳуқуқий ҳолат рўйхатга олинishi мумкин. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг юзага келиши 14 ёшдаги ўсмирларда мураккаб бўлади, чунки шартнома тузиш учун уларнинг ота-онасининг рухсати бўлиши керак.

Меҳнат ҳуқуқи субъектлари **хусусий, жамоавий, давлат** субъектларига бўлинади (14-чизма).

14-чизма

Меҳнат ҳуқуқи субъектлари

Хусусий субъектларга жисмоний шахслар (Қозоғистон Республикаси фуқаролари, хорижлик фуқаролар, фуқаролиги йўқ шахслар, меҳнат муҳожирлари, қочоқлар, ўралманлар ва бошқалар) кирази. Ушбу субъектлар, ҳуқуқий муносабатларга киришиб, унинг иштирокчилари ролида: ишчилар, иш берувчилар (жисмоний шахслар), ишсизлар, жамоа меҳнат баҳсларини ҳал этадиган даллоллар, бошқалар кўринади.

Меҳнат ҳуқуқининг жамоавий субъектлари — меҳнат жамоалари, касаба уюшмалари, иш берувчилар, меҳнат низомларини ҳал қиладиган, муроасага келтирадиган комиссиялар ва бошқалар.

Меҳнат ҳуқуқининг давлат субъектлари — Ҳукумат. Худудий ижро органлари, судлар, прокуратура, бандлик масалалари бўйича ваколатли органлар, меҳнат бўйича ваколатли органлар ва бошқалар.

Меҳнат қилиш соҳасида инсон ва фуқаро ҳуқуқларини чеклашга йўл қўйилмайди. Ҳар бир одам меҳнат эркинлигига, хизмат ва касб турини танлашга ёки эркин меҳнат қилишга ҳақли. Ҳар бир меҳнатга лаёқатли одам ўзига ёққан касб билан шуғулланишга ҳақли.

Шу боис, меҳнат ҳуқуқи жамият ҳаётида, иқтисодиётнинг ва тадбиркорликнинг ривожига муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир одам давлат ҳимоясида бўлиб, қулай шароитларда эркин меҳнат қила олади.

Глоссарий

Конституциявий кафилликлар — Қозоғистон Республикасининг Конституциясида кўриб чиқилган ҳолларасосида ҳар бир одам эркин меҳнат қилиб, касб турини танлаб, маълум бир мутахассисликка эга бўлиб, меҳнат ҳақи олади.

Меҳнат шартномаси — иш берувчи ва ишчининг ўртасидаги ўзаро шартнома. Бунда томонларнинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, меҳнат шароити ва ҳордиғи кўрсатилган.

Меҳнат эркинлиги — фаолият турини танлашимконияти.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳозирги жамиятдаги меҳнат ҳуқуқининг аҳамияти тўғрисида ўйланиб, гапириб беринг. Меҳнат ҳуқуқи нима? Меҳнат қилмаган инсон жавобгар бўладими?
2. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунини очиб беринг. Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари қандай асосда бошланади?

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. 12-жадвални тўлдиринг

12-жадвал

Меҳнат ҳуқуқий муносабатлари

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг объектлари	Меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари	Меҳнат ҳуқуқий муносабатларининг мазмуни

2-даражали топшириқ. Топшириқни бажаринг. Квартира эгаси квартирага таъмирлашишларини бажариш учун ишчиларни таклиф қилди. Таъмирлашишлари бир неча кун ичида топширилди. Айтилган муносабатлар меҳнат ҳуқуқи билан тўғри келадими? Меҳнат муносабатлари пайдо бўлиши учун қандай ҳужжатлар зарур? Нима учун меҳнат муносабатлари ҳар бир одам учун муҳим саналади?

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ.

1. Матбуотда Қозоғистон фуқаролари ишга таклиф қилиниши тўғрисидаги эълон босилди. Шу билан бирга қишлоқ аҳолисини ва сиёсий партия аъзоларини ишга олмасликларини айтиб, безовта қилмасликлари айтилди. Эълон тўғри ёзилганми? Бунда камситиш ҳоллари борми?

2. Матбуотда ишга олиш бўйича танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон чиқди. Шу билан бирга талабгорлар учун мезонлар: ёши, ихтисослиги, иш стажи, миллати, қайси динга алоқадорлиги кўрсатилди. Эълон тўғри ёзилганми? Бунда камситишлар борми?

Уй вазифаси. “Келажакда қандай ихтисослик билан меҳнат турини танлагинг келди?” мавзусида эссе ёзинг. “Меҳнат ҳуқуқи”, “меҳнат эркинлиги”, “меҳнат кафолати”, “меҳнат тартиби”, “ҳордиқ ҳуқуқи” сўз бирикмаларини қўлланг.

Рефлексия. Ушбу мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10гача баҳоланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

13-§. МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИ. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Бугун дарсда:

- Иш берувчи ҳамда ишчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини меҳнат баҳсларини ечиш йўллари кўрамиз;
- Меҳнат шaroитлари тўғрисида биламиз;
- Балоғатга тўлмаганларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга келтириш масалаларини кўрамиз.

Асосий тушунчалар

- Иш берувчи
- Ишчи
- Меҳнат шaroитлари
- Меҳнатни ҳимоя қилиш
- Меҳнат баҳслари
- Балоғатга тўлмаганларнинг меҳнати.

Одам самарали меҳнат қилиши учун аниқ бир меҳнат шaroитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш зарур. Бу ҳолатлар ишлаб чиқаришнинг истаган турининг таркибий қисми. Қозоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, одам энг олий қадрият, унинг ҳаётини, ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ҳимоя қилиб, кафолат беради.

Меҳнат ҳуқуқи меҳнат жараёнида меҳнат жамоасида шаклландиган муносабатларни тартибга келтириб туради. Бунда инсоннинг ҳёти ва соғлигини сақлаш, меҳнат давомида хавфсизликни таъминлаш муҳим. Даромад олиш учун, яхши ҳақ олиш учун ёки ишлаб чиқарувчи чиқараётган қиммат маҳсулоти учун инсон ҳаётини хатарга қўйиб бўлмайди. Меҳнат қилиш давомида инсонни унинг ҳаёти ва соғлигига зарар келадиган хатардан ҳимоялаш биринчи навбатда туриши керак. Тўғри уюштирилган меҳнатни ҳимоялаш тизими ишчининг ўзини интизомга ўргатиб, унинг оқибатида бажарган ишининг юқори сифатли бўлишига ва самарадорлигини ошишига олиб келади.

Иш берувчи ва ишчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Иш берувчи ва ишчи – меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари. Ҳар бирининг ҳуқуқий мақомини кўриб чиқайлик. Иш берувчи — ишчи билан меҳнат муносабатлари мавжуд жисмоний ёки ҳуқуқий шахс.

Иш берувчи:

- ишга қабул қилиш даврида танлаш эркинлигига;
- ишчилар билан тузган шартномаларни ўзгартиришга, тўлдиришга, тўхтатишга ва бузишга;
- ўз ваколати доирасида иш берувчи ҳужжатини чиқаришга;
- ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ҳимоялашга ва ўз ваколати мақсадида бирлашмалар тузишга ва уларга киришга;
- ишчилардан меҳнат шартномаларини, жамоавий келишувларни, меҳнат тартиби қоидаларини ва иш берувчининг бошқа ҳужжатларини бажаришни талаб этишга;



Меҳнат хавфсизлиги



Меҳнатни ҳимоя қилиш

- ишчиларни мукофотлашга, интизомга доир жазолашга, моддий жавобгарликка тортишга;
- меҳнат мажбуриятларини бажариш жараёнида ишчи томонидан келган зарарнинг ўрнини тўлдиришни талаб этишга;
- меҳнат соҳасида ўз ҳуқуқлари ва қонуний мақсадларини ҳимоялаш учун судга арз қилишга;
- ишчига синов муддатини белгилашга;
- ишчиларни касбий турда қайта ўқитишга ва уларнинг малакасини оширишни таъминлашга;
- ишчини ўқитишга доир ҳаражатни қоплашга;
- хусусий меҳнат баҳсларини ечиш учун Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодексига кўрилган тартиб бўйича келишув комиссиясига, судга арз қилишга ҳақли.

Ишчи – иш берувчи билан меҳнат муносабатларида бўладиган ва бевосита шартнома бўйича фаолият юритадиган жисмоний шахс.

Ишчи:

- Меҳнат шартномасини тузиш, ўзгартириш, тўхтатиш ва бузишга;
- иш берувчидан меҳнат ва жамоавий шартномаларини бажаришни талаб этишга;
- меҳнат ва меҳнат хавфсизлигининг ҳимояланишига;
- меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш шароитлари тўғрисида тўла ва аниқ ахборот олишга;
- меҳнат ва жамоавий шартномаларига кўра вақтида ва тўла ҳажмда меҳнат ҳақининг тўланишига;
- иш билан таъминланмаган пайтда ҳақ тўланишини талаб этишга;
- ҳордиққа, шу жумладан йил сайин тўланадиган меҳнат ҳордиғига;
- бирлашишга, шу жумладан касаба уюшмасини ташкил этишга, шу билан бирга ўз меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ваколатини таъминлаш учун ушбу жамиятга аъзо бўлишга;
- ўз вакиллари орқали уюшма келишувлар ва шартномалар лойиҳасини ясашда иштирок этишга, шу билан бирга имзо чекилган шартнома билан танишишга;
- меҳнат мажбуриятини бажариш жараёнида соғлигига зарар келса, уни қоплашни талаб қилишга;

- мажбурий ижтимоий суғуртага;
- меҳнат (фаолият) мажбуриятини бажаришда бахтсиз ҳодиса юз берганда суғурта қилишга;
- кафолат ва компенсация тўловларини олишга;
- қонунга зид бўлмаган барча усуллар орқали ўзларининг ҳуқуқлари ва қонуний мақсадларини муҳофаза қилишга;
- камситишларсиз бирдек меҳнатга бирдек ҳақ олишга;
- шахсий меҳнат баҳсини ечиш учун Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўрилган тартиб бўйича тотувлашиш комиссиясига, судга арз қилишга;
- меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик талабларига мувофиқ жиҳозланган иш ўрнига;
- Қозоғистон Республикаси қонунчилигида кўзланган талабларга мувофиқ жисмоний ва жамоавий ҳимоя воситалари, , махсус кийим, шу билан бирга меҳнат ва жамоа шартномаси билан таъминлашга;
- ҳаётига ёки соғлигига хавф туғдирадиган шароит юзага келганда иш берувчининг вакилини ёки бевосита раҳбарни хабардор қилиб, ишни бажаришдан бош тортишга;
- меҳнат жараёнида ваколатли давлат органига ёки маҳаллий меҳнатни назорат қилиш органига иш жойидаги меҳнатни муҳофазалаш ва хавфсизлик талабларига текшириш юритиш тўғрисида мурожаат қилишга, шу билан бирга аҳволни яхшилашга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликка доир масалалар кўрилиб, текшириш юритилган пайтда ўзларининг вакилларини иштирокини таъминлашга;
- меҳнат соҳасида ва бевосита шу муносабатларга доир иш берувчининг ҳаракатидан (ҳаракатсизлиги) шикоят қилишга;
- етуклигига, шунингдек меҳнат шароитларига кўра меҳнат ҳақини олишга;
- намоён бўлган чиқиш ҳуқуқини қўшганда, шахсий ва жамоавий меҳнат баҳсларини ечишга;
- иш берувчидаги унинг шахсий маълумотларини ҳимояланишини таъминлашга ҳақли иш берувчидаги унинг шахсий маълумотларини ҳимояланишини таъминлашга ҳақли.

Шу билан бирга Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ иш берувчи ва ишчига аниқ бир мажбуриятлар юкланган.

Меҳнат шароитлари. Муносиб меҳнат шароитини яратиш – ҳар бир иш берувчининг бош вазифаси. Меҳнат шароити меҳнат самарадорлигига, ишлаш тезлигига, жамоадаги кайфият ва бошқалар кўплаб омилларга бевосита таъсир ўтказди.

Қозоғистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ меҳнат шароитлари – ҳақ тўлаш, меҳнат интизоми, ўз мажбуриятларини бажариш, иш куни ва дам олиш вақти тартиби, ихтисосликларни (фаолиятни) биргаликда бажариш тартиби, фаолият кўрсатиш доирасини кенгайтириш, вақтинча иш ўрнида бўлмаган ишчининг вазифасини бажариш, меҳнат ва меҳнат хавфсизлигини ҳимоялаш, техник, ишлаб чиқаришдаги шароитлар, шу билан бирга бошқа икки томоннинг розилиги билан юзага келган меҳнат шартлари.

Ушбу ҳолатлар, одатдагидек меҳнат шартномасида, жамоавий шартномада ёзилади. Улар эркин ва мажбурийдир.

Меҳнатни муҳофазалаш – ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-техник, тозалик-эпидемиология, соғломлаштириш-профилактика, реабилитация ва бошқа чоралар ҳамда воситалардан иборат, ишлаш жараёнида ишчиларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф келтирмаслигини таъминлаш тизими.



Меҳнатни муҳофазалаш

Меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизликка қўйиладиган талаблар Қозоғистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида кўрсатилган. Бу ҳужжатларда ишчиларнинг меҳнат қилиш даврида ҳаёти ва соғлигини сақлашга йўналтирилган ҳужжатлар ҳамда тадбирлар, қоидалар кўрсатилган. Ишчиларнинг ҳаёти ва соғлигини сақлашга йўналтирилган тадбирларни иш берувчи ва Қозоғистон Республикасининг қонунчилиги тақиқламаган бошқа ўринлар молиялаштиради. Ишчилар бу мақсадда харажат қилишмайди. Қозоғистон Республикасидаги Меҳнат қонунининг сақланишини давлат меҳнат инспектори назорат қилади.

Меҳнат баҳслари. Меҳнат ҳуқуқий муносабатларида меҳнат баҳслари тез-тез учраб туради. Уларнинг юзага келиши – иш берувчи ва ишчи ўртасида бевосита келишмовчиликнинг пайдо бўлишидан келиб чиқадиган қонуний ҳолатлар.

Бу – ишчининг истаган ҳуқуқларининг бузилиши ёки унинг муассаса олдидаги мажбуриятларини бажармаслиги (масалан, зарар келтиргани учун моддий жавобгарликка тортилиши). Меҳнат довини юзага келтирадиган ҳолатлар меҳнат баҳсининг аниқ сабабидир. Масалан, муассаса раҳбарининг меҳнат қонунчилигини уюштиришдаги билимсизлиги ёки уни эътиборга олмаслиги ишчининг ҳуқуқини бузишга ва иш берувчи ҳамда унинг ўртасида шахсий меҳнат довининг юзага келишига олиб келади. Меҳнат довлари бир неча сабабларнинг уйғунлашуви оқибатида туғилиши тез-тез учрайдиган ҳолат. Уларнинг бири – иқтисодий, иккинчиси – ижтимоий, учинчиси – қонуний тус олади.

Иқтисодий тусдаги ҳолатларга, жумладан, меҳнат ҳақининг тўла ва вақтида тўланишига тўсиқ бўладиган, ишчиларга бериладиган имтиёзлар ва кафолатларнинг (масалан, соғлигига зарар келтирган ишларда сут, даволаш-профилактик таом бериш) меҳнат муҳофазалашда маблағнинг етишмаслиги ёки умуман бўлмаслиги сингари муассасаларнинг молиявий муаммолари киради.

Ижтимоий тусдаги шароитларга, масалан, қўйи ва юқори ҳақ тўланадиган ишчиларнинг даромад даражаси фарқининг ўсиши киради.

Қонунчилик тусдаги шароитларга, жумладан, иш берувчи ҳамда ишчига мўлжалланган меҳнат қонунчилигининг мураккаблиги, қарама-қаршилиги, шу билан бирга эришиш қийинлиги киради.

Меҳнат баҳсларини ечиш йўллари

Шахсий меҳнат баҳсларини тотувлаштириш комиссиялари кўради. Тотувлаштириш комиссияларининг қарори бажарилмаган ҳолда, судларда кўрилади.

Жамоавий меҳнат довлари қўйидаги тартибда ечилади:

- 1) иш берувчи ҳал қилади;
- 2) ечилмаган ҳолда – тотувлаштириш комиссияси кўриб чиқади;
- 3) унда ҳам битимга келмаган бўлса, меҳнат арбитражи кўради;
- 4) охирида суд ҳал қилади.

Балоғатга етмаганларнинг меҳнат шароитлари ва меҳнатларини муҳофаза қилишда фарқлар борлигини айтиш керак.

Вояга етмаганларнинг меҳнатини ҳуқуқий тартибга солиш. 18 ёшга тўлмаганларнинг меҳнатини тартибга келтириш ўзгачаликлари тўғрисида Қозоғистон Республикаси Меҳнат Кодексида аниқ айтилган. 18 ёшга тўлган ишчилар, меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқий томондан вояга етмаганлар билан тенглаштирилади. Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида, иш вақти, ҳордиқ вақти ва бошқа меҳнат шароитларида қўшимча кафолатлардан фойдаланади.

18 ёшга тўлмаганларнинг оғир ишларда, зарарли ва хавфли шароитларда, шу билан бирга соғлигига ва ривожланишига зарар келтирадиган, ичимлик маҳсулотларини ташиш ва сотиш сингари ишлаб чиқариш муассасаларида, тунги ҳордиқ муассасаларида ва бошқа жойларда ишлашлари тақиқланади.



Вояга етмаганлар меҳнати

Шу билан бирга 18 ёшга тўлмаган ишчиларга белгиланган меъёрдан ошадиган оғир буюмларни кўтариш ва ташиш тақиқланган. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг меҳнатидан фойдаланишда тақиқланадиган ишлар рўйхати ва оғир буюмларни кўтариш ва ташиш меъёрлари соғлиқни сақлаш соҳасидаги давлат органи вакилининг келишуви бўйича давлат органининг ваколати билан аниқланади.



Мактабдаги ақлий меҳнат

Иш берувчи ҳамда 18 ёшга тўлмаган ишчи ўртасидаги меҳнат шартномаси ўсмир мажбурий шифокор текширувидан ўтгандан сўнггина тузилади. Иш берувчига балоғат ёшига тўлмаган ишчиларнинг иш куни тартибига алоҳида эътибор бериш керак.

Мавзу якунида айтмоқчи бўлганимиз, иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилишни доим ҳам таъминлай олмайди ва меҳнат шартларини ҳам доим ярата олмайди. Бироқ Қозоғистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги туфайли ҳар бир ишчи унинг бажарилишини ва ўзига қулай, хавфсиз шартлар ясашни талаб эта олади.

Глоссарий

Иш берувчи – ишчи билан меҳнат муносабатларидатурган шахсий ёки ҳуқуқий шахс.

Ишчи – иш берувчи билан меҳнат муносабатларидатурган жисмоний шахсва шартнома орқали бевосита меҳнат қилувчи шахс.

Меҳнат баҳслари – Қозоғистон Республикаси меҳнат қонунчилигини қўллаш масалалари бўйича ишчи билан иш берувчи ўртасида юзага келадиган, меҳнат ва жамоавий шартномаларни, иш берувчининг ҳужжатларини бажариш ёки ўзгартириш масалалари бўйича келишмовчиликлар.

Меҳнат шартлари – ҳақ тўлаш, меҳнат тартиби, ўз мажбуриятини бажариш, иш куни ҳамда ҳордиқ вақти тартиби, ихтисосликларни (фаолиятни) қўшиб ишлаш тартиби, фаолият кўрсатиш доирасини кенгайтириш, вақтинча иш ўрнида бўлмаган ишчининг вазифасини бажариш, меҳнат ҳамда меҳнат хавфсизлигини муҳофаза қилиш, техникавий, ишлаб чиқаришдаги шартлар, шу билан бирга бошқа икки томоннинг розилиги бўйича юзага келган меҳнат шартлари.

Меҳнатни муҳофаза қилиш – иш ботида ишчиларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф юзага келмаслигини таъминлаш тизими.

Балоғатга етмаганларнинг меҳнати – 18 ёшга тўлмаган ишчилар, меҳнат муносабатлари бўйича ҳуқуқий томондан вояга етганлар билан тенглаштирилади. Меҳнатни муҳофазалаш соҳасида, иш вақти, ҳордиқ вақти ва бошқа меҳнат шартларида қўшимча кафолатлардан фойдаланади.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Иш берувчи ва хизматчининг қандай ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор?
2. Меҳнат шaroитлари дегани нима ва улар нима учун муҳим? Меҳнат шaroитларига бир неча мисоллар келтиринг.
3. Меҳнатни муҳофаза қилиш нима учун муҳим?
4. Қозоғистон Республикаси қонунчилиги бўйича меҳнат баҳслари ва уни ечиш йўллари тўғрисида нима биласизлар?

1-даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринг.

13-чизма

Иш берувчи ҳамда хизматчининг мажбуриятлари

Ишчининг меҳнат мажбуриятлари (ҚР МКнинг 22-моддаси)	Иш берувчининг меҳнат мажбуриятлари (ҚР МКнинг 23-моддаси)

2-даражали топшириқ. Вазиятни муҳокама қилинг. Муассаса ишчиларга ҳақ тўламайди. Етакчи муассасанинг молиявий қийинчиликка дуч келганини айтади. Ишчиларга бир неча ой кутишни ёки тўланмайдиган ҳордиққа кетишни тавсия қилади. Меҳнат ҳуқуқининг қандай тамойили бузилди? Бунда меҳнат баҳси борми? Ишчилар ва етакчилар нима қилишлари керак?

2-даражали топшириқ. Вазиятни муҳокама қилинг. Мактабни тамомлагандан кейин театр жамоасининг энг фаол иштирокчиси Ж театр академиясига тушмоқчи бўлади, бироқ у омадсизлик билан тугайди. У ҳеч қаерда ишламай, куни бўйи уйда ўтириб, китоб, журналлар ўқиб, телевизор кўриб, мусиқа тинглайди. Ота-онаси уни хат ташувчи, ёки яқин ердаги бир компанияга котиб қилиб жойлаштирмоқчи бўлди. Бироқ у Қозоғистон Республикаси Конституцияси қонунига мувофиқ, бизнинг элимизда меҳнат қилиш эрки, ҳамма ўз ихтиёрига кўра касб танлашга ҳаққи бор, – деган мулоҳаза билан ҳар доим бош тортиб ўтирди. Унинг устига, бизнинг элимизда мажбурий меҳнат қилиш таъқиқланган. Шундай вазиятда кимнинг фикри тўғри Ж. ми ёки ота-онасининики? Қонун ва ахлоқ тарафидан баҳоланг. Қизини ишга жойлашга тиришган ота-онаси Ж. нинг ҳуқуқини бузиб ўтиргани йўқми? Шундай вазиятда қандай ижтимоий қонунларни қўллаш мумкин? Ж. га маслаҳат беринг.

Рефлексия. Мазкур мавзунинг қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

4-§. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ

Бугун дарсда:

- меҳнат шартномаси ҳамда унинг мазмунини ўқиб ўрганамиз

Ишга жойлашиш давридаги муҳим дақиқаларнинг бири шартномага ўтиришдир. Ишчига мўлжалланган шартномани ўқиб таҳлил қилиш ўта муҳим, сабаби унинг келажакдаги барча фаолияти унга боғлиқ.

Меҳнат шартномаси – иш берувчи ҳамда ишчи ўртасидаги ёзма турдаги келишув. Ишчи шахсан ўзига белгиланган ишни бажариш-

ни (меҳнат функциясини), меҳнат тартибига риоя этиш мажбуриятини олади, иш берувчи эса ишчига шартли турда белгиланган ишни беришга, меҳнат шароитларини таъминлашга мажбур бўлади.


Асосий тушунчалар

- Меҳнат шартномаси
- Меҳнат шартномасининг мазмуни.

Меҳнат шартномаси маълумотлар ва талаблардан иборат. Маълумотлар тўғрисида икки томон келишувга келмайди. Маълумотлар қонуний юзага келадиган фактларни кўрсатади. Масалан, икки томоннинг меҳнат шартномасини тузган кунини қонун талабнинг кучга кириш вақти билан боғлайди.

Меҳнат шартномасининг томонлари – ишчи ва иш берувчи. Ишчи ва иш берувчининг ишга қабул қилиш пайтидаги ҳаракатлари:

15-чизма



Меҳнат шартномасининг бошқалардан фарқи – унда келгуси талаблар бўлади:

1) аниқ бир малакаси, ихтисоси, касбий ёки фаолият бўйича ишчининг иш бажариши (меҳнат хизмат кўрсатиш доираси);

2) меҳнат тартибига бўйсуниб, мажбуриятини шахсан бажариши;

3) меҳнат учун ишчининг маош олиши;

Меҳнат шартномаси тузилиши мумкин:

1) Ноаниқ муддатга;

2) бир йилдан кам бўлмаган аниқ бир муддатга тузилиши мумкин. Шарт муддати ўтгандан кейин икки томон уни бир йилдан кам бўлмаган ноаниқ ёки аниқ бир муддатга чўздиришга ҳақли. Меҳнат шартномасининг муддати ўтгандан кейин, икки томоннинг бири сўнгги иш куни (мавсум) жорий меҳнат муносабатларининг тўхтатилиши тўғрисида ёзма турда хабар бермаса, у аввал тасдиқланган, мазкур муддатга узайтирилган бўлиб ҳисобланади. Меҳнат муносабатларини давом эттирган ҳолда меҳнат шартномаси белгиланмаган муддатга тасдиқланди деб ҳисобланади;



Меҳнат шартномаси.

- 3) аниқ бир ишни бажариш вақтида;
- 4) вақтинча ўрнида йўқ ишчини алмаштириш вақтида;
- 5) мавсумий ишни бажариш вақтида.

Меҳнат шартномасига Қозоғистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида кўзланган мажбурий талабларни жорий этиш керак. Меҳнат шартномасида ишчи ва иш берувчининг исми шарифи, аниқ бир ихтисослиги, тоифа ёки мансаби бўйича бажарилган фаолият тури кўрсатилади. Шу билан бирга иш ўрни, меҳнат шартномасининг муддати, иш вақти ва ҳордиқ вақтининг тартиби, ойлик маошининг миқдори, томонларнинг масъулияти ва мажбуриятлари ҳамда бошқалар кўрсатилади.

Меҳнат шартномасида ишчининг синов муддатидан ўтиши тўғрисида талаб қўйилади. Одатдагидек, шартномада бундай талабнинг пайдо бўлиши ишчи, унинг малакаси, тадбиркорлик хусусиятлари ва бошқа меҳнат келишуви бўйича топширилган ишга



Меҳнат шартномасига имзо чекиш

мувофиқ келишига ишонч ҳосил қилиш учун иш берувчининг ташаббуси билан бўлади.

Меҳнат шартномасини тўхтатишга асос бўладиган ҳолатлар:

- 1) икки томоннинг келишуви бўйича меҳнат шартномасини бузиш;
- 2) меҳнат шартномаси муддатининг ўтиб кетиши;
- 3) иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бузилиши;
- 4) ишчининг бошқа иш берувчига ўтишига доир;
- 5) ишчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бузилиши;
- 6) икки томоннинг ҳохишидан ташқари ҳолатлар;
- 7) ишчининг меҳнат муносабатларини давом эттиришдан бош тортиши;
- 8) Қозоғистон Республикаси қонунчилигида кўзланган ҳолатлардан бошқа, меҳнат муносабатларини давом эттириш мумкинлигини эътиборга олганда, ишчининг тайинланадиган ишга (хизматга) ёки уни бошқа хизматга тайинлаш ҳолатида;

9) меҳнат шартномасини тузиш тартиби бузилганда. ҚР МҚнинг 52- моддасида меҳнат шартномасининг иш берувчининг ташаббуси билан бузилиши асослари кўрсатилган. Ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан турли ҳолатларда бузилиши мумкин. ҚР МҚнинг 64- моддасига кўра меҳнат тартибини бузгани учун иш берувчи ишчига қуйидаги интизом чораларини қўллайди:

- 1) огоҳлантириш;
- 2) хайфсан эълон қилиш;
- 3) қатъий хайфсан эълон қилиш;
- 4) иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасининг бузилиши. Иш берувчи интизом чорасини акт тузиш орқали қўллана олади. Интизом чораси қўлланмасдан аввал иш берувчи ишчидан ёзма турда тушунтириш хати талаб этишга ҳақли. Агар икки иш куни ичида ишчи ёзма тушунтириш хати бермаса, унда тегишли акт ясалади. Шундай зайлда меҳнат шартномаси мазмуни меҳнат қилиш мазмунини, асосий талабларини, икки томоннинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўла тизимга солиб, баён қилади.

Глоссарий

Меҳнат шартномаси – иш берувчи ҳамда ишчи ўртасида ёзма турдаги келишув. Шартномага кўра ишчи белгиланганишни бажаришни (меҳнат хизмати доирасини) меҳнат интизомига риоя этиш мажбуриятини олади. Иш берувчи ишчига шартли равишда белгиланганишни беришга, меҳнат шароитларини таъминлашга, ишчига вақтида ва тўла ҳажмда меҳнат ҳақини тўлашга мажбур.

Меҳнат шартномасининг мазмуни – томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, асосий талаблари.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Меҳнат шартномаси нима?
2. Қозоғистон Республикаси Меҳнат қонунчилигида меҳнат шартномасининг қандай турлари кўзланганини айтиб беринг.

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ

1. ҚР Меҳнат кодексидан фойдаланиб қуйидаги тушунчаларни ўқиб ўрганинг, маъносини очинг беринг: меҳнат функцияси, меҳнат интизоми, меҳнат ҳақи, меҳнат шариоити. Меҳнат функциясини шартномада аниқ кўрсатиш нима учун аҳамиятли? Ишчининг тоифасидегани нима?

2. Меҳнат шартномасининг иш берувчининг ташаббуси билан бузилиши сабабларини ўқиб ўрганинг (ҚР МКнинг 52-модда) Масалан ишчининг бир иш куни ичида (бир мавсумда) сабабсиз уч соатдан ортиқ ишда бўлмаслиги ва бошқалар. Нима учун уларни чеклаш керак?

Рефлексия. Ушбу мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?



V боб. ОИЛА ХУҚУҚИ

15-§. «ОИЛА ХУҚУҚИ» ТУШУНЧАСИ

Оила жамиятда ҳаётнинг бош қадриятларининг бири ва бахтли ҳаёт кечиришнинг шарти сифатида қабул қилинади. Унга ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ёки нобарқарорлиги, миллат соғлиги бевосита оиланинг аҳволига боғлиқ.

Оила ҳаётий қадрият сифатида инсонга:

- маданият қадриятларига аралашиб имкониятларини;
- дастлабки ижтимоий ролни ўзлаштириш имкониятлари;
- жамиятда ўзини тутиш тажрибаси;
- Ижтимоий ҳимоя ва келажакка ишончни;
- инсонга кундалик ҳаётда зарур кўникмаларни ўзлаштириш имкониятларини беради.

Бугун дарсда:

- Оила, никоҳ тушунчаларини, ҳар бир киши учун оиланинг моҳиятини, оила ва никоҳни сақлаб қолиш услубларини кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- Оила
- никоҳ
- қадрият
- оила ва никоҳни ҳимоя қилиш

БУ ҚИЗИҚ!

Қадимги Грецияда никоҳ фуқароларнинг ижтимоий вазифасига кирган. Яъни ҳар бир одам никоҳланиши, ҳаётга авлод келтириши керак бўлган. Шунда мамлакат ва оила ривожланган. Платон оилани мамлакатнинг асоси деб ҳисоблаган. Арасту “Оила – одамларнинг ижтимоий муносабатларининг дастлабки тури, давлат пайдо бўлган илк уя” деб тасдиқлаган. Хитой файласуфи, Конфуций жисмоний шахсни шакллантиришдаги ҳақиқий табиий услуб – оила эканлигини баҳолаган. У оилани, оилавий турмушни барча эзгуликнинг бошланиши деб ҳисоблаган. Кант тотувлик муносабатлари ҳамда умр бўйи ишончга асосланган бир никоҳлик ҳуқуқий ва ахлоқий бўлади деб ҳисоблаган. Қадимги қозоқ жамиятида оила ҳамда никоҳ энг муқаддас саналган.

Ёдда сақланг!

Оиласида болаларнинг тафаккурига ҳуқуқий ва инсонийлик тамойилларига асосланган: ватанни ҳимоя қилиш, ор-номус, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, мақсадни аниқ белгилаш, онани қадрлаш, катталарни ҳурмат қилиш, хайрия, ғамхўрлик сингари фазилатлар бола пайтидан бошлаб сингдирилиши керак. Ваҳоланки улар – ўз элининг келажак фуқароларидир.

Қозоқ тилида ушбу қадриятларни белгилайдиган кўп мақол-маталлар бор. Уларнинг бир нечтасини келтирайлик: “Ватан учун ўтга туш – куймайсан”, “Қиз болага қўпол гапириб бўлмайди, бу одобсизлик белгиси”, “Ёши катталарга биринчи салом бериш керак”.

Оила – эр-хотин, ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар. Оила никоҳга ёки яқин қариндошларга асосланган. Оила аъзолари бир-бирига ўзаро ёрдам бериб, ўзаро ахлоқий масъулият билан боғланади. Оиланинг энг муҳим функцияси – болани дунёга келтириш ва унинг тарбиясидир.

Никоҳланиш, қариндошлик, бола асраб олиш, болаларни ўз тарбиясига олиш орқали пайдо бўладиган муносабатлар – оила муносабатлари деб аталади.

Оила ҳуқуқи шартли турда оилавий деб аталадиган бошқа муносабатларни тартибга солади. Масалан, бувилар ва неваралар ўртасидаги муносабат; вояга етган, ўзлари оила қурган ва алоҳида турадиган акалари ва сингиллари ўртасидаги муносабат. Кўрсатилган муносабатларнинг асоси кўпинча қариндошлик муносабати бўлганлигидан бундай муносабатлар қариндошлик муносабатлари дейилади. Қариндошчиликнинг икки тармоғи алоҳида ажралиб туради: тўғри ва четки. Тўғри тармоғи бир-биридан тарқалиши асосида бўлади. Қариндошчиликнинг юқори чизиғи авлодларидан ота-бобосига (отасига/онасига, бобосига, унинг отасига ва бошқалар) қараб, пастки чизиғи – отасининг авлодига (боласига, неварасига, эварасига ва бошқалар) қараб йўналган.

Қариндошлик – бир-биридан ёки бир отадан тарқаган шахсларнинг қон орқали боғлиқлиги. Қозоқ халқида етти отагача қариндош бўлиб саналади.

Оилани барпо этиш асоси – никоҳдан иборат. Қозоғистонда никоҳ давлат органларида рўйхатга олиниши керак.



Ёш оила

Ёддасақланг!

Оиланинг ички масаллари, агар бу масалаларуларнинг манфаатларини кўзласа, вояга етмаган болаларни кўшганда оила аъзоларининг ўзаро келишуви билан ҳал этилади. Оилавий муносабатлар бузилган ҳолдагина ҳуқуқий қоидаларнинг аралашуви зарурлиги юзага келади. Оилавий мулк муносабатларини фуқаролик ҳуқуқ тартибга солади, ваҳоланки мазкур муносабат объекти моддий манфаатдир. Оила ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқ.

Никоҳ — оилани барпо этиш мақсадида қонун томонидан созланган тартибга кўра ўз эрки ва розилиги билан тасдиқланган эр-хотинлар ўртасидаги мулк ва номоддий муносабатларни юзага келтирадиган тенг ҳуқуқли уюшма.

2011 йили 26 декабрда қабул қилинган Қозоғистон Республикаси «Никоҳ ва оила тўғрисида» Кодекси оилавий никоҳ муносабатларини тартибга солади.

Оилавий муносабатларнинг ҳаммаси ҳам ҳуқуқ орқали тартибга солинмайди. Оиладаги муносабатлар асосида ўзаро ҳурмат, бир-бирини сийлаш, муҳаббат, бир-бирига ғамхўрлик, маънавий томондан қўллаш каби одоблик қоидалари асосида тартибга солинади. Кўпинча оилавий турмуш тарзи миллий дастурлар, анъаналар ва урф-одатларга суянади.

Оиланинг ички масалалари балоғатга етмаган фарзандлари билан биргаликда оила аъзоларининг розилиги орқали ҳал қилинади. Оилавий муносабатлар бузилган пайтдагина ҳуқуқий қонунлардан фойдаланилади.

Оилавий мулк масаласини фуқаролик ҳуқуқ қонуни бўйича тартибга солинади, чунки айтиб ўтилган муносабат объекти материаллик манфаати бўлиб саналади. Оилавий ҳуқуқ фуқаролик ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Оила ҳуқуқи тамойилларини кўриб чиқайлик.

Оила ҳуқуқи тамойилларига:

- эркак ва аёлнинг никоҳ уюшмасининг (эр-хотинлик) ўз эркига хослиги;
- оиладаги эр-хотинларнинг тенглиги;
- оилавий ишларга аллақимнинг ўз хохишича аралашшига йўл бермаслик;
- оиланинг ички масалаларини ўзаро келишув билан ҳал этиш;
- болаларнинг оилада тарбияланишига, уларнинг ривожланиши ва шароитининг яхшиланишига эътибор бериш;
- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ва кексайган, вояга етмаган аъзоларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини устуворлик билан ҳимоялаш;
- оила аъзоларининг ўз ҳуқуқини тўсиқсиз амалга ошириш, ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имконияти билан таъминлаш;
- барча оила аъзоларининг соғлигини сақлаш ишида қўллов кўрсатишдан иборат.

Давлат ва жамият никоҳ ва оиланинг мустаҳкам бўлишини мақсад қилади. Шу боис никоҳ ва оила давлат ҳимоясида. Никоҳ ва оилани ҳимоялаш икки хил амалга оширади: юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий (16-чизма).

16-чизма



Юрисдикциявий тури – бузилган ёки баҳс туғдираётган ҳуқуқларни муҳофазалаш бўйича ваколатли давлат органларини жалб қилиш орқали оила ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Бу – суд, прокуратура, никоҳни рўйхатга олиш бўлими, васийлик органлари ва ички ишлар органлари.

Ноюрисдикциявий тури – фуқаролар ва оила ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоялаш ташкилотларининг давлат органларидан ёрдам сўрамай, ўз эркича ҳаракат қилиши. Масалан, ҳуқуқлари бузилган боланинг ота-онаси ҳуқуқбузар билан ва унинг ота-онаси билан суҳбатлашиб, унга кечирим сўрашни тавсия қилди ва бошқалар.

ШУ боис никоҳ ва оила давлат ҳамда жамиятнинг асосини ташкил этади. Оила ва никоҳ мустаҳкам бўлгани сайин, давлат ҳам кучли бўлади. Бизнинг ҳар биримиз оилани қуриб, никоҳланиш турини танлай оламиз.

Глоссарий

Оила – мулк ва номоддий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар орқали алоқада бўладиган шахсларнинг бир гуруҳи. Улар никоҳ табиатидан, қариндошчилик томонидан, асраб олиш ёки болаларни ўз тарбиясига олиш ва бошқа турларидан юзага келади.

Никоҳ – оилани барпо этиш мақсадида қонун томонидан созланган тартибга кўра ўз эрки ва розилиги билан тасдиқланган эр-хотинлар ўртасидаги мулк ва номоддий муносабатларни юзага келтирадиган тенг ҳуқуқли уюшма.

Глоссарий

Оила ҳуқуқи – оилавий-никоҳ муносабатларини тартибга солиб туралдиган ҳуқуқий меъёрлар мажмуи.

Қариндошлик – бир-биридан ёки умумий отадан тарқаган шахсларнинг қон бўйича боғлиқлиги.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Оила тушунчасини англатинг. Оиланинг никоҳдан фарқи нимада?
 2. Никоҳнинг (эр-хотинларнинг) бош мақсади нимада?
 3. Оилани муҳофаза қилишнинг юрисдикциявий ва ноюрисдикциявий турларининг фарқларини очиқ кўрсатинг.
 4. **Синф иши.** Файласуфларнинг оила тўғрисида айтганларини таҳлил қилинг. Уларнинг бош ғояси нима? “Оила мустаҳкам бўлса, давлат ҳам кучли бўлади” деганни қандай тушунасиз?
- 1-даражали топшириқ.** Жадвални тўлдириг. 15-жадвал.

14-чизма

Оила ҳуқуқ тамойиллари

№	Тамойил номи	Мазмуни	Тажрибадан мисол

Мураккаблиги 1-даражали топшириқлар. Вазиятни муҳокама қилинг.

1. Оилада 12 ва 16 ёшдаги икки бола бор. Ота-оналари уларнинг спорт билан ва муסיқа билан шуғулланишларини хоҳлайди. Ўсмирлар ота-оналарининг танловларидан бош тортишди. Уларга компьютерлик дастур билан шуғулланиш кўпроқ ёқади. Оилада жанжал юзага келади.

Бу низони қандай ечиш мумкин? Оиладаги муносабатлар қандай меъёрлар билан тартибга солинади?

2. Оиладанохуш вазият юз берди, ота-оналар бир-бири билан тил топиша олмайди. 14 ва 16 ёшдаги болаларига эътибор беришмаяпти. Улар мактабга боришни қўйиб, кичик савдо билан шуғулланади, кун бўйи далада юради. Ота-она ўз болаларининг ишлари учун жавоб берадими? Бу ҳолатга органлар қандай эътибор қаратиши керак? Бу оиланинг ота-онаси ҳамда болаларига қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар. Ибратли оила шаклини тузинг. Бир-бир билан уйғун ҳаёткечириш учун оила аъзоларига қандай фазилатлар керак? Бир оиланинг катта ёшдагилари қийин вазиятларда бир-бирига ёрдам бериши керакми? Масалан, кредит олиш, коммунал тўловларни тўлаш, озиқ-овқат сотиб олиш, дўстларни меҳмонга чақириш ва ҳоказо. Муҳокама қилиб, оилавий яшаш тартибини тузишга ҳаракат қилинг.

8. **Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар.** Л. Толстойнинг “Анна Каренина” асаридан: “Барча бахтли оила бир-бирига ўхшайди, ҳар бир бахтсиз оила ўз ҳолича бахтсиз” деган фикрини элақдан ўтказинг. Муаллиф нимани назарда тутган? “Бахтли оила қандай яшаши керак?” деган фикрни мулоҳаза юритинг.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

16-§. НИКОҲЛАНИШ ВА НИКОҲНИ БУЗИШ ЙЎЛЛАРИ

Бугун дарсда:

- Никоҳланиш шартлари ва тўсиқларини, никоҳни тўхтатиш ва бузиш масалаларини кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- никоҳ
- Никоҳланиш
- никоҳни бекор қилиш

Қозоғистон Республикасида оила ва никоҳ давлат ҳимоясида. Бу никоҳга туриш ҳамда никоҳни тўхтатишни давлат аниқ қилиб тартибга солаётганини билдиради.

Никоҳга туриш учун икки томоннинг озодлиги ва эркинлиги, ўз хоҳиши билан бўлиши керак. Одамлар никоҳга ўз эрки билан, оила қуришнинг қонунчилик ва ахлоқий жиҳатларини эътиборга олиб, мажбуриятларини бажаришга ва бир-бирининг олдида масъулиятини ҳис этиб, онгли равишда никоҳ қуради.

Ёдда сақланг!

Никоҳ –бу масъулият! Никоҳ – бу ўзаро ҳурмат! Никоҳ – бир-бирини севадиган икки одамнинг эркин уюшмаси! Никоҳ мамлакат ва жамиятнинг ҳимоясида..

Қозоғистон Республикасида қуйидаги ҳолатларда никоҳ қуришга (эр-хотин бўлишга) йўл берилмайди:

- бир жинсли кишиларга;
- агар никоҳ қурадиган икки кишининг бири бошқа никоҳга рўйхатга олинган бўлса (эр-хотинлик);
- яқин қариндош бўлса. Яқин қариндошлар ўртасида қонун билан тақиқланган. Уларга ота-онаси, болалари, асраб олувчилар, асраб олинганлар, ака-сингиллар, отаси, бувиси, неваралари киради;



Кодекс



Оила

- асраб олувчилар ва асраб олганлар, асраб олувчиларнинг болалари ва асраб олинган болалари билан;
- қонун кучига кирган суд қарори бўйича иккисининг бири рухий касалликларга чалингани туфайли ҳаракатга лаёқатсиз деб топилса, уларнинг никоҳга туришига йўл берилмайди.

Қозоғистон Республикасида никоҳга туриш пайтида ижтимоий, наслий, миллий, тил ёки динига боғлиқ равишда фуқаролар ҳуқуқини чеклашнинг барча турлари тақиқланган. Эр-хотинлар ўртасидаги муносабатга яқинларнинг аралашшига йўл берилмайди.

Никоҳ қуриш эр киши ва аёлнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёши 18га тўлиши асосида амалга ошади. Агар никоҳ қуриш мажбурлаш, куч ишлатиш, алдаш, хавф туғдириш орқали юритилса, ундай никоҳ ноқонуний бўлади.

Никоҳга туриш розилиги никоҳни рўйхатга олишда никоҳланадиган кишининг бевосита иштироқи билан оғзаки айтилиб, унинг имзоси билан тасдиқланади. Бунда ота-оналарнинг, яқинларнинг розилиги талаб этилмайди. Шунга қарамай оила учун ота-онасининг рухсати барча жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

Ёддасақланг!

Қозоғистон Республикасида давлат органида расмий турда рўйхатга олинган никоҳ тан олинади.

Рўйхатга олувчи органлар узрли сабаблар бўлгандагина никоҳланиш ёшини 2 йилдан зиёд муддатга қисқартирмайди. Никоҳланиш ёшига етмаган шахслар ўртасидаги никоҳга туриш ота-онасининг рухсати билан амалга оширилади. Бундай ҳолларда ҳомиладорлиги ёки боланинг дунёга келиши, ҳарбий хизматга чақирилиши сабабли балоғат ёшига етмаганлар ҳам оила қуриши мумкин. Бундан бошқа узрли сабаблар бўлиши мумкин эмас.

Никоҳни тўхтатиш. Эр-хотинларнинг хусусий ва мулк ҳуқуқи муносабатларининг тўхтатилиши – никоҳни тўхтатиш деб тушунтирилади. Никоҳ қонунда кўрсатилган ҳолатлар туфайли ёки эр-хотинлардан бирининг хоҳиши билан тўхтатилади.

Никоҳни тўхтатишга асос бўлади:

- Эр-хотиндан бирининг ўлими;
- Эр-хотиндан бирининг дунёдан ўтганини суд орқали хабар қилиниши;
- Никоҳни бузиш (ажрашиш).

Никоҳни тўхтатиш асосининг рўйхати тўла бериляпти. Қозоғистон қонунчилиги ажрашишни қўлламайди. Ҳар бир давлат оила ва никоҳнинг сақланишидан манфаатдор, бироқ, афсуски сўнгги ўн йилликда мамлакатимизда ажрашиш кўрсаткичи барқарор ўсиб бормоқда.

Никоҳни ажрашиш йўли билан тўхтатиш қонун билан шаклланган қоида бўйича рўйхатга олган органда ёки суд орқали юритилиши мумкин.

Рўйхатга олиш органида эр-хотинларнинг бирга ёзган аризаси орқали, ҳамда эр-хотинларнинг бирининг ёзган аризаси орқали никоҳ бузиш иши юргизилади. Никоҳни бузишни рўйхатга олиш чоғида мазкур органлар ажрашиш сабабларини аниқлашга, эр-хотинларга тотувлашишлари учун вақт беришни тавсия этишга ҳаққи йўқ.

Шу билан бирга эр-хотинлардан бирининг аризаси орқали ажрашиш ишининг содда тартиби бор. Бу қуйидаги ҳолатларда бўлади: агар суд руҳий хасталикларга чалиниши оқибатида эр-хотинлардан бирининг ишга лаёқатсиз деб топса; агар эр-хотинлардан бири камида 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жиноят содир этгани учун судланса; агар суд эр-хотинлардан бирини бедарак йўқолган деб топса; шу туфайли қонун ҳаракатга лаёқатли эрига (аёлига) никоҳни сақлаб қолиш ёки бузиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳуқуқ берса ва бошқалар.

Суд орқали никоҳни бузиш қуйидаги ҳолатларда юз беради: эр-хотинларнинг балоғат ёшига тўлмаган умумий болалари бўлган ҳолатда; эр-хотинлардан бирининг никоҳини бузишга розилиги бўлмаса; агар эр-хотинлардан бири ариза беришдан бош тортса, бир-бирига мулк талаблари бўлса ва ҳоказо.

Давлат никоҳлик жамиятнинг мустаҳкамлигида манфаатдор. Шу боис ҳам судларга қонуний турда эр-хотинларни тотувлаштириш чораларини юритиш вазифаси юкланган. Бироқ тотувлаштириш асл мақсад эмас, у фақат оилани мустаҳкамлаш воситаси бўлади. Шунинг учун ҳам, агар ушбу мажбурият бажарилмаса ва болаларни ҳимоялаш мақсадга мувофиқ келмаса, суд ажратади.

Никоҳни тўхтатишнинг ҳуқуқий оқибатлари

Никоҳни бузиш натижасида никоҳда бўлган эр-хотинларнинг ўртасида юзага келган хусусий ва мулк муносабатлари тўхтатилади. Никоҳни тўхтатиш янгидан никоҳланиш ҳуқуқига эга бўлишга олиб келади. Ажрашиш йўли билан никоҳни бузиш ота-оналарнинг болаларига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўхтатмайди.

Никоҳни бузгандан кейин фамилия танлаш масаласи тез-тез учраб туради: собиқ эрининг фамилиясими ёки никоҳдан аввалги ўз фамилиясини олиш керакми? Никоҳдаги фамилияни қолдириш

тўлиғи билан бошқа фамилияни қабул қилган эр-хотинга боғлиқ. Ҳар кимнинг танловига ҳеч ким таъсир ўтказа олмайди, никоҳ бузилгандан кейин кимнинг фамилиясини қолдиришни хоҳлашига эри ҳам аралаша олмайди. Никоҳ бузилгандан кейин, одатдагидек, эр-хотинларнинг бир-бирига моддий қўллов кўрсатиш мажбурияти тўхтатилади. Бироқ, бу ҳолатда, агар суд орқали собиқ аёлининг (эрининг) меҳнатга лаёқатсиз ва ёрдамга муҳтожлиги аниқланса, ўзининг аввалги эридан (аёлидан) алимент олиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Шу зайдда Қозоғистон Республикасида никоҳга туриш ва никоҳни бузиш йўллари қонун доирасида тасдиқланиб тартибга келтирилиб давлат ҳимоясида бўлади. Қозоғистон Республикасида давлат органларида рўйхатга олинган никоҳ тан олинади ва қонун доирасида сабаблари аниқланган никоҳ бузилган деб ҳисобланади.

Глоссарий

Никоҳнинг тўхтатилиши – эр-хотинларнинг хусусий ва мулк ҳуқуқи муносабатларининг тўхтатилиши. Никоҳ қонунда аниқланган аниқ бир ҳодисаларнинг юзага келишига доир, эр-хотинлардан бирининг ёки иккисининг бирдек танлови билан тўхтатилади. Никоҳнинг тўхтатилиши суд ва ФХДЁ органлари орқали амалга ошади.

Никоҳнинг бузилиши (ажрашиш) – никоҳни суд орқали бекор қилиш. Ажрашиш орқали никоҳларининг бузилиши ота-оналарнинг болаларига доир ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўхтатмайди.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Никоҳга туриш учун қандай шартлар керак? Мажбурлаш орқали никоҳга туриш мумкинми? Никоҳ барча ҳолатда муҳаббат асосида барпо этиладими? Никоҳланаётган ёшларга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?
2. Никоҳга туришнинг шартлари ва ундан юзага келадиган тўсиқларни очиб кўрсатинг. Яқин қариндошларга нима учун никоҳга туриб бўлмайди?
3. Ажрашиш дегани нима? Нима учун давлат ҳамда жамият ажрашишни қўлламайди?

1-даражали топшириқ.

1. Қозоқ халқида етти отасигача туғишганлар ўртасида никоҳга туриш тақиқланади. Ушбу тамойил “Етти ота” деб аталади.

2. Қозоқда “Етти ота”га доир мақоллар бор.

- “Етти отасини билмаган етовсиз”;
- “Етти отасини билган ўғил, етти юртнинг ғамини ейди”;
- Етти отасини билмаган етимликнинг белгиси. .

Мақолларни таҳлил қилинг.

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Берилган матнларни ўқиб, муҳокама қилинг. Болаларни тарбиялаш тўғрисида мулоҳазаларингизни айтинг. Бугунги куни бола тарбиясининг қандай тамойилларини қўллаш керак?

• Таниқли тарихчи Ж. Артиқбаев ўзининг “Қозоқ жамияти: анъаналар ва инновациялар” номли асарида, ўғил боланинг дунёга келишига доир янгилик тантанали равишда, кўпинча фақато илавий қувонч доирасидан ўтиб кетган; бола дунёга келган куни қишлоқ ёшлари йиғилиб, тонг отгунгача нишонлашини, кўнгил кўтараётган, шовқин-сурон бўлган ердан жин-шайтон қочиб кетади, деб ҳисоблаганларини, таъкидлайди.

- Ўғил ва қиз тарбиясини ўзгачаликлари бўлган. Кўчманчиларнинг болалари эрта улғайган. 13-15 ёшли болалар вояга етган деб ҳисобланиб, жамоат йиғилишларида иштирок этиб, хўжалик ишларида фаолиштирок этган. К. К. Шалғинбаева ва Б. Ж. Жигентаева “Меҳнат халқ тарбиясининг омили” деган тадқиқотларида кўчманчи жамиятдаги ўғил болалар тарбияси тўғрисида шундай дейилган: . . . авлод меросхўри сифатида ўғилларга алоҳида эътибор қаратилган. Кўчманчилик ҳаёт тарзи эр кишилардан, энг аввало, ризқ топишни, руни ҳимоя қилишни, кучли бўлишни талаб этган. Уларнинг бўйига мардлик, тўзимлилик, меҳнаткаш бўлиш сингари фазилатларни сингдириб вояга етиштиришган. 5-6 ёшдан бошлаб қозоқ болаларини кўзи боқишга, ўтин-сув тайёрлашга, чорва маҳсулотларидан меҳнат асбобларини ясашга (юган тўқиш, қамчи, шидер, чармга ишлов бериш, қурол-аслаҳа тайёрлаш ва бошқалар), оғилхона солишга, шу билан бирга отга миниб, чавандоз бўлишга интилишган.

- Ўғил оила қуриши билан, уни алоҳида чиқаришган. Бир неча оила бир қишлоқни ташкил этган, ўртасида етти отагача қон боғлиқлиги бор бир неча овул бир авлодни ташкил этган. 15-20 авлод бир руни ташкил этган ва ҳоказо. Бир рунинг одамлари бирлашиб, яшаши кўчманчиларнинг омонликда яшашига шароит яратган.

- Бўлғуси эр кишиларнинг зиммасига болалигидан чорвачиликни юритиш масъулияти юкланган. Оилада қозоқ болаларининг оила раҳбари – отасининг олдида тўла масъул бўлишининг аниқ бир мажбуриятлари бўлган, Ўғил болалар қозоқ оиласида муқаддас саналган, онасига ёрдамчи бўлган. Эр кишиларга кўпинча янги яйловлар топиш, мол боқиш, ҳар томонлама таҳлил қилиш, ёвдан ҳимояланиш мақсадида оиладан ташқарида, олисда юришга мажбур бўлган.

- Аёллар кундаликдаги турмушни, чорвачиликни юритиб, қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор бериб, кексаларга ғамхўр бўлишган, меҳмон кутиб, тез-тез эр кишилар билан баробар мол боқиш билан шуғулланган. Қозоқ қизлари камтарлик, меҳр, меҳмондўстлик сингари фазилатларга бўлишган, бошқа томондан қараганда, қизларни “она”, “келин” бўлишга тайёрлашган. Бундай ижтимоий роль қизлардан меҳнатсеварлик, сабр, тўзимлилик, бардошли бўлиб ўсишни талаб этган.

- 5-6 ёшдан бошлаб қизлар ўзларининг эгачилари, оналари, бувиларидан ҳунарни таом тайёрлашни, озиқ-овқатларни ҳозирлашни ўрганишган. Кийим тикишнинг оддий турларидан тортиб, улар кигиздан буюмлар ясашни, тўқима тўқишни ўрганишган. Турмушга чиққунга қадар қизлар ўз қўли билан гилам тўқиши жоиз бўлган. Уларга авлод аёллари кўмаклашган.

- Меҳмондўстлик кўчманчи ҳаёт тарзида алоҳида ўрин эгаллайди, шу боис ота-онасининг уйида қизлар меҳмон кутиш тартибини ўрганиши керак бўлган. Қозоқ қизлари дастурхон тузаш, овқат тайёрлаш, чой қуйиш, меҳмонларга иззат кўрсатиш, оз гапириш сингари ўзини ушлаш тартибини ўрганишган. 13-14 ёшгача ўз хоҳишича яшашга тўла тайёр бўлган. “13 ёшда оила соҳиби” деган мақол бекор айтилмайди.

- Шу тахлитда кўчманчи ҳаёт тарзида бола ва ёшлар тарбияси тўла тажрибада қўлланиб, ҳаётдан ўрганишган. Болалигидан меҳнатга, қарор қабул қилишга, чиниқишга, табиий офатларни кузатишга, амалий санъат, анъаналарга эътиборли бўлиб, ўрганиш – тарбия бериш услубининг асосини ташкил этади.

- Ёш йигитлар рудошларининг катта уюшмасининг фахри, руни муҳофаза қиладиган фуқаролари бўлиши керак. Ёшларгата тарбия беришда ота-боболаримизнинг донишмандлиги халқимизнинг этнос сифатида яшашигина эмас, балки бугунги кунга қадар анъаналаримизнинг, урф-одатларимизнинг сақланиб қолинишига олиб келди.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

17-§. ОИЛА АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ҳозирги замонда оила муҳим ролни ижро этади.

Оила – жамиятнинг базавий уяси, ижтимоий институт.

Оила белгиларини кўрсатайлик:

- Никоҳга туриш эркинлиги;
- Оила аъзолари кундалик турмуши умумийлиги билан боғлиқ;
- Никоҳ муносабатларига кириш;
- Болаларнинг дунёга олиб келиш, ижтимоийлаштириш ва тарбиялашга бел боғлаш.

Катта ёшдаги одам учун оила – унинг қатор эҳтиёжларини қондириш ва унга турли ва етарли турда мураккаб бўлиб келадиган талаблар қўядиган кичик жамият. Бола учун оила – унинг физикавий, руҳий, эмоционал ва интеллектуал ривожланишига шароит яратадиган муҳит. Бугунги кунда оилага ота-она ёки камида бир болали бир ота-она тушунчаси берилади.

Бугун дарсда:

- Оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- Эр-хотинлар
- Никоҳ шарти
- Қариндошлар

Эътибор беринг!

Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қозоқ халқи қариндошчиликнинг уч тармоғини: биринчи – отасининг қариндошлари (ўз юрти), иккинчиси – она томонидан (тоға юрти), учинчиси – аёлининг қариндошлари (қайин юрти) белгилайди. Бу муносабатлар фақат қариндошчилик масаласини эмас, ҳудудий масалаларни ҳам тартибга солиб келган.

Оила бир отадан тарқаган ёки никоҳга туриш, бола асраб олиш ёки болаларни тарбияга олишнинг бошқа турлари орқали бирлашиб ўтирган турли одамлардан иборат. Оила аъзолари – эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва бошқа қариндошлар. Қариндошлар – бир отадан тарқаган, қариндошчилик муносабатда бўлиб турган шахслар. Уларга опа-сингиллар, акалар, бувилар, бувалар, опалар, оғалар ва бошқа қариндошлар киради.

Қозоғистон Республикасининг “Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида” қонунини “оила аъзолари” тушунчасига бир-ота-онадан тарқаган қариндошларни киритади. Бундай номланган шахслар оила аъзолари бўлиши учун бир уйда туриши шарт эмас.



Қозоқ халқининг анъанаси. Никоҳ маросими. Юз очар

Оиладаги қариндошлик муносабатлари ҳуқуқ тамойиллари қоидалари урф-одатлар ва анъаналар, ахлоқ ҳамда одамгарчилик қоидалари орқали тартибга солиниб туради. Бу муносабатларнинг энг муҳими ўзаро ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар, ўзаро ҳурмат ва меҳрдан иборат.

Ҳар бир халқнинг оила ва қариндошлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиб турадиган ўз анъаналари бор. Қозоқ халқининг тарихида қариндошчилик муносабатларини тартибга солиб турадиган анъаналар муҳим ўрин эгаллайди. Бу анъаналар авлоднинг барча аъзоларига мажбурий бўлиб, уни бузган ҳолда айбдорлар жавобгарликка тортилган. .

Ўзаро ёрдамга мўлжалланган анъаналар ва урф-одатлар

Ҳашар – оғир меҳнатни қариндошларнинг, дўстларнинг, қўшнилarning ёрдами билан бажариш . Масалан, уй қуриш ёки қудуқ қазаш. Ҳашар ҳақсиз, бепул амалга оширилади. Иш тугагандан сўнг тўкин дастурхон ясалади.

Иситиш – анъанавий қозоқ жамиятидаги табиий офат (ёнғин, сув тошқини ва бошқалар) туфайли оғир аҳволга дучор бўлганларга кўрсатиладиган ёрдамнинг бир тури. Жабрланганларга уларнинг нафақат қариндошлари, балки барча раҳм қилган кишилар ёрдам беради. Хайрия сифатида жониворлар, қурилиш материаллари, кийим, маблағ ва бошқалар бериш мумкин.

Белкўтарар – узоқ умр сурган қарияларни қадрлаш, ош билан сийлаш анъанаси. Қарияларга мўлжаллаб қази, жент, қимиз, сир сингари юмшоқ ва мазали таомлар тайёрланади. Буни кўпинча фарзандлари ёки яқин қариндошлари, баъзида қўшнилари бажарди. Белкўтарар анъанаси катта ёшдагиларни ҳурмат қилишнинг белгиси ҳисобланади.

Меҳмон кутишга доир анъаналар ва урф-одатлар

Қўноқоши – меҳмон кутиш билан боғлиқ урф-одат. Қозоқ халқи азалдан меҳмондўстлиги билан ном қозонган. Қозоқлар ҳар доим энг мазали таомларини меҳмонга атаб сақлашган. Меҳмоннинг уч тури бўлади деб ҳисоблашган: биринчи, атайин чақирилган “махсус меҳмон”; иккинчи тўсатдан келган “Худойи меҳмон”; учинчи, кутмаган “қидирма меҳмон”. Эътибор беринг, агар уй эгаси бирор сабаблар билан қўноқоши беролмаса, яъни урф-одатга риоя этмаса, у қаттиқ танқид қилинган.

Қўноқкаде – уй соҳибининг меҳмондан қўшиқ айтишни ёки мусиқий асбобда ижро этишини сўраш анъанаси. Қўноқкаде – меҳмоннинг санъатини синаш, шу билан бирга мажлиснинг файзли ўтишининг сабабчисидир.

Ерулик – агар қишлоққа биров янгидан кўчиб келса, уларни қўшнилари еруликка, яъни меҳмонга чақиришган. Ерулик туфайли кўчиб келганлар янги муҳитга тез ўрганиб кетишган. Шу билан бирга ерулик кўчиб келганларнинг турмуш шароитига ёрдам беришга ҳам имконият берган. Қўшнилари уларни ўтин, ичимлик суви ва бошқалар билан таъминлашга ёрдам беришган.

Тўй дастурхони – байрамга бағишлаб ёки айна шу байрам пайтида уюштирилган алоҳида тантана тури. Бундай тўй пайтида дастурхон тусалиши билан спорт, мусиқий ўйинлар ўтказилган.

Эр-хотинларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Никоҳдаги эр-хотинлар тенг ҳуқуқли, аёллар ҳуқуқига чек қўйилишига йўл берилмайди. Бу аёлга фақат турмуш ташвишлари билан бўлибгина қолмай, эр кишилар билан теппа-тенг бизнес билан шуғулланишга, мансаб пиллапояларидан кўтарилишига ва бошқа имкониятларни беради.

Эр-хотинлик муносабатлар бир умрликдир. Қозоғистонда давлат органларида рўйхатга олинган никоҳ тан олинади. Ҳаётда одамларнинг никоҳни рўйхатга олмасдан бирга яшаётгани, хўжалигини бирга юритаётгани ҳоллари учрайди. Бу фуқаролик никоҳ ёки никоҳ муносабатлари деб аталади. Фуқаролик никоҳдан туғилган болалар рўйхатга олинган никоҳда туғилган болалар билан бирдек қонун билан ҳимояланади. Шундай бўлса-да, фуқаролик никоҳда туғилган болаларни тарбиялаш ва таъминлаш ота-оналарнинг мажбуриятидан олиб ташланмайди.



Қозоқ халқининг анъанаси. Бешикка солиш

Ёдда сақланг!

Никоҳ шарт – никоҳланаётган кишиларнинг ёки эр-хотинларнинг, никоҳда турган давридаги ёки ажрашиш ҳолатидаги мулк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги битим. Никоҳ шарт мажбурий тарзда ёзма турда тасдиқланиб, нотариус орқали тасдиқланиши керак.

Никоҳ шарт. Бизнинг юртимизда яқиндагина оила ҳуқуқи бўйича янги институт – никоҳ шарт пайдо бўлди.

Никоҳ шарт никоҳга тургангача ёки никоҳда турган даврда ҳам тузилаверади. Фуқаролик никоҳдаги эр-хотинлар, яъни никоҳи давлат органларида рўйхатга олинмаган кишилар никоҳ шартини туза олмайди.

Никоҳ шарт эр-хотинларнинг розилиги билан қай вақтга бўлса ҳам ўзгартирилиб ёки бузилади, унга икки томонлама розилик бўлса бўлгани. Бундай ҳолда никоҳ шартини ўзгартириш ёки бузиш ёзма турда тайёрланиб, нотариус орқали тасдиқланиши керак. Шу билан бирга эр-хотинлар ўртасида ўзаро тотувлик бўлмаган ҳолда никоҳ шарт суд тартиби бўйича эр-хотинлардан бирининг талаби орқали ўзгартирилади ёки бузилади. Никоҳ шартининг суд орқали бузилишига шартнинг бузилиши, шартни бажариш мумкин бўлмаган ҳолатлари киради.

Бир томоннинг никоҳ шартини бажаришдан бош тортишига йўл берилмайди. Эр-хотинларнинг бири никоҳ шарт қоидаларини бажаришдан бош тортган ҳолда (масалан), ҳомиладор аёлига оилавий ёрдам кўрсатиш, иккинчи томон унга пулли жарима тўлашни талаб этиб, суд орқали мажбурлаш мумкин.

Глоссарий

Қариндошлар – бир отадан тарқаган қариндошлик муносабатда бўлиб турган шахслар.

Никоҳ шарт – никоҳга турадиган кишиларнинг ёки эр-хотинларнинг никоҳда турган даврдаги ёки ажрашиш ҳолатидаги мулк ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги битим.

Фуқаролик никоҳ – эр киши ва аёлнинг никоҳга турмай бирга яшаб, умумий хўжаликни бирга юритишлари.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Эр-хотинларнинг қандай ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор?
2. Никоҳ шарт нима ва нима учун керак?

Мураккаблиги 1-даражали топшириқ. Жадвалларни тўлдириңг. Айна дамда бу урф-одат сақланганми? Мисоллар келтириңг.

15-чизма

Қозоқ халқининг ўзаро ёрдам кўрсатишга бағишланган урф-одати

№	Урф-одат тури	Мазмуни	Жамият учун аҳамияти
1	Ҳашар		
2	Иситиш		
3	Белкўтарар		

16-чизма

Қозоқ халқининг меҳмон кутишга бағишланган урф-одати

№	Урф-одат тури	Мазмуни	Жамият учун аҳамияти
1	Қўноқоши		
2	Қўноқкаде		
3	Ерулик		
4	Тўй дастурхони		

2-даражали топшириқ. Ёшларникоҳланишга қарор қилишди, диний муассасага боришди. Мусулмонлик қоидалари бўйича унда никоҳ ўқилди. Бу никоҳ қонунийми? Ёшларгақандай ёрдам бериш мумкин?

Фикр-мулоҳаза ўтказинг. Фарзанд дунёга келганидан кейин онасига 3 йилгача иш ўрни сақланган ҳолда декретлик дам олиш берилади. Ҳозирги кунда айтиб ўтилган ҳуқуққа боланинг отаси ҳам эга бўла олади. Бугунги кунда боланинг онаси ишга чиқиб отаси ана шундай ҳуқуқдан фойдаланибўтирган ҳолатларкўплаб учрайди.

Ана шу масалаюзасидан ўз фикрингизни айтиңг.

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ. Синфдауч гуруҳга бўлининг. Тавсияэтилган аҳволни муҳокама қилиб, ўз фикрларингизни билдириңг. Ушбу масалаларни қандай ечиш мумкин?

- 15 ёшли С. қариндошига ёрдамлашгиси келиб, ота-онасининг рухсатисиз қариндошига йирик миқдорда маблағ берди. Қариндоши пулни қайтара олмади. Бироз вақтдан сўнг ота-онаси б ҳолатданхабар топди. Мазкур масаланиқандай ечиш мумкин?

- Боласининг уйланиш тўйини ўтказиш учун отаси қариндошларидан қарз сўрайди. Кўп қариндошлари бу пулни қайтаролмаслигини билиб, бош тортишади. Сизлар йигитнинг отаси билан унинг қариндошларига қандай маслаҳат берган бўлардингиз?

- Онаси оламдан ўтганданкейин уч ўғли мулкка доир бир тўхтамгакелишолмади. Судга мурожаат қилишга тўғри келди. Улар тўғри қарор қабул қилишдими? Сизнинг фикрингиз қандай?

Рефлексия. Ушбу мавзуни қандай ўзлаштириганингизни 1дан 10оралиғида белгилаңг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

18-§. БОЛАЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Бугун дарсда:

- бола ҳуқуқи ва мажбуриятлари, ота-онанинг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари тўғрисида билиб оламиз.

Асосий тушунчалар

- Боланинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
- Ота-онанинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Боланинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари
18 ёшга тўлмаган шахс бола ҳисобланади. Ҳар бир бола оилада яшаб, тарбияланишга ҳақли. Бола ўз ота-онасида тарбияланишга, манфаатларининг муҳофаза қилинишига, ҳар томонлама ривожланишига, инсоний фазилатларининг қадрланишига ҳақли. Бола ўзининг манфаатлари кўзланган оилавий масалаларни ечишда ўз фикрини эркин билдиришга ҳақли. Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида Қозоғистон Республикасининг Кодекси бўйича, ўн ёшга тўлган болани асраб олиш ёки асраб олишни бекор қилиш ҳамда исми шарифини ўзгартириш пайтида унинг розилиги эътиборга олинади (95 модда, 109 модда).

Бола ҳуқуқи тўғрисида Конвенция 1989 йили 20 ноябрда қабул қилинди. Конвенцияга Қозоғистон Республикасида 1994 йили 16 февралда имзо чекилди. Конвенция 54 моддадан иборат Конвенцияга кўра, бола ўзининг ўзгачалигини сақлаб қолишга ҳақли.

Инсоннинг исми шарифи унинг алоҳида хусусиятлари ҳисобланади. Боланинг исми ота-онасининг розилиги билан қўйилади. Ота-онаси болага атрофда хижолат туғдирадиган ёки кулгига сабаб бўладиган исм қўймаслиги керак. Отаси аниқланмаган ҳолатда боланинг исми онасининг айтиши бўйича қўйилади, отасининг номи боланинг отаси сифатида танилган кишининг исми билан, фамилияси – онасининг фамилияси берилади.

Қонун боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш ҳуқуқини тасдиқлайди. Бола ҳуқуқини ҳимоялашни ота-онаси (асраб олувчилар, вояга етказишни зиммасига олганлар, ғамхўрликка олган органлар, суд, прокурор) амалга оширади. Қонун болани турли босимлардан, унинг ор-номусини топташдан, ота-онасининг жабр-



Ҳар бир боланинг бахтли болаликка ҳаққи бор

ситама кўрсатишидан (уриш, сўкиш, эътиборсиз қолиши) муҳофаза қилади.

Давлатимизда, одатдагидек, ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ҳимояловчи органларга ва судга мурожаат қилиш мумкин.

Қозоғистон Республикасида боланинг ҳуқуқлари ҳақидаги вакил институти мавжуд. Унинг хизмати – болаларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, давлат ҳамда ижтимоий институтлар билан бирлашиб, болаларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга келтириш.

Боланинг мулкка ҳуқуқи бор. Алимент, пенсия ва нафақа ота-онасининг ҳисоб рақамига тушади, бироқ у маблағ болага таълим бериш, тарбиялаш, унга зарур буюмларга сарфланиши керак. Боланинг қонун бўйича ҳада этилган ёки мерос қолган мулкка соҳиб бўлиб, ўзи ишлаб топган даромадини ўзи олишга, хусусийлаштирилган квартиранинг соҳиби бўлишга ва бошқаларга тўла ҳуқуқи бор.

БУ ҚИЗИҚ!

Европанинг кўп давлатларида, АҚШ, Канадада болалар уларга ота-онасининг зулм кўрсатаётгани, куч ишлатаётгани тўғрисида махсус хизмат кўрсатиш марказларига мурожаат қилишади. Бундан ташқари полиция тез кунда боланинг уйига бориб, ота-онасига жарима солиб, тезда кўмак кўрсатади.

Боланинг ҳуқуқларигина эмас, мажбуриятлари ҳам бор. Масалан, бола бошқа болалар ва катталарнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга мажбур. У мактабга бориб, ўрта таълим олиши керак. Бола соғлигини муҳофазалашга ҳақли. Шу билан бирга бола ўз соғлигини сақлаш, парваришlashга мажбур. Боланинг сўз эркинлигига ҳуқуқи бор. Ушбу ҳуқуқни амалга оширишда бола бошқа болалар ва катталарнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиб, уларнинг ори ва обрўсини тўкадиган ёмон сўзлардан овлоқ бўлиши керак.

Катталар болани психологик ва жисмоний куч ишлатишдан, адолатсизликдан, ёвуз мақсадда қўлланишдан ва бошқа хавфлардан ҳимоя қилиши керак. Бу нафақат ота-оналарнинг, шундай ҳолга гувоҳ бўлган барча одамларнинг мажбурияти. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари алоҳида роль ўйнайди.

Ёдда сақланг!

- Ёддатутиг! Болалар катталарга (ота-оналари, бува-бувилари, тарбиячилари, устозлари ва бошқалар) ни ҳурмат қилиши керак.
- Мажбуриятлар – барча одамларга қўйиладиган бирдек талаб. Агар мажбуриятлар бажарилмаса, жазолаш ва ҳуқуқни чеклаш сингари оқибати ёмон бўлиши мумкин.

Ёдда сақланг!

Мактабдаги мажбуриятлар:

- Мактаб талабигариоя этиш;
- Яхши ўқиш;
- Муассасаходимлари ва бошқа ўқувчиларнинг ори ва обрўсини қадрлаш;
- Муассасаходимларининг ички интизом талабларини бажариши керак.

Ёдда сақланг!

Оиладаги мажбуриятлар;

- Ота-оналарга ёрдамлашиш;
- Оила аъзоларининг ҳуқуқини ҳурмат қилиш;
- Ўзига ва оила аъзоларига ғамхўрлик қилиш;
- Ўқиш ва ҳордиқ тартибини сақлаш;
- Таом тайёрлай олиш ва уйнинг тозаллигини сақлаш.

Мактабда кенг тарқаган ҳуқуқбузарлик – ахлоқсиз сўз айтиш. Афсуски, баъзи болалар бир-бирига, катталарга, муаллимларга сўзлаганда уят сўзларни аралаштиришади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҚР кодексига (434-435 моддалар) мувофиқ ўсмирлар бу ҳаракатлари учун жарима тўлаш туридаги маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Бундай ҳолатда ички ишлар органининг вакили баённома тўлдиради. Ушбу материал ювенал ёки маъмурий судга юборилади. Суд ўсмирнинг қонуний вакиллари, яъни ота-онасининг ёки уларни ўрнини босадиган кишиларнинг иштироки билан жарима солинади. Жаримани ота-оналар тўлайди.

Мазкур ҳуқуқбузарликни қилган ўсмир рўйхатга олинади. Агар у бир йил ичида икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик ясаган бўлса, қонуний чораларнинг қатъийроғи қўлланилиши мумкин. Бу ҳолатда болаларига яхши тарбия бермагани учун қонун ота-оналарни жазолайди. Шу билан бирга ҳуқуқбузар ҳам жазоланади.

Ҳисобга олиш дегани ҳуқуқни муҳофазалаш органларининг ҳуқуқбузарни бундан кейин қатъий назоратга олиши дегани билдиради.

Ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари. Ота-оналар болаларининг соғлигига ғамхўр бўлишга, болаларни тарбиялашга мажбур. Тарбия турларини ўзлари танлаб олишади. Эр-хотинларнинг бола тарбияси ҳамда унга ғамхўрлик кўрсатишдаги ҳуқуқлари бирдек. Ота-оналар болаларининг ўрта таълим олишини таъминлашга мажбур. Боланинг ўқув ўрнини ота-онаси боласи билан келишган ҳолда бирга танлаши керак. Ота-онаси боланинг дарсга қатнашмаслигини, мактабдаги тартибининг ночорлигини қўлламаслиги керак.

Ота-оналар болаларини ўзлари тарбиялашга ҳақли. Бироқ бу болаларининг ўқиши ва тарбиясига бирор бир таъсир ўтказмаслиги керак. Бу бола тарбиясига кучи етганча ёрдам кўрсатиб келаётган ота-онасидан, бувисидан ва бошқа қариндошларидан алоқасининг узилишига олиб келмаслиги керак.

Болаларини давлат муассасаларига ўтказиш, бола тарбиясига учинчи томонни жалб этиш – ота-онаси бола тарбияси билан шуғуллана олмайдиган ҳолда, энг сўнгги чора эканлигини англатади.

Ота-оналари турли ёқимсиз (болалар ўртасидаги дўппослашиш, мактабда деразани синдириш ва бошқалар) ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида болаларини алоҳида назоратда сақлашга мажбур.

Ота-оналар ўз болаларининг манфаатларини муҳофаза қилишга ҳақли ва мажбур. Жумладан, ота-оналар ўз болаларининг манфаатини судда, жисмоний шахслар ва ҳуқуқий шахслар билан муносабатда ҳимоя қилади.

Ота-оналар алимент ундириб олиш борасида ўз болаларининг номидан гапиради. Ота-оналарнинг ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тўғри бажармагани учун ота-оналик ҳуқуқидан айириш ёки чеклаш турида аниқ бир санкция қўлланилади.

Эр-хотинларнинг бири бола тарбиясидан бош тортган ҳолда болани парваришлаш, учун улардан суд орқали алимент ундирилади.

Ёддасақланг!

Алимент – қонун билан тасдиқланган ҳолларда оила аъзоларининг бири иккинчисининг фойдасига тўлашга мажбур белгиланган харажат. Алимент мажбуриятларнинг мақсади – меҳнатга яроқсиз ва муҳтожлик кўриб яшаётган оила аъзоларини парваришлаш.

Алимент миқдори. Вояга етмаган бир бола учун ота-оналарининг даромадининг тўртдан бир қисми, икки болага – учдан бир қисми, уч ва ундан кўп болаларга – ой сайинги маошининг ярмиси олинади.

Шунингдек, суд икки томоннинг моддий ёки оилавий аҳволини эътиборга олган ҳолда улуш миқдорини кўпайтириши ёки камайитириши мумкин.


Қозоқнинг буюк мутафаккирлари Абай Қунанбайули, Ибирай Алтинсарин, Ахмет Байтурсинули болаларни ёшлигидан бошлаб меҳнатсевар қилиб тарбиялаб, атрофдагиларни ҳурмат қилишга ўргатиш керак деган.



А. Құнанбайұлы

Одам ота-онасидан туғилганида ёдида бұлмайди: эшитиб, кўриб, ушлаб, татиб кўрса, дунёдаги яхши, ёмонни танийди. Шу боис билгани, кўргани кўп бұлган одам билимли бўлади. Ақллиларнинг айтган сўзларини эътиборга олиб юрган киши ўзи ҳам ақлли бўлади. Ҳар бир ақл якка ўзи ишга ярамайди. Ақллилардан эшитиб, билган яхши жиҳатларни эътиборга олса, ёмон дегандан сақланса, шунда ишга ярайди, шунда одам деса бўлади.

Абай Қунанбайули



Ш. Қўдайбердиұлы

Одамларга меҳнат санъатини ўргатиш керак, у билан бирга билимни мустаҳкамлаш керак. Юқорида айтилган ёмон одатларни бартараф этишга булар етарли бўлмаганлиги туфайли, ҳалол меҳнат, билим ўрганиш билан “ор билими” деган фан ўқитилиши керак.

Бизчи, киши ҳаётини тузатишга, барча одамлар тотув яшашига асосийси – ҳалол меҳнат, покиза юрак, номусли оқил бўлишимиз керак. Дунёда бу учтаси устувор бўлмай, одам боласига тотув ҳаёт суришнинг имкони йўқ.

Шакарим Қудайбергеноули



И. Алтынсарин

Ўзгани тарбияламасдан аввал, ўзингни тузат.

Ибирай Алтинсарин

Агар одамларга бош бойлик соғлик бўлса, жоннинг бош бойлиги – билим ва санъат. Фақат ушбу икки илм орқали халқлар фаровон қаторида ўз ўрнини топади. Бош мақсад – ёшларга билим бериш, амалий ҳунарни ўргатиш, уларга ихтисослик бериш.

Ахмет Байтурсинули



А. Байтўрсынұлы

Шу билан бирга ота-оналарнинг ҳам, болаларнинг ҳам ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бор. Ота-она ва боланинг ўртасидаги муносабат ўзаро ҳурматга таяниб, биринчи навбатда инсонийлик ва эзгулик меъёрларига асосланиши керак. Қонун ота-онани болаларига ғамхўрлик қилишга мажбурлайди. Шу билан бирга болаларни ота-онасини ва бошқаларни ҳурмат қилишга ўргатади.

Глоссарий

Болалархуқуқи – боланинг ҳаракат қилиш имконияти. Бу имкониятлар дунёга келгандан бошлаб пайдо бўлади, қонун билан тасдиқланади, унга давлаткафолат беради.

Боланинг ўзгачалигини сақлаш ҳуқуқи – бу боланинг алоҳида белгиларига – исми шарифига эга бўлиш ҳуқуқи.

Бола ҳуқуқини муҳофаза қилишни амалга ошириш субъектлари – оналар (асраб олувчилар, парваришлаш мажбуриятини олганлар, ғамхўрлигига олганлар), парваришлаш мажбуриятини олган, ғамхўрлигига олган органлар, суд, прокурор.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Боланинг қандай ҳуқуқлари бор эканлигини аниқланг. Боланинг қандай мажбуриятлари бор?
2. "Бола катталарсингари барча ҳуқуқларга эга" деган сўз нимани билдиради?
3. Ота-оналарнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини очиб кўрсатинг.
4. Бола ҳуқуқини ҳимоя қилишни амалга оширадиган субъектларнинг ролини аниқланг.

1-даражали топшириқ. Қозоқ халқининг буюк мутафаккирларининг тарбия тўғрисидаги фикрларини (матничида берилган) муҳокама қилинг. Ўз мулоҳазаларингизни билдинг.

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ (гурӯҳдаги иш). "Жамиятимизда нима сабабдан мактаб ўқувчилари ва ёшларни тарбиялаш тизимида долзарб масалалар пайдо бўлди?" мавзуида муҳокама ўтказинг. Унда қуйидаги масалаларни муҳокама қилинг:

- Атроф муҳитга бўлган эгоистик, истеъмолчилик муносабати;
- Мурувват, ҳайрия, ҳалоллик, уят, обрў, катталарни ҳурмат қилиш сингари маънавий-инсоний қадриятларни эътиборга олмаслик;
- Моддий қадриятларни, беғам яшаш ва роҳатланишни юқори қўйиш;
- ОАВ билан интернет-сайтларнинг арзон ахборотларига, ғарб маданиятининг тескари жиҳатларига қизиқувчанлик;

Юқорида айтилган масалаларни ечиш йўлларини тавсия қилинг. Шу мавзуда маъруза тайёрланг.

Мураккаблиги 3-даражали топшириқ. 1. "Вояга етмаганлар нима сабабдан тез-тез ҳуқуқбузарликка йўл қўйишади?" мавзуида муҳокама ўтказинг. "Вояга етмаганлар масъулиятини қандай ошириш мумкин?" саволига жавоб изланг.

2. А. Макаренконинг сўзини муҳокама қилинг. Бу фикрга қўшиласизми?

"Бизнинг болаларимиз – бизнинг фахримиз. Уларга ёмон тарбия бериш – бу бизнинг келажақдаги қайғумиз, бизнинг кўз ёшимиз, бу бизнинг юртимизнинг олдидаги, бошқа одамларнинг олдидаги гуноҳимиз". (А. С. Макаренко)

Рефлексия. Мазкур мавзуни қандай ўзлаштирганингизни 1дан 10гача белгиланг. Қандай саволларнинг жавоби топилмади?

19-§. ОИЛАНИНГ ЖАМИЯТДАГИ АҲАМИЯТИ

Бугун дарсда:

- Оила муносабатларини давлатқўллаши ва ҳимоя масалаларини кўрамиз;
- Жамиятдаги оиланинг аҳамиятини аниқлаймиз.

Асосий тушунчалар

- оила
- оила муносабатларини ҳимоя қилиш

Оила – тарбия асосининг бошланиши ва таянчи. Тарбиянинг дастлабки дарсини бола инсонийлик фазилати ва тарбия бериш услубининг асоси саналадиган оиладан олади. Авлоддан авлодга бериладиган анъаналар ва яхши фазилатлар оилада шаклланиб, болага сингдирилади.

Одамлар ўртасида ўзаро англашга олиб келадиган атрофдагиларга бўлган ҳурмат ва иззат ҳам фақат яхши оилада шаклланади. Оила эр-хотинлар ўртасидаги, болалари ва ота-онаси ўртасидаги муносабатлар асосида барпо этиладиган жамиятнинг соддагина дастлабки уячаси. У барқарор ижтимоий ҳамжамият сифатида фаолият юритади.

Муҳаббат асосига қурилган оилада ишонч, ўзаро ҳурмат, шаффоқликнинг алоҳида ахволи юзага келади. Никоҳ иқтисодий эҳтиёжнинг зарурати натижаси бўлмаслиги керак. Бу “ҳисоб-китоб билан қурилган никоҳ” деб аталади. Шу билан бирга ота-онанинг мажбурлаши оқибатида ҳам бунга йўл бермаслик керак. Эр киши ва аёл ўртасидаги эркин ва тенг ҳуқуқли муносабат барча жойда, айниқса, оилада юзага келиши керак.

Ибратли, ажойиб никоҳ эр-хотинларнинг ўртасидаги ўзаро ҳурмат асосида барпо этилиши керак. Оила – эр-хотинлар ўртасидаги табиий муносабатларгина эмас, шу билан бирга куёви ҳамда аёлининг, ота-



Авлодлар давомийлиги

онаси ва болаларининг иқтисодий ва инсонийлик муносабатларидан иборат мураккаб ҳолат.

Оиланинг роль муносабатлари, таркиби ва фаолияти тарихий турда ўзгариб туради. Айти даврдаги оила ҳаётида унинг аъзоларининг ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлари бош ролни ўйнайди.

Баъзилар оиланинг парокандага кетиши тўғрисида айтади. Бироқ ҳақиқатда, оддий оиланинг эски тури парокандага кетмоқда. У оилавий-никоҳ муносабатларининг психологик, маънавий, инсонийлик сингари тамойилларни олдинги қаторга чиқадиган, чорвачилик-иқтисодий ҳаракатга ва унинг янгича турининг пайдо бўлишига асосланган.

Қозоқ оиласидаги тарбия ва авлод давомийлигини кўрайлик. Бу қоидалар бугунги кунда ҳам сақланмоқда.

- Катталарни қадрлаш ва уларга ёрдам бериш. Қозоқ халқига энг қадрли одамлар оталар ва опалар бўлган. “Қариси бор уйнинг хазинаси бор” дея, уларга алоҳида ҳурмат кўрсатган. Қадимдан катталар ва кичик инилар, сингилларининг ўртасида тотувлик, меҳр, ҳурмат шаклланган. Дастурхон бошида, энг аввало, эр кишиларнинг каттаси биринчи бўлиб, қўл узатади. Агар дастурхон бошида ўтирганлар ичида ёши катта эр киши бўлмаса, унда аёлларнинг каттаси бошлаб беради. Шундан кейин ёшлар таомга қўл узатишади. Агар ота-оналари кексайган бўлса, уларга ғамхўрлик кўрсатиш болаларининг бевосита мажбурияти бўлган. Болалари ота-оналарини алоҳида қадрлаган. Қозоқ оиласида “болангни қандай тарбия қилсанг, уларга ғамхўрлик кўрсатсанг, кексайганинда шундай ҳурмат кўрасан” деган тамойил шаклланган. Шунга доир халқда: “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Ёшлигингда меҳнат қилсанг, кексайганда роҳат кўрасан” деган мақоллар бор. Ёши катталарни ҳурмат қилиш одати салом беришдан бошланади. Оқсоқоллар билан учрашганда ёки бошқа қишлоққа борган пайтда салом бериш ёш йигитнинг тарбияли эканлигини кўрсатган. Аввало, ёши кичик киши салом берган.
- Кўпни кўрган оқсоқоллар ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда ўз оиласидагина эмас, балки бошқа жойларда ҳам фаоллигини кўрсатган. Шунинг учун қозоқ аулида бола тарбиясига катталарнинг барчаси қатнашган. Агар улар қўпол хулқини кўрсатган бўлса, уларни уришиб ёки ундай қилиш мумкин эмаслигини тушунтиришга ҳуқуқли бўлишган. «Ор-номус» деган тушунчаларнинг маъноси зўр бўлган.
- Меҳмондўстлик. Уйдаги энг яхши нарсалар меҳмонга сақланган. Халқда, меҳмон ўз ризқи билан келади, — деган тушунча бор. Шунинг учун меҳмонга алоҳида таклиф билан ёки таклиф қилмаса ҳам борилади.
- Оилавий тарбияда қозоқ халқи ҳар доим ёши катталар боланинг тарбиясига алоҳида эътибор берган. Уни: «Болани 5 ёшгача тўрадай кут, бешдан ўн уч ёшгача қулдай ишлат, ўн уч ёшдан бошлаб дўстингдай сирлаш» деган мақолдан кўриш мумкин бўлади. Қозоқ халқи бола ўн уч ёшга тўлганидан кейин ўтов эгаси бўлиб, бўлак чиқишга бўлади, деб саналган. Шу билан бирга унинг фикри билан санашиб, катта ҳаётга тайёрлаш ҳожат бўлган. Ёш ўзгачалигини ҳисобга олиб, беш ёшгача боланинг эркалиги ва тентакли-

гига тушунишлик билан қаралган. Оилавий тарбияда кичкина болаларга меҳрибонлик ва ғамхўрлик билан қарашга тиришган халқнинг дунё таниши бўйича кўнглига хиралик туширадиган уриб-сўкиш усулидан қўлланмаган. — Боланинг ўсишида тарбия муҳим роль ўйнаган. Қозоқлар энг бир салбий сифатлардагина болага тегишли ман этилган сўзларни қўллашган. Халқда «Оғаси борнинг ёқаси бор, иниси борнинг тиниши бор» деган мақол бекорга айтилмаган. Оғаси гапирган пайтда иниси халақит бермайди, опаси гапирганда синглиси қўшилмайди. Оғасига қараб иниси ўсади, опасига қараб синглиси ўсади. Қариндошлар орасидаги яхши муносабатлар, катта ва кичик ўртасидаги ўзаро ҳурмат, камтарлик, кичик феъллилиқ, ишонч ва тўғрилиқ асосида қурилади. Ёш авлоднинг фикр-мулоҳазаси ва феъл-атвори, олган тарбияси атрофидаги кўрган-билганларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам қадимдан оға-ини, опа-сингиллар орасидаги тотувлик, меҳрибонлик, ғамхўрлик, бир-бирига ёрдамлашиш каби хосиятларни таратишга ҳаракат қилинган. Қандай шароитда бўлмасин, қозоқ оиласи болани ўз замонининг фуқароси этиб тарбиялашга ҳаракат қилишган. Ана шу тарбия институти бўлиб қолади.

Оилавий муносабатларни давлат томонидан ҳимоя қилиш ва қўллаш. Қозоғистон Республикаси Конституциясига мувофиқ никоҳ, оила, ота-она ва бола давлат жамиятининг ғамхўрлигида. Давлат барча керакли қуроллар орқали оиланинг ўсишига таъсир этади. Оила қанчалик мустаҳкам бўлса, давлат ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Ахлоқий қонунлар оилавий муносабатларни тартибга солиш асоси бўлиб саналади. Оиланинг ўсишига ахлоқий қонунлар билан бир қаторда қонун ҳам таъсир қилади. ҚР «Никоҳ ва оила тўғрисида» Кодекс бор. Бунда «Оила институти» тушунчалари, никоҳ- оилавий муносабатларининг тартибга келтириш қонунлари ва ҳуқуқлари асослари, мақсади, вазифалари, оиланинг, боланинг манфаатлари ва ҳуқуқини ҳимоя қилишни таъминлаш масалалари қараб чиқилган. Кодекс эр-хотинларнинг тенг ҳуқуқлилиги орасида мулклик ёки мулксиз эмас ҳуқуқлари ва вазифаларни юзага келтирадиган оила қуриш мақсадида никоҳга туриш (эр-хотинлик) шартини бериш тамойилларини кучайтиради. Қозоғистонда фақат давлат органларида қайд қилинган никоҳгина тан олинади.

Кодексда оилани кучайтириш ҳожатлиги оилавий муносабатларда ўзаро ҳурмат, муҳаббат оилани ишонч асосида қуриш, унинг аъзоларига ёрдам бериш ва оиладаги жавобгарлик ҳақида айтилган. Қонун оиласига кимларнидир аралашинишига йўл бермайди. оила аъзолари ўз ҳуқуқини тўсиқларсиз амалга оширишини таъминлайди. Шу билан бирга Кодекс меъёрлари болаларнинг ҳуқуқлари билан манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Унинг ичида кундузга бўлимда ўқиётган болаларга 21 ёшгача алимент тўлаш, агар алимент тўловлари вақтида тўланмаган бўлса, у ҳолда қонуний шахсларнинг жавобгарлиги, алимент тўлови бўйича қарзи йўқлигини далиллайдиган қоғози бўлмаса, фуқароларни республикадан бошқа ерга чиқармасликлари ҳақида ёзилган.

Оила аъзоларини бирлаштириб турадиган қариндошчилик туйғулари умрбод маъносини йўқотмайди. Айниқса, ота-оналарнинг ўз фарзандларини меҳр-муҳаббатлари билан қўллаши, уларнинг онги ривожланиши, ўзига бўлган ишончи, ҳимоячиси бор эканлигини ҳис қилиш учун керак. Оила боланинг якка шахс бўлиб шаклланишига белгили бир даражада таъсир этади.

Оилавий ҳаётнинг энг муҳим мазмуни ва мақсади — бола тарбияси. Болаларни тарбиялашни бош мактаби — эр-хотинлар, ота-оналар муносабатлари ҳар бир бола ҳар томонлама онгини ривожлантириш мақсадида меҳр-муҳаббатга тўла, ғамхўр, бахтли ва аҳил оилада ўсиши керак. Боланинг тарбиясида оиланинг роли катта. Оилавий ҳуқуқларни қонунда кўриб чиқилган барча муносиб усуллар билан ҳимоя қилишга бўлади.

Бола фақат оиласидагина тўлиқ етила олади. Оиласида бобо-буви, ота-она, оға-ини, она-сингил ва қариндошларидан намуна олиб ўсади. Шунинг учун ҳам давлат оилага ғамхўрлик қилиб, ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Оила деган нима? Оила учун никоҳ қандай роль ўйнайди?
2. Оилавий муносабатлар давлатнинг қўллаши ва ҳимоя қилиши ҳақида

2-даражали топшириқ. «Мустаҳкам оила — мустаҳкам давлат» мавзусида эссе ёзинг. Оилада қандай тартиблар асосий бўлиши кераклигини аниқланг. Ота-она ва боланинг оиладаги ҳуқуқлари тўғрисидаги фикрларингизни ўртага ташланг.

3-даражали топшириқ. Қозоқ халқининг тарбия қоидаларини таҳлил қилиб, ҳозирги замон билан солиштиринг, мисоллар келтиринг. Нима учун бугунги кунда кўплаган қоидалар бузилган? Ҳозирги кунда болалар тарбиясига боғлиқ бўлган тақлифларингизни айтинг.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қандай ўзлаштирганингизни 1 дан 10 гача белгиланг. Қандай саволларингизга жавоби топилмади.



VI боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ

20-§. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Бугун дарсда:

- «Қозоғистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқи» ни ўқиб ўрганамиз.

Асосий тушунчалар

- маъмурий ҳуқуқ
- маъмурий ҳуқуқ белгилари
- бошқариш
- давлатни бошқариш

Маъмурий ҳуқуқ деганимиз- маъмурий – ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, у ҳукумат органларининг бошқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифасини бажаради. Уларга ҳукуматнинг ижроия органлари ва норасмий бўлган ижроия давлат маъмурий органлари киради.

Маъмурий – ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонун. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик» ҳақидаги кодекс, қонунлар ва қонунга бўйсунадиган норматив-ҳуқуқий актлардан иборат. «Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида» Кодекс 2014 йилнинг 5 июлида қабул қилинган.

Маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳукуматнинг ижроия органларининг таркиби, қайта қурилиши, тарқатилиш тартиби, уларнинг тизими, иш-ҳаракатининг мақсади ва мажбуриятларини, ваколатини, таркиби ва иш-ҳаракатининг йўналишини белгилайди. Улар маҳаллий ўзини бошқариш муассасаларининг, органлари ва давлат бошқариш органларининг ўзаро ҳаракатида ҳам тарқатилади.

Маъмурий ҳуқуқ субъектлари – ҳуқуқий муносабатларнинг бевосита қатнашувчилари. Бу субъектлар маъмурий ҳуқуқ нормаларида кўрсатилган. Улар маъмурий нормалар асосида ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади ва уларни амалга оширади.



Кодекс

Масалан, фуқаро ўзининг ҳуқуқлари ва эркинлигини бузилди деб санаса, бошқарув ижроия органи қабул қилган суд ечими билан келишмаса ҳам бўлади. Шу билан бирга у аталган ечимга қарши келмаслиги ҳам мумкин. Маҳаллий ижроия органида давлат лавозимидаги шахс фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиши керак.

Ёки барча шарт- шароитларни яратиб бериши лозим. Маъмурий ҳуқуқ субъектларининг ўзининг ҳуқуқий мартабасини амалга оширишига кўплаган мисоллар мавжуд.

17-чизма

Маъмурий ҳуқуқ билан бошқариладиган ҳуқуқий муносабатлар


Бошқарув ҳуқуқий муносабатлар – бошқарув ижроия хизмати. Аталган ҳуқуқий муносабатлар негизида унинг мақсади, мажбуриятлари, функциялари, ваколати Тўғридан – тўғри амалга оширилади.

Ташкилий – ҳуқуқий муносабатлар- давлат органларининг таркибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ва жавобгарлигини бўлиш борасида амалга ошади.

Назорат қилиш ҳуқуқий муносабатлар- махсус ихтисослаштирилган органлар тизими амалга оширади. Бу муносабатларнинг мақсади- ҳуқуқий нормаларнинг амалга ошишини назорат қилиш.


Маъмурий ҳуқуқий субъектларнинг турларини кўриб чиқайлик. (18-чизма).

18-чизма



Маъмурий ҳуқуқий якка субъект деганимиз — ақл-ҳуши жойида, 16 ёшга тўлган, маъмурий ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашувчиси, якка шахс. Якка субъектнинг маъмурий ҳуқуқий муносабатларга қайси томон қатнашишига кўра боғлиқ бўлади, уларнинг ҳуқуқий қобилияти билан ҳаракат қобилияти белгиланади.

109



Гуруҳий субъект

Маъмурий ҳуқуқнинг гуруҳий субъекти деганимиз-турли ташкилотлар ва муассасалар. Бунда маъмурий ҳуқуқдаги гуруҳий субъектнинг ҳуқуқий ваколатининг бўлиши шарт эмас.

Шу билан маъмурий ҳуқуқнинг гуруҳий субъектлари деб митинг, намойиш қатнашувчилари киради. Маҳаллий ўзини бошқариш ва давлат бошқариш ижроия органлари, ташкилотлар, муассасалар, ижтимоий ташкилотлар ва бирлашмалар ҳ. к. маъмурий ҳуқуқ субъектлари деб ҳисобланади.

Шу билан қатор маъмурий ҳуқуқ махсус субъекти тушунчаси ҳам кўзланади. Махсус субъектнинг ҳуқуқий мартабасида озгина ўзгачаликлар кузатилади, бу хусусиятлар уни бошқа маъмурий ҳуқуқ субъектларидан ажратиб туради.

Маъмурий ҳуқуқнинг қуйидаги махсус субъектларини бўлиб кўрсатса бўлади:

- маъмурий ташкилотлар;
- маъмурий ғамхўрлик субъектлари;
- рухсат бериш тизими субъектлари;
- махсус маъмурий- ҳуқуқий территорияда истиқомат қилувчилари;
- маъмурий назорат қилувчи субъектлари ва ҳ. к.

Маъмурий гуруҳ-ташкилотнинг якка таркиби, аъзоларининг ҳокимликлар билан муносабати, якка ҳуқуқлари ва мажбуриятлари маъмурий ҳуқуқ билан йўлга солинади. Улар- ички ишлар органлари, ҳарбий бўлимлар, талабалар, мактаб жамоси ва бошқалар.

Муносабатлар, унинг ичида ҳизматга боғлиқлари ҳам маъмурий ҳуқуқ нормалари билан йўлга солинади. Маъмурий ғамхўрлик субъектларига якка шахсларнинг икки тури ётади:

— Давлат томонидан бериладиган ёрдамга муҳтож шахслар. Улар- ота-онасиз қолган болалар, фарзандларини бир ўзи тарбиялаётган ёлғиз бошли оналар, ногиронлар, беморлар, кўп болали оилалар ва бошқалар.

— Ишсизлар, эмигрантлар, ижтимоий таназзул қурбонлари, турли техноген офатлардан зардоб чекканлар категорияси).

Рухсат бериш тизимининг субъектларига маълум бир хизматни амалга оширувчи қонунга тўғри келадиган, махсус рухсат (лицензия) олган шахслар



Маъмурий ҳуқуқ субъекти – Йўл полицияси хизматкори

ва ташкилотлар киради. Улар ўқ отиш қуролларининг эгалари, автотранспорт Маъмурий ҳуқуқ усуллари ҳайдаш гувоҳномаси бор, фармацевтика ва бошқа ҳизмат билан шуғулланадиган якка шахслар киради.


Махсус маъмурий режим киритилган территорияда истиқомат қилувчилар ҳуқуқий мартабаси бор, улар ўзи турадиган жойларда эркин юриш- туриши мумкин. Бундай территорияларга “ёпиқ шаҳар” деб номланувчи чегарага яқин жойлар, фавқулоддаги вазиятлар ўрин олган жойлар киради.

Маъмурий назорат субъектларига суд ечими билан юриш- туришига махсус чекланиш қўйилган ва давлат органларининг назоратидаги якка шахслар киради. Улар-шартли турда судланганлар, шартли турда олдиндан бўшатирилганлар ва бошқа турлари киради.

Маъмурий ҳуқуқ маъмурий муносабатларни тартибга келтириш учун турли усуллардан фойдаланилади. (19-чизма).

Маъмурий ҳуқуқ усуллари

19-чизма



Глоссарий

Маъмурий ҳуқуқ – ҳуқуқий нормалар йиғиндиси бўлиб, у ҳукумат органларининг бошқариш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш вазифасини бажаради.

Маъмурий-ҳуқуқий нормалар – давлат бошқарув соҳаси, шу билан бирга давлат бошқаришини юзага ошириш борасида келиб чиқадиган бошқариш сифатидаги муносабатларни тартибга соладиган, давлат белгиланган қоидалар.

Давлат бошқаруви – давлатни тартибга солиш, сақлаш ёки қайта қуриш мақсадида инсонларнинг ижтимоий ҳаётини тартибга солиш ва ташкил қилиш.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Маъмурий ҳуқуқнинг мажбуриятлари билан асосий мазмунини очиб кўрсатинглар.
2. Маъмурий- ҳуқуқий нормалар дегани нима? Уларнинг фуқаролик ҳуқуқий нормалардан қандай фарқи бор?

Мураккаблиги 1 – даражали топшириқлар. Жадвални тўлдиринг.

17-чизма

Маъмурий ҳуқуқ принциплари

№	Функция номи	Функциянинг мақсади	Тажрибадан мисоллар

Рефлексия. Юқоридаги мавзунини қанчалик даражада ўрганганингизни 1-10 оралиғида белгиланг. Қайси саволларнинг жавоби топилмади.

21-§. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

Бугун дарсда:

- «маъмурий ҳуқуқбузарликлар» тушунчаси таркиби ва белгиларини ўқиб биламиз.

Асосий тушунчалар

- маъмурий ҳуқуқ бузарлик
- маъмурий жавобгарлик

Маъмурий – ҳуқуқ нормаларини бузгани учун маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – якка шахснинг ҳуқуққа қарши ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги. Бундай ҳолда шахс маъмурий жавобгарликка тортилади. Шахснинг икки тури бор – якка шахс ва ҳуқуқий ваколати бор шахс. Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодексида кўрсатилган ҳуқуқбузарликнинг турлари ва унга бериладиган жазо турлари кўрсатилган.

Якка шахслар маъмурий жавобгарликка 16 ёшдан бошлаб тортилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодекси 2014 йилнинг 5 июлида қабул қилинган.

Ёддасақланг!

Балоғат ёшига етмаган ёш ўспиринларнинг ҳуқуқбузарлиги учун жавобгарлик ота- оналарига ёки ваколоти бор вакилларига юкланади.

Моддий зарарни тиклаб бериш билан бирга, ота- оналар ўз болаларига ўзининг ва ўзганинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга, тўғри тарбия бериш мажбуриятини қўяди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик атайлаб, онгли турда ёки эҳтиётсизликдан қилиниши мумкин. Атайлаб қилинган ҳуқуқбузарлик вақтида уни содир этган жисмоний шахсга ўз ҳаракатининг (ёки ҳаракатсизлигининг) қонунга қарши эканини сезинади. Шу билан бирга шахс унинг оқибатлари ҳақида олдиндан билади ва бу ҳаракатларни содир қилишга йўл беради.


Эҳтиётсизликдан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик вақтида уни юзага оширган шахс ўз ҳаракатининг (ёки ҳаракатсизлигининг) зиёнли оқибатларининг бўлишини билади, бироқ ҳеч қандай асос бўлмаса ҳам, унинг бўлмай қолиши мумкин деган ўйда бўлади.

Аталган иш-ҳаракат ҳуқуққа қарши ҳаракат билан ҳуқуққа қарши ҳаракатсизлик турида ҳам бўлиши мумкин.

Ҳаракат — мажбуриятларни, қонуний талабларни фаол турда бажармаслик, белгиланган таъқиқларни бузиш.

Ҳаракатсизлик — қонуний ваколоти бор ёки якка шахсга юкланган мажбуриятни пассив турда бажармаслик

20-чизма

Маъмурий ҳуқуқбузарлик белгилари

Ҳуқуққа қарши ҳаракат — бу ҳаракат натижасида маъмурий ҳуқуқ нормалари бузилади. Ҳеч қандай ҳаракат, агар уни қилган вақтда ҳуқуқий нормалар бузилмаса, маъмурий ҳуқуқбузарлик деб баҳоланмайди ва маъмурий жавобгарликка тортилмайди.



Ёш ўспиринларга зарар келтирадиган хатти — ҳаракатлар қонун орқали таъқиқланади

Ҳаракатнинг қонунга қарши эканлиги ёки айби борлиги-шахс бу ҳаракатининг ноқонуний эканини, у таъқиқ остида эканлигини сезинади. Бу ерда айбдор бўлиш шартли турда бўлиши мумкин. Айби бўлмаса, шахс жавобгарликка тортилмайди жисмоний шахснинг айбдорлиги икки турда бўлади: атайлаб ёки эҳтиётсизликда қилинган ҳуқуқбузарлик. Ҳаракатнинг айбдорлиги атайиндан ёки эҳтиётсизликдан қилингани асосида белгиланади. Ёш ўспиринларга зарар келтирадиган хатти — ҳаракатларга қонуний чек қўйилади.

Ҳаракатнинг жазоланиши аталган ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслиги учун якка ёки қонуний ваколоти бор шахс Қозоғистон Республикаси Маъмурий Кодекси бўйича шартли турда маъмурий жавобгарликка тортилишини билдиради.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик жиноий ҳуқуқбузарлик билан солиштирганда жамиятга дегандай зиён келтирмайди, унинг жамиятга хавfli белгилари кўринмайди. Жазолаш турлари жиноят кодексидай оғир эмас. Улар жарима солиш, махсус ҳуқуқдан айириш, маъмурий қамоққа олиш ва ҳ. к. турида бўлади.


Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибида тўрт элементнинг ҳаммаси бўлган тақдирдагина шахс маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин. Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилиш маъмурий жазо ёки маъмурий ундириб олишни қўллашга асос бўлади.

Якка шахснинг ҳуқуқига қўл суқиш туридаги ҳуқуқбузарликлар. Уларга оилавий — турмуш муносабатлари бўйича ҳуқуққа қарши ҳаракатлар, соғлиқка атайлаб енгил турда зиён келтириш, уруш-калтаклаш ва бошқа ҳаракатлар киради.

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг таркиби 4 элементдан иборат:
19-чизма

21-чизма

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби



73-модда. Оилавий муносабатлар асосида ҳуқуққа қарши ҳаракатлар
Ҳуқуқбузар билан оилавий муносабатларда бўлган инсонларга ҳурмат кўрсатмаслик, хўрлаш, уй турмуш – рўзғоридаги нарса- буюмларни синдириш ва уларнинг тинчлигини бузиш каби ҳаракатлар, агар бу ҳаракатларда жиноий типдаги ҳаракатлар бўлмаса- танбеҳ бериш, маъмурий жазо сифатида 3-суткага қамоққа олиниши мумкин.

Ижтимоий тартиб билан инсонпарварликка қўл суқишига оид ҳуқуқбузарликлар. Уларга майда безориликлар, балоғат ёшига тўлмаган ёш ўспиринларнинг безорилиги; газ тўппончаси, пневматикалик, электр, отиладиган қуроллардан ўқ отиш, пиротехника воситаларини ўринсиз ишлатиш, бошқа фуқаролар тинчлигини бузиш; махсус хизмат кўрсатиш муассасаларни ёлғондан чақириш- тез ёрдам, ёнғин ўчириш хизмати ва ҳ. к.; алкоголь ичимликларни жамоат жойларида ичиш, тинчликни бузиб маст ҳолда юриш кабилар.

434-боб. Майда безорилик

Майда безорилик, яъни жамоат жойларда норматив бўлмаган лексикадан фойдаланиш, якка шахсларга тегишиш, уй- жойларни уриб синдириш, соябоғлар, аллеяларни ифлослантириш, турли хил ахлатни олиб чиқиб ташлаш- белгиланмаган жойларга, бошқаларга ҳурматсизлик муносабатини кўрсатиш каби ҳаракатлар-беш ойлик кўрсаткичда жарима солинади ёки ўн суткага маъмурий жазога қамоққа олинади.

435- боб. Балоғат ёшига етмаган шахс содир этган безорилик.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 293- бобининг биринчи моддасида 14-16 ёшгача бўлган балоғат ёшига етмаган шахс ясаган майда безорилик ёки безориликнинг ўзи – ота-онаси ё бўлмаса уларга тенглаштирилган шахсларга етти ойлик кўрсаткичида жарима солишга олиб келади.

437-боб. Тинчликни бузиш

Жисмоний шахсларнинг дам олишини, тунги вақт (соат 23дан 6 гача) тинчлигини бузиш

унинг ичида фуқаролар яшаш жойларида қаттиқ товуш чиқарадиган воситалардан фойдаланиш – оддий шахсларга беш, кичик корхоналарга ёки коммерциялик бўлмаган бирлашмаларга – ўн, ўрта бизнес субъектларига – ўн беш, катта бизнес субъектларига – ўн беш, ойлик ҳисобда жарима тўлашга олиб келади.

440-боб. Алкоголь ичимликларни ичиш ёки жамоат жойларда маст ҳолда юриб барчани безовта қилиш.

1. Маҳаллий ижроия орган алкоголь ичимликларни қўйиб сотишга рухсат берган савдо ва ижтимоий озиқланиш муассасаларидан бошқа, кўчаларда ва жамоат жойларда алкоголь ичимликларни ичиш ёки жамоат жойларда инсон қадр-қимматини хўрлайдиган вазиятларни ҳосил қилиш- беш ойлик маош кўламида жарима солишга олиб келади.

2. Ёши ўн саккизга тўлмаган шахсларнинг жамоат жойларида маст ҳолатда келиши, жамоат жойларида алкоголь ичимликларни ичиб ўтириш- ота-оналарига ёки шуларга тенглаштирилган шахсларга беш ойлик кўрсаткичида жарима солинади.

442-боб. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг тунги вақтда уйдан ташқари жойда қонуний вакилларининг ота- оналарининг қаровисиз ўйин-жойларида юриши

1. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг тунги вақтда соат 22-дан тонги соат 6 гача уйдан ташқари жойда қонуний вакилларининг ота- оналарининг қарамоғисиз ўйин-жойларида юриши уларнинг ота- оналарига уч ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

2. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг тунги вақтда соат 23-дан тонги соат 6 гача уйдан ташқари жойда қонуний вакилларининг қарамоғисиз юриши – қонуний вакилларига огоҳлантириш берилади.

444-боб. Қимор ўйинларда қатнашиш, унга жалб қилиш ёки рухсат бериш

1. Қимор ўйинларига (пул ёки бошқа қимматбаҳо нарсаларга) бунга белгиланган ўринларда қатнашиш, шунга ўхшаш рухсати йўқ шахсларнинг спорт, бошқа беллашувларга ставка қабул қилиши- ўйин қуроллари, пул, қимматбаҳо нарсаларни олиб қўйиши икки юз ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

2. Қозоғистон Республикасининг йигирма беш ёшгача бўлган шахсларнинг қимор ўйинлари ва пулга ёки қимматбаҳо буюмларга ўйнаши, шу ишга бошқани тортиши ёки рухсат бериши учун жисмоний шахсларга икки юз ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

448-боб. Балоғат ёшига тўлмаган шахсларнинг вандализми

Ўн олти ёшгача бўлган балоғат ёшига тўлмаган шахсларнинг вандализм, давлат ҳимоясида бўлган иншоотлар, бошқа қурилишлар, тарихий ва маданий ёдгорликлар, табиий ресурслар объектлари, одамлар дафн этилган жойлар, жамоат жойларида хўрлаш, тартиб бузарлик ҳаракатлари учун, атайлаб ясаган бузақиликлари учун – ота- оналари ёки уларни алмаштирадиган шахсларга ўн беш ойлик кўламида жарима солинади.

449-боб. Жамоат жойларида тартиб бузарлик ҳаракатлари, тегишиш

Жамоат жойларида ўзгача йўл билан сотиб олиш, сотиш, алмаштириш ёки бизнес субъектик бўлмаган шахс ясаган, шу қаторда фолбинлик қилиш, сексуал характеридаги хизматлар, хайр- эҳсон сўраш каби ҳаракатлар якка шахсларга огоҳлантиртш берилади ёки беш ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

622-боб. Шаҳар ва шаҳарга қарашли жамоат транспортида тартиб бузарлик

1. Трамвай, троллейбус, шаҳар ва шаҳарга қарашли жамоат транспортида ёки таксида тартиб бузарлик ҳаракатлари, ифлослантириш, қоида нормаларига кирмайдиган ҳаракатлари учун бир ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

2. Жамоат транспорти хизматидан бепул фойдаланиш, пул тўлашдан бош тортиш – икки ойлик ҳисоб кўрсаткичида жарима солинади.

Шу билан бирга, маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳар хил бўлади. Уларнинг барчаси Қозоғистон Республикаси Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодексида кўрсатилган. Маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади.

Глоссарий

Маъмурий жавобгарлик — қонуний жавобгарлик тури. Давлат органлари, лавозимли шахслар мамлакат белгилаган қонунлар ва қоидаларни бузгани учун фуқароларга маълум вазиятларда идораларга ҳам мамлакат белгилаган маъмурий чоралар қўлланилишида ўз ифодасини топади.

Глоссарий

Маъмурий ҳуқуқбузарлик — жисмоний шахснинг ҳуқуққа қарши, айбдорлиги (атайиндан ёки эҳтиётсизликдан) ясаган ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ёки қонуний ваколоти бор шахснинг ҳуқуққа қарши ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги. Бу учун Қозоғистон Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлик” Кодексида маъмурий жавобгарлик кўзланган.

Тунги вақт — кечки 23.00 билан тонги 6.00 оралиғидаги вақт. Бунда одамларнинг тинчлиги ва дам олишини бузишга йўл қўйилмайди. Бошқача айтганда, бу дам олиш вақти.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Маъмурий жавобгарлик тушунчасини очиб кўрсатинглар.
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркибини аниқланглар, унинг таркибидаги элементларнинг хусусиятларини очиб кўрсатинг.

Мураккаблиги 2- даражали топшириқлар. Жадвални тўлдиринг.

18-чизма

Маъмурий ҳуқуқбузарлик таркиби

Ҳуқуқбузарлик объекти	Объектив томони	Ҳуқуқбузарлик субъекти	Субъектив томони

Мураккаблиги 2- даражали топшириқлар. Вазиятларни муҳокама қилинг.

1. 14 ёшдаги мактаб ўқувчиси автобусда йўл юриш ҳақини тўламади. Ўқувчи ҳуқуқбузарлик ясадими? Уни маъмурий жазога тортишга бўладими? Мактаб ўқувчисининг ҳаракатига ким жавоб бериши керак?

2. Соат 23 дан кейин кўп қаватли уйнинг биринчи қаватида истиқомат қилувчи уй эгаси меҳмон чақириб бор овозини чиқариб ашула айтиб, рақсга тушишди. Бугун байрам деб кўшнилариининг танбеҳ беришига қулоқ солмади.

Кўшнилариининг огоҳлантириши ўринлими? Бу ерда маъмурий меъёрлар бузилдими? Кўп қаватли уйда истиқомат қилувчи шахсларга қандай маслаҳат берадиз эдинглар? “Тунги вақт” деганни қандай тушунасиз?

3. Талабаларимтиҳонга тайёргарлик кўришмади. Устозлар ва юқори ўқув маскани маъмурияси томонидан қўлланилиши мумкин бўлган чоралардан кўрқиб, ўқув масканига бомба қўйилганлиги ҳақида хабар беради. Фавқулоддаги вазиятнинг олдини олиш учун бутун университет ходимлари эвакуация қилинади. Олти соат мобайнида полиция ходимлари бомбани излайди. Лекин ҳеч нарса топилмайди. Бундай вазият далабалар маъмурий жавобгарликка тортиладими?

Рефлексия Аталган мавзунини қанчалик даражада ўргандинглар 1дан 10 гача баҳоланг. Қандай саволларнинг жавоблари топилмади?

22-§. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Маъмурий жавобгарлик жиноий ҳуқуқбузарликка қараганда хавфлиги оғир бўлмаган ҳаракатларда қўлланилади. Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодексида ҳуқуққа қарши маъмурий ҳаракат ва унинг оқибатлари ҳақида айтилади (25- 27 бб.).

Маъмурий жавобгарликнинг хусусиятлари бор: 1. Маъмурий жавобгарлик кўп вазиятларда суд ишига етмайдиган жавобгарлик тури ҳисобланади. Маъмурий жавобгарликни бошқарув тизимига кирадиган давлат органларидаги лавозимдаги шахслар белгилайди. Шу билан бирга маълум органлар тизими ишларни суддан ташқари кўриб чиқади. Шунингдек, маъмурий судлар ҳам бор, улар шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг анчасини кўришади. Юқорида аталган органларнинг барчаси маъмурий юрисдикция субъектлари бўлиб ҳисобланади.

2. Лавозимдаги шахслар маъмурий жазони хизмат бобидаги, яъни компетенциясидаги ҳуқуқбузарлик турларига тайинлайди. Маъмурий жавобгарлик тартибга чақириш жавобгарлигидан мана шу белгиси билан фарқланади. Тартибга чақириш жавобгарлигида жазолаш чораларини юқоридаги органларга ёки лавозимдаги шахсларга қарашли тартибда амалга ошади.

Эътибор беринг!

Давлаторганларининг видео камераларининг кўрсатуви асосидажарима солиш туридаги маъмурий жавобгарликка тортиш- янги киритилган жазо тури ҳисобланади.

3. Маъмурий жазо, одатда, жиноий жазога қараганда енгил бўлиши билан фарқланади.

4. Маъмурий жавобгарлик қўлланган ҳолатда ҳуқуқбузарлик қилган якка шахс иши судга берилмайди. Маъмурий жазо қўлланган шахс маъмурий жазони тўлаб бўлган кундан бошлаб, бир йил давомида мана шу жазога тортилди деб ҳисобланади.

5. Жисмоний шахсни ҳам, юридик шахсни ҳам жавобгарлик субъекти деб ҳисобласа бўлади. Юридик шахслар жавобгарликка турган жойига, бўйсунушига қараб бошқа вазиятларга қарамасдан

Бугун дарсда:

- «маъмурий жавобгарлик» тушунчаси, балоғатга етмаганларнинг маъмурий жавобгарлигининг ўзгачалигини ўқиб биламиз;
- маъмурий жазо турлари ва уларни қўллаш тартибларини кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- Маъмурий жавобгарлик
- Маъмурий жазо
- Балоғатёшига етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги
- Тарбиялашчоралари

жавобгарликка тортилади. Фақат маълум бир мақомга эга субъектларгина (элчилар, консуллар ва бошқалар) бу категорияга кирмайди.

6. Маъмурий жавобгарликни Қозоғистон Республикасининг маъмурий ҳуқуқбузарлик Кодекси белгилайди. Аталган Кодексда маъмурий жазо ва унинг турларига аниқ тушунча берилган.

Маъмурий жазо – ваколат берилган суд ва органлар (лавозимдаги шахслар) маъмурий ҳуқуқбузарлик қилгани учун қўлланиладиган мажбурий жазо. Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик қилгани шахсни ҳуқуқлари ва эркинлигидан айириш ёки чеклаш турида белгиланади.

Маъмурий жазо мулкни қайта тиклаш, тўлаб бериш қуроли эмас. Маъмурий ҳуқуқбузарликдан келган зарар фуқаролар суд иши бўйича юргизилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилгани учун мана бундай маъмурий жазолар қўлланилиши мумкин:

- Огоҳлантириш;
- Маъмурий жарима тўлатиш;
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик қилиш қуроли ёки объекти бўлган нарса, шунга ўхшаш маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатларидан қолган мулкни мусодара қилиш;
- Махсус ҳуқуқидан айириш;
- Маълум бир иш билан шуғулланишга бериладиган рухсат қоғозидан айириш ёки ишлаш муддатини тўхтатиш;
- Кўрсатаётган хизматини тўхтатиш ёки фаолиятига таъқиқ қўйиш;
- Ноқонуний қурилган ёки қурилаётган қурилиш объектларини бузиш;
- Маъмурий қамоққа олиш;
- Чет эл фуқароси ёки фуқаролиги чекланган шахс Қозоғистон Республикасидан маъмурий йўл билан чиқарилиб юборилади.



Йўл полициячиси – маъмурий жавобгарликка тортиши мумкин бўлган субъект

Маъмурий ҳуқуқбузарликлар қилгани учун юридик шахсларга маъмурий жазолар, шу билан бирга юридик шахснинг хизмати ёки хусусий хизматини тўхтатиш ёки таъқиқ қўйиш мумкин. (19-чизма).

19-чизма

Маъмурий жазонинг асосий қўшимча чоралари

Маъмурий жазонинг асосий чоралари	Маъмурий жазонинг қўшимча чоралари
Огоҳлантириш, маъмурий жарима тўлаш, маъмурий қамоқ	Мулкни мусодара қилиш, рухсатсиз қурилган иншоот ёки ноқонуний қурилаётган биноларни бузиш

Асосий маъмурий жазо сифатида ҳам, қўшимча маъмурий жазо сифатида ҳам қўлланиши мумкин бўлган умумий чоралар.

Маъмурий ҳуқуқдан айириш, рухсатидан айириш ёки унинг қўлланилишини тўхтатиш, шунингдек қатор тизимдан олиб ташланиш; хизматни тўхтата туриб ёки унга таъқиқ қўйиш; чет эл фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахс Қозоғистон Республикасидан маъмурий йўл билан чиқариш маъмурий жазо сифатида, қўшимча маъмурий жазо сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Маъмурий жарима тўлаш - маъмурий ҳуқуқбузарлик учун солинадиган, ойлик ҳисоб кўрсаткичида маълум бир ўлчовга тўғри келадиган пул ундирилади.

Мулкни мусодара қилиш - маъмурий ҳуқуқбузарлик ясаган қуроли, объекти, шу билан бирга ҳуқуқбузарлик ясаган натижасида олинган мулкни қонуний турда давлатга қайтариб бериш.

Махсус ҳуқуқдан айириш - суд орқали қўлланилади (транспорт юргизиш ҳуқуқи, овчилик, балиқ овлаш ҳуқуқи, овчи милтиғи, унинг ўқ-дорисини, балиқ овлаш қуролларини олиб юриш ёки сақлаш).

Маъмурий жазо 30 сутка давомийлигида қўлланилади. Фавқулоддаги вазият талабларини бузган вақтда 45 суткагача чўзилади. Жазони судлар белгилайди, бу жазо ҳомиладор, 14 ёшгача бўлган фарзанди бор аёлларга, 18 ёшга тўлмаган шахсларга, 1-2 гуруҳ ногиронларига, ёши 58-дан ошган аёллар ва 63-дан ошган эр кишиларга, ёши 14 га тўлмаган болаларини ёлғиз ўзи тарбия қилиб ўтирган шахсларга қўлланилмайди.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик қилган шахсларни тарбиялаш мақсадида, фуқароларнинг қонуний талабларини бажаришга шу билан бирга тасдиқланган ҳуқуқий тартибни сақлашга ўргатиш учун ва ҳуқуқбузарликлар билан бошқа якка шахсларнинг янги

хуқуқбузарликларидан сақлаш учун қўлланилади. Маъмурий жазо маъмурий хуқуқбузарлик ясаган якка шахсларга ғурурига тегиш ёки шахсиятига, ор- виждонига тегиш , обрўйини туширишга йўл қўйилмайди. Маъмурий жазо қўллашнинг асосий мақсади- тарбиялаш ва хуқуқбузарликнинг олдини олиш ҳисобланади. Маъмурий жазо чоралари орқали давлат ижтимоий муносабатларни тартибга келтириш ва барча қабул қилинган тартиб қоидаларини бузишга йўл бермайди.

Маъмурий жазо хуқуқбузарликнинг сифатига, унинг аҳволига, хуқуқбузарликнинг шахсий ўзига тўғри келадиган ҳаққоний бўлиши керак. Шахсга маъмурий жазо қўлланилган ҳолатда маъмурий хуқуқбузарликнинг сифати, айбдорнинг шахси ва унинг хуқуқбузарлик бажарганига қадар ва кейинги тартиби, моддий аҳволи, мажбуриятлари, жавобгарлиги, оғирлаштирадиган ва енгиллаштирадиган ҳолатлари инобатга олинади.

Юридик шахсга маъмурий жазо қўлланган ҳолатда хуқуқбузарликнинг сифати, моддий аҳволи, жавобгарлигини енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатлар инобатга олинади.

Балоғат ёшига етмаганларнинг маъмурий жавобгарлиги. Маъмурий хуқуқбузарлик ясаган балоғат ёшига етмаган ёш ўспиринларга тарбиявий мазмуни бор маъмурий жазо қўлланилиши мумкин. Балоғат ёшига етмаган ёш ўспиринларга солинадиган маъмурий жарима катталиги ўн ойлик ҳисоб кўрсаткичидан ошмайди. Ёш ўспиринларнинг жарима тўлашга етарли имконияти бўлмайдиган ҳолда, жарима уларнинг ота- онасига ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга солинади.

Балоғат ёшига етмаган ўспиринларнинг махсус хуқуқдан айириш муддати бир йилдан ошмаслиги керак. Маъмурий хуқуқбузарликни биринчи марта ясаган ёш ўспирин маъмурий хуқуқбузарликдан ёки қонун билан тасдиқланган тарбиявий мазмунидаги маъмурий жазодан бўшатилиши мумкин. Бу чорани маъмурий хуқуқбузарлик ишини қарайдиган ваколатли суд ёки органлар (лавозимли шахслар) амалга оширади.

Балоғат ёшига етмаган ўспиринларга қўлланилиши мумкин бўлган тарбиявий чоралар:

- Қонунни тушунтириш;
- Кўрсатилган зарарни тиклаб беришни мажбурлаш;
- Дам олиш вақтини чеклаш, юриш- туришига махсус талаблар қўйиш;

Балоғат ёшига етмаган ўспиринларга бирдан бир нечагача тарбиявий чора қатор қўлланилиши мумкин. Ёш ўспирин бу чораларни

ўз вақтида бажармайдиган бўлса, ёш ўспиринни маъмурий жазога тортиш учун иши судга юборилади.

Ёш ўспиринларнинг дам олиш вақтини чеклаш, юриш- туришига махсус талаблар қўйиш дегани- маълум бир жойларга бориш, дам олишнинг айрим турларидан фойдаланишга, унинг ичида автотранспорт воситасини ҳайдашга, бевақт уйдан чиқмаслигига, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини қарашга ваколатли орган суд ёки органнинг (лавозимли шахсларнинг) рухсатсиз бошқа жойларга боришга чеклаш қўйилади.

Балоғатга етмаган ёш ўспиринни ўқишини тамомлаши ёки вояга етмаганларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисидаги комиссиясининг ёрдами билан ишга жойлашишни талаб этиш мумкин

Глоссарий

Маъмурий жазо — бу маъмурий ҳуқуқни бузгани учун ваколатли органлар-суд, давлат органлари (лавозимли шахслар) қўлланадиган давлат мажбурий чораси.

Маъмурий қамоққа олиш — ўттиз суткача кўламда бўлади, агар махсус режимдаги талабларни бузса, қирқ суткагача давомийликда қўлланилади.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Маъмурий жавобгарликнинг қандай махсус хусусиятлари бор эканини аниқланглар.
 2. Маъмурий жазо тизимининг қандай айирмачиликлари бор?
 3. Асосий маъмурий жазони атанглар. Жарима тўлаш тушунчасига изоҳ беринглар.
 4. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг маъмурий жавобгарликка тортишнинг қандай ўзгачаликлари бор?
 5. Тарбиялик чораларни қўллаш тартибини аниқланглар.
- Мураккаблиги 3-даражали топшириқлар. 20-жадвални тўлдиринглар.

20-жадвал

Маъмурий жавобгарликнинг махсус сифатлари

№	Номланиши	Мазмуни
1	Суддан ташқари жавобгарлик	
2	Лавозимдаги шахслар хизмати борасида ўзига бўйсунмайдаган шахсларга жазо тайинлаши мумкин.	
3	Маъмурий жазо одатда жиноий жазога қараганда энгил бўлади.	
4	Судга тортилмайди.	
5	Якка шахсни ҳам юридик шахсни ҳам жавобгарлик субъекти деб ҳисобаса бўлади.	
6	Қозоғистон Республикаси Кодекси белгилайди.	

Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар. Вазиятларнимухокама қилинглр.

1. 12, 14 ва 16 ёшдан мактаб ўқувчилари бино орқасида яширин тамаки чекиб туришди. Улармаъмурий жавобгарликка тортиладими? Уларгақандай тарбиялик чоралар қўлланиши керак.

2. 9 –синф ўқувчисининг портфелидан телефон йўқолди. Қандай ҳуқуқ шакли бузилди? Бундамаъмурий ҳуқуқбузарлик борми? Юқорида кўрсатилган вазиятни қандай ечишга бўлади?

Рефлексия. Юқоридаги мавзуни қанчалик ўргандингиз. (1-дан 10 гача) баҳоланглр. Сиз учун қандай саволлар тушунарли бўлмади?

23-§. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бугун дарсда:

- Маъмурий – ҳуқуқий шакллари ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш жараёнини ўрганамиз.

Асосий тушунчалар

- Маъмурий – ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш
- Умумий олдини олиш чоралари
- Профилактика- олдини олиш чоралари

Ҳозирги жамият тез ўсиб ривожланиб бормоқда, янги ижтимоий муносабатлар, шу билан бирга ҳуқуқбузарликларнинг турлари ҳам кўпаймоқда. Давлатнинг мақсади ҳуқуқбузарлик учун жазо берибгина қолмай, ҳуқуқбузарликнинг сонини қисқартириш, уларнинг олдини олишга ҳаракат қилишдир. Бу учун маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чоралари юргизилади. Олдини олиш чораларида маъмурий-ҳуқуқий шакллари етакчи аҳамиятга эга.

Қозоғистон Республикасининг 2004 йил 9 июлида қабул қилинган “Балоғат ёшига тўлмаганлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан болаларнинг назоратсиз ва қаровсиз қолишининг олдини олиш тўғрисида” Қонуни бор. Шу билан қатор

2010 йил 29 апрелда “Ҳуқуқбузарлик профилактикаси тўғрисида” Қозоғистон Республикасининг Қонуни қабул қилинган.


Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ишлари (профилактикасини) тор ва кенг маъносини тушунишга бўлади.

Кенг маънода: маълум бир ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, фуқароларни ҳуқуқбузарликдан сақлаш.

Тор маънодаги тушунчаси: олдини олиш чоралари ҳуқуқбузарликнинг сабабини унинг қандай вазиятда содир бўлганлигини аниқлайдиган давлат органларининг хизмати.

Шу билан бирга бу хизмат жамиятга қарши йўналишда бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик яшашга мойиллиги бор шахсларни аниқлайди. Улар билан олдини олиш чораларини ўтказди.

Мактабдаги боланинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми.



Хуқуқбузарликнинг олдини олишдан мақсад — якка шахсни, жамият билан давлатни ҳуқуққа қарши қўл суқиш, тажовузкорликдан ва ноҳўя ҳаракатлардан ҳимоя қилиш.

Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун унинг сабабларига таъсир кўрсата билиш керак. Хуқуқбузарликларнинг илдизи жамиятнинг ўзида. Шунинг учун уларни йўқ қилиш фақат махсус –

Хуқуқбузарликнинг олдини олишнинг асосий вазифалари:

- Лавозимли шахслар ва фуқароларнинг қонунга бўйсунуш кўз қарашини шакллантириш;
- Хуқуқбузарликдан бўлган зиён ва зарарларнинг ҳажмини камайтириш;
- Хуқуқбузарлик ясаш сабаблари ва шартларини йўқотиш;
- жисмоний ва юридик шахсларга хуқуқбузарлик содир этишга йўл қўймаслик;

хуқуқий эмас, балки(хуқуқ чиқарувчи, хуқуқни ҳимоя қилувчи органларининг хизмати), ижтимоий чоралар комплекси ҳам керак.

Маъмурий хуқуқбузарликнинг олдини олишда бир- бири билан ўзаро боғлиқ бўлган олдини олиш объекти ва субъектини бўлиб кўрсатамиз.

Хуқуқбузарликнинг олдини олиш объекти — хуқуқбузарликни огоҳлантириш мақсадида субъект таъсир кўрсатадиган ижтимоий муносабатлар ва боғлиқликлар тизими.

Хуқуқбузарликнинг олдини олиш субъекти — объектга хуқуқбузарликнинг олдини олиш мақсадида қандайдир бир таъсир кўрсатадиган лавозимли шахслар, органлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар.

Хуқуқбузарликнинг олдини олишдаги давлат тизими қуйидаги принципларга асосланади:

- 1) хуқуқбузарликнинг олдини олишдаги давлатнинг бош хизмати;
- 2) хуқуқбузарликнинг олдини олишда ўзларининг хуқуқлари ва мажбуриятларига таянган ҳолда барча давлат, ижтимоий институтлар ва фуқароларнинг қатнашиши;
- 3) қонунийлик;
- 4) комплексли ва тизимли турда бўлиши;
- 5) кўп даражалилиги
- 6) хуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларининг жазолаш чораларидан босимлиги;
- 7) хуқуқбузарликнинг олдини олишнинг узилмаслиги, бир қолипчилиги.

Хуқуқбузарликнинг олдини олиш чоралари хуқуқбузарликнинг олдини олиш объектларига умумий ва хусусий таъсир кўрсатишни амалга оширади.



Эмблемалар

Ҳуқуқбузарликнинг умумий олдини олиш чоралари:

- ижтимоий муносабатларнинг маълум соҳада ясаган ҳуқуқбузарликлар бўйича маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш;
- Қозоғистон Республикасининг қонунларининг қўлланилишини таҳлил қилиш, унинг ичида ҳуқуқбузарлик сабабларини ва бошқа шуларга боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасининг кўринишларини баҳолаш, уни тўлдириш бўйича тавсиялар киритиш;
- ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятни мўлжал қилиш;
- Аниқ бир объектда ижтимоий муносабатларнинг тегишли соҳасида ҳуқуқбузарлик яшашга тўсиқ бўладиган шароит яратиш;
- ҳуқуқбузарлик қилишга олиб келадиган сабабларни, шартларни аниқлаш ва йўқ қилиш;
- истиқомат қилувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини амалга ошириш;
- жиний, маъмурий, солиқ тўлаш жавобгарлик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш тўғрисида давлат тизимининг субъектининг ҳаракатига тегишли бошқа жавобгарлик шакллари ҳақида билиш;
- тегишли соҳада ҳуқуқбузарликка йўл бермасликка йўналтирилган ижтимоий фикр шакллантириш;
- Ўз ваколати доирасида ижтимоий тартиб ва хавфсизликни сақлаш, шу билан бирга хусусийликни қўрғашни таъминлаш;
- Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг объекти, ведомстволи (соҳали) дастурини тузиш ва амалга ошириш;

Ҳуқуқбузарликнинг яқка турда олдини олиш чоралари:

- олдини олиш суҳбатларини юритиш;
- давлат органларига ҳуқуққа қарши ҳаракат сабаблари, шартлари ҳақида маълумот юбориш;
- профилактика юргизиладиган шахсга ёрдам кўрсатиш;
- феъл-атвор, ҳаракатни назорат қилаш- кузатиш (манзили, иш жойи);
- қариндош-уруғларни бошқаларни ишга жалб қилиш;
- ҳисобга олиш;
- Бошқа чоралар (огоҳлантириш, назорат қилиш, кузатиш).

Балоғат ёшига тўлмаган ёш ўспиринларнинг орасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш чораларининг хусусиятлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик яшашга мойиллиги бор ёш ўспиринлар билан шахсий турда турли чоралар ўтказилади. Бу ҳуқуқбузарлик қилишга йўналтирадиган шартлар билан сабабларни йўқ қилишга; профилактика суҳбатлари; профилактика ҳисобига қўйиш ва назорат қилиш.

Мақсади — ёш ўспиринларни янги ҳуқуқбузарликларни содир этишдан сақлайди; шу билан бирга ҳуқуқбузарликка олиб борадиган шароит ва сабабларни йўқ қилишга қаратилган. Балоғат ёшига тўлмаганларнинг иши бўйича ҳисобга қўйиш қандай ҳавфликни юзага келтиради? Унинг деярли оғирлиги бўлиши мумкин. Балоғатга тўлмаган ёш ўспиринлар мактабни битиргандан кейин Ички Ишлар

Вазирлигининг, Миллий Хавфсизлик Комитетининг олий ўқув юртлирига ва ҳарбий йўналишдаги олий ўқув юртлирига ўқувга туша олмайди. Шу билан қатор ҳуқуқ ҳимоя қилиш органлари авваллари “ҳисобга олинганлар” биров вақт бўйи диққатдан қолдирилмай назорат остида ушланади.

Назоратсиз ва қаровсиз ёш ўспиринларга тегишли шахсий олдини олиш ишлари махсус турда олиб борилади. Бунга – профилактикали суҳбатлари; ҳуқуқбузарликка йўналтирадиган шароитлар ва сабаблар ҳақида тушунча бериш; профилактикали ҳисобга олиш ва назорат қилиш; махсус билим бериш муассасаларига ва алоҳида режимдаги билим бериш муассасаларига юбориш; тарбия томонидан таъсир кўрсатиш чоралари; ҳимоя инструктори; маъмурий жазо; суд ечими қўлланиладиган чоралар каби киради.

Назоратсиз-юриш — туришида назорат қилинмайдиган ёш ўспиринлар. Ота-оналар ёки уларнинг қонуний вакиллари- боқиш, тарбиялаш, ўқитиш ишларини юргизмайди ёки ўз даражасида назорат қилмайди.

Қаровсиз-аниқ турадиган уй-жойи йўқ, бошпанасиз назоратсиз юрган ёш ўспирин.

Назоратсиз ва қаровсиз ёш ўспиринлар махсус билим бериш муассасаларида ёки алоҳида тартибдаги ихтисослаштирилган билим бериш муассасаларига ўрнаштирилади. Шу билан қатор балоғат ёшига етмаганлар адаптация марказларига юборилади.

Бу категорияга алкоголь ичимликлар, гиёҳванд моддалар, психотроп ва одамнинг юриш — туришига жисмоний ва руҳий ҳолатига кучли таъсир этадиган бошқа зотларни фойдаланадиган, шунингдек умумий билим берадиган ўқув ўринларида ўқийдиган ва дарсларга сабабсиз бормайдиган ёш ўспиринлар киради.

Якка олдини олиш чоралари, шу билан қатор яхши руҳий аҳвол қолиплашмаган, қулайсиз оилаларга нисбатан ҳам юргизилади. Қулайсиз оила-ёш ўспиринларнинг ота-оналари ёки қонуний вакиллари уларни боқиш, тарбиялаш, ўқитиш ишларига қарамайди ёки ўз даражасида олиб бормайдиган оилалар киради.

Эътибор беринг!

Уйдан бебошлик ва ўзбошимчалик қилиб кетиб қоладиган ёш ўспиринлар полиция бўлимида қаровсиз категорияси бўйича ҳисобга олинади.

Глоссарий

Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш – ҳуқуқбузарликка бориш сабаблари билан шартларини аниқлаш, ҳуқуқбузарликни умуман йўқ қилиш ёки ҳуқуқбузарликка йўл бермаслик мақсадида давлат органларининг қўлланиладиган чоралари.

Глоссарий

Олдини олиш ишларини юргизадиган субъектлар – ҳуқуқбузарликни огоҳлантириш мақсадида объектга яхши таъсир кўрсата оладиган шахс.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш объектлари – ҳуқуқбузарликни огоҳлантириш мақсадида субъекти таъсир этадиган ижтимоий муносабатлар ва боғланишлар тизими.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Олдини олиш дегани нима? Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олишнинг мақсадини очиб кўрсатинглар.
2. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш объектлари ва субъектларини атаб ўтинг. Қозоғистон Республикасидаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш билан шуғулланадиган ташкилотларни атаб кўрсатинглар.
3. Балоғат ёшига тўлмаганларга доир олдини олиш чораларни танланг. Уларнинг мазмунини очинглар.
 - а) суҳбат;
 - б) қамоққа олиш;
 - в) ўлим жазоси;
 - г) ҳисобга олиш;
 - д) мактабдан чиқариш;
 - е) ота- оналарга жарима солиш.

Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар. Вазиятларни муҳокама қилинг ва катнашчиларнинг ҳаракатини баҳоланг.

- 16 ёшар Р. ва П. автобусда келаётганда бир- бири билан қаттиқ ҳангома қилишиб йўловчиларга кўполлик қилиб тегиб кетади, ҳақорат сўзларни айтиб, атрофидаги одамларнинг огоҳлантиришини тингламайди, улар билан эракишиб сўз қайтаришади. Ёш ўспиринлар қандай жавобгарликка тортилади? Шундай болаларга нима деб айтар эдинглар?

- 15 ёшдаги уч мактаб ўқувчиси ота- оналарига айтмай қишлоқдан шаҳарга кетиб қолишади. Улар уч кун бўйи шаҳарда бўлиб, имкониятлари бўлишига қарамай ота- оналари билан хабарлашмайдилар. Болалар уч кун дам олишиб, ота- оналари эсига ҳам тушмайди. Ота- оналари полицияга мурожаат этади. Полиция ходимлари балоғат ёшига етмаган ўспиринларни топиб, уларни қаровсизлик категорияси бўйича ҳисобга олади.

Полиция ходимлари тўғри ҳаракатда бўлдими? Балоғат ёшига етмаганларга қандай жазо тури қўлланилиши мумкин? Шу аҳволга тушган тенгқурларингизга нима маслаҳат айтар эдинглар?

Рефлексия. Юқоридаги мавзунини қанчалик даражада ўргандингиз? 1 дан 10 оралиғида баҳоланг. Қандай саволларга жавоб топа олмадингиз?



VII боб. ЖИНОЙ ХУҚУҚ

24-§. ЖИНОЙ ХУҚУҚ ТУШУНЧАСИ

Бугун дарсда:

- Жиноий ҳуқуқ тушунчаси, жиноий ҳуқуқнинг ижтимоий хизмати ва ўрнини, жиноий ҳуқуқ тизимини кўриб чиқамиз.

Асосий тушунчалар

- Жиноий ҳуқуқ
- Криминал-жиноят тушунчаси
- Декриминал-жиноят бўлмаган вазият

Жиноий ҳуқуқ — жиноий-ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси. Уни давлат ижтимоий муносабатларни жиноий тажовузкорликдан ҳимоя қилиш ва тартибга солиш мақсадида белгилайди. Жиноий ҳуқуқ жисмоний шахнинг, жамият ва давлатнинг муҳим манфаатини жиноий тажовузкорликдан ҳимоялашни амалга ошириш учун керак.

Жиноий-ҳуқуқий меъёрлар жиноий қонуннинг вазифаларини ва унинг ҳаракат қилиш доирасини, жиноий ҳуқуқбузарликнинг принциплари ва асосини, жиноий ҳуқуқбузарлик ва жиноий жавобгарлик тушунчалари ва турларини аниқлайди.

Жиноий ҳуқуқ меъёрлар Қозоғистон Республикасининг Жиноят Кодексида тасдиқланган. Аталган Кодекс 2014 йил қабул қилиниб, 2015 йил 1 январдан бошлаб ишга тушди.

Жиноий ҳуқуқни ўқиб ўрганиш борасида “жиноят-криминал тушунчаси”. “декриминал — жиноят бўлмаган вазият” тушунчалари қўлланилади. Бу жамиятда бўлаётган ўзгаришларни баҳолаш учун керак. Ҳозирги кунда жиноий ҳуқуқбузарликнинг айрим турлари жиноят деб саналмайди.



Жиноий ҳуқуқбузарлик ўзгачаликларини аниқлайдиган белгилар

Демак, бу ҳуқуқбузарликлар учун жиний жазо тайинланмайди. Масалан, уриб соғлигига енгил даражада зиён келтирилса, маъмурий жазога тортилади. Ёлгон тадбиркорлик жиний ишлар категориясидан чиқарилиб, иқтисодий ҳуқуқбузарликлар сирасига киритилиб, жазоси енгиллаштирилди. Иккинчи томондан, давлат ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларининг ҳаётига тажовузкорлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Айбдорларни узоқ муддатга, ҳатто бутун умрга қамоққа олиниш жазоси белгиланиши мумкин.

Криминал — жиний деб баҳолаш тушунчаси- жиний қонунда ҳаракати жамиятга хавfli деб баҳоланган ва жазоланиши керак дегани.

Декриминал-жиний бўлмаган вазият — ҳаракати (жиний қонундаги ҳаракатдан бошқаси) жамиятга хавф тўғдирмайдиган ва жазоланганга ётмайдиган ҳаракат ҳисобланади.

380-1-боб. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи, махсус давлат органи ходимининг, ҳарбий хизматчининг ҳаётига тажовузкорлик

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи, махсус давлат органи ходимининг, ҳарбий хизматчининг ўз хизмат бурчларини адо этиш билан боғлиқ ёки хизмат бобидаги вазифаларини бажаргани учун улардан қасд олиш мақсадида уларнинг ёки қариндош – уруғларининг ҳаётига хавф тўғдирувчи ҳаракатлар, ҳатто ўлимгача олиб борган ҳаракатларда – мулки мусодара қилиниб, ўн йилдан ўн беш йилгача муддатга қамоққа олиниш жазоси белгиланиши мумкин.

Жиний- ҳуқуқий меъёрлар жазоланган тизимини, уларни қўллаш қоидаси билан тартибини, жиний жавобгарликдан ва жазодан бўшатиш тартиби ва асосини тасдиқлайди, бошқа жиний-ҳуқуқий институтларни тартибга солади.

Жиний — ҳуқуқ муҳим ижтимоий муносабатларни (жисмоний шахсининг, давлатнинг, жамиятнинг муҳим манфаатларини) жиний тажовузликдан ҳимоя қилиш учун юзага келган. Жиний ҳуқуқнинг ижтимоий вазифаси ҳимоя қилиш ва тартибга солиш орқали амалга ошади.

Жиний ҳуқуқнинг ҳимоя қилиш вазифаси муҳим ижтимоий муносабатларга айтарлиқдай зиён келтиришга йўл бермайди. Жиний қонун жамиятга хавfli ҳаракат қилишга таъқиқ этади. Шундай қилиб, жиний қонун тасдиқланган тартибни ҳимоя қилади. Шунингдек, бир қатор қонунларда жиний қилиш мумкин бўлган шахсларнинг онгига таъсир этувчи махсус шакллар бор. Масалан, ўз хоҳишича воз кечиш; ҳаракатнинг жинийлигини йўққа чиқарадиган вазиятлар; жиний жавобгарлик ва жазодан бўшатиш ҳақида меъёрлар.

Жинойй ҳуқуқнинг тартибга солиш вазифаси-жинойй ҳуқуқ-бузарлик ясаган пайтдаги ижтимоий муносабатларни тартибга келтириш.

Бу вазият ҳуқуқий меъёрлари тарафларнинг — ҳуқуқбузарлик билан давлат орасидаги вазифалари, ҳуқуқларини тартибга солади.

Жинойй ҳуқуқ тизими Умумий ва Махсус бўлимлардан иборат (24-чизма).

24-чизма



Жинойй ҳуқуқнинг иккита таркибий бўлими- Умумий ва Махсус бўлимлари бир-бири билан бевосита боғлиқ. Махсус бўлим институтлари бутун жиноий ҳуқуқ тизимининг асоси бўлиб саналади. Чунки бунда жиноий-ҳуқуқий нормалар қўлланишининг умумий қоидалари берилган. Буларни билмай туриб, Махсус бўлимнинг битта бобини ҳам қўллаш мумкин эмас. Масалан, агар шахснинг айби бўлмаса, у ясаган ҳаракат жиноят деб саналмайди. Шунга ўхшаш жиноят бўлмаса, жиноий жазо ҳам тайинланмайди.

Иккинчи томондан, Махсус бўлимнинг меъёрлари бўлмаса, Умумий бўлимда тасдиқланган жиноий — ҳуқуқий институтлар умумий кўринишда бўлади. Шу боис, кимни бўлса ҳам жиноят ва жазонинг умумий тушунчалари асосидагина жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас.

Жиноятнинг ҳуқуқ меъёрлари жамиятда табиий турда қолипладиган яхши ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади ва жиноий ҳуқуқбузарлик ясашда юзага келган янги ижтимоий муносабатларни тартибга келтиради.

Жиной хуқуқнинг ҳимояловчилик ва тартибга солувчилик вазифалари бир-бири билан бевосита боғлиқ.

Глоссарий

Жиной хуқуқ — ижтимоий муносабатларни жиной тажовузликдан ҳимоя қилиш ва тартибга солиш мақсадида давлат белгилаган жиной хуқуқий меъёрлар тизими.

Криминал — жинойт деб баҳолаш тушунчаси-жиной қонунда ҳаракати жамиятга ҳавфли деб саналган ва жазоланиши керак деб ҳисобланади.

Декриминал — жинойт бўлмаган вазият-ҳаракатнинг (жиной қонундаги ҳаракатнинг бошқаси) бундан жамиятга ҳавфсиз ва жазолашга ётмайди деб саналади.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Жиной хуқуқни қандай муносабатлар тартибга солади?
2. Жинойт деб баҳолаш тушунчаси ва декриминал жинойт бўлмаган вазият ҳақида фикр алмашинг.

Мураккаблиги 1- даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринглар.

21-чизма

Жиной хуқуқ функциялари

Тартибга солиш	Ҳимоя қилиш

Мураккаблиги 2- даражали топшириқ. Вазиятларни муҳокама қилинг.

Дарс тугагандан кейин С. деган 7- синф ўқувчиси синф раҳбарининг илтимоси бўйича устозлар хонасига кириб, шкаф ичига синф журналинни қўяди. Лекин устозлар хонасида бировнинг сумкасидан унча катта миқдорда бўлмаган пул йўқолгани маълум бўлди. Устозлар буни С. қилди деб ўйлайди, чунки хонага охириги бўлиб С. кирган эди. С. ни чақириб тушунтириш ишларини юргизади. Тўғри ҳаракат бўлдими? Ижтимоий муносабатлар қандай меъёрлар билан тартибга солинади? Бундай вазиятда сизлар қандай ҳаракатда бўлар эдингиз?

3-даражали топшириқ. Талабаларимтиҳонга тайёрланмади. Ўқитувчилар ва университет томонидан бўладиган кўнгилсизликлардан хавотирланган талабалар ёрилғич нарса қўйилганлиги тўғрисида айтиб, университетга кўнғироқ қилади. Хавф-хатарни олдини олиш мақсадида университет хизматкорларининг ҳаммаси бинодан чиқарилади. Полиция хизматкорлари 6 соат давомида бинони текширади, лекин ҳеч нарса топа олмайди.

Қандай хуқуқ меъёрлари бузилди? Талабалар қандай жавобгарликка тортилади? Талабаларни маъмурий жавобгарликка тортиш мумкинми?

Мураккаблиги 3- даражали топшириқ. Вазиятни муҳокама қилинглар. Ёзда дискотека пайтида Д. ва К. деган балоғат ёшига тўлмаган ёш ўспиринлар 18 ёшдаги А. ни учратади. А. уларга гиёҳванд моддаларни узатиб, икковига битта-биттадан беради. Балоғат ёшига етмаган Д. бу ҳақда уйига келганда ота- онасига айтади. Келаси куни Д. пакетни олиб ота- онаси билан полиция ходимларига мурожаат этади. К. деган ёш ўспирин эса уйининг ҳовлисида ушланади. Ким қандай жазога тортилади деб ўйлайсиз? Бундай аҳволга тушадиган болаларга қандай маслаҳат берар эдингиз?

Мураккаблиги 3- даражали топшириқ. Вазиятни муҳокама қилинглари.

14 ёшдаги С. ўз дўстларининг ва атрофидагикатталарнинг кўзига тушиш учунгина 13 ёшдаги М. ни туртиб юборади. М. ўзини ушлай олмай қулаб кетади –да қаршида келаётган машинанинг тагига тушади. Олган жароҳатларидан М. иккинчи куни шифонада кўз юмади. Ёш ўспириннинг ўлими учун ким жавоб беради? Йўл четида ўйнаб юрадиган болаларга қандай тавсиялар берар эдингиз?

Рефлексия. Юқоридаги мавзунини қанчалик даражада ўргандингиз? (1-дан 10 гача баҳоланг). Сиз учун қандай саволлар тушунарли бўлмади? Жиний жавобгарлик тушунчаси

25-§. ЖИНОЙ ХУҚУҚБУЗАРЛИК ТУШУНЧАСИ

Бугун дарсда:

- «хуқуқбузарлик тушунчасининг турлари билан белгиларини ўқиб ўрганамиз

Асосий тушунчалар

- жиний хуқуқбузарлик
- жиний хуқуқбузарлик таркиби
- жиний хуқуқбузарлик турлари

Жиний хуқуқбузарлик – жисмоний шахсининг жамиятга, давлатга ёки бошқа шахсга зардоб келтирадиган ва охири жиний жавобгарликка олиб борадиган хуқуққа қарши, айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Жиний хуқуқбузарлик белгилари:

- жамиятга хавфлилиги, зиёнли тарафининг бўлиши;
- хуқуққа қарши;
- айблилик;
- жиний жазонинг бўлиши;
- ҳаракат ёки ҳаракатсизлик туридаги ҳаракат.

Жиний хуқуқбузарликлар қонун билан таъқиқланган. Улар Қ. Р. «Жиний кодекси» билан Қ. Р. Жиний — «процессуал кодекси» да кўриб чиқилади.

Жиний хуқуқбузарликлар жиноят ва жиний хатти-ҳаракат тескари қилиқ бўлиб бўлинади.

Жиноят жамиятга хавфлигининг (зиёнлигининг) юқори даражаси билан фарқланади. У жамиятнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган муҳим, етакчи манфаатларига нуқсон келтиради. Содир этилган жиноят учун қонун жиддий жазолаш чораларини қўллайди, масалан эркинликдан маҳрум қилиш, катта ҳажмда жарима тўлаб бериш ва ҳ. к.

Жиний хатти-ҳаракат жамиятга катта хавф келтирмайдиган, озгина зиён келтирадиган ёки давлатга, жамиятга, жисмоний шахсга зиён келтирадиган хавфли ҳаракат. Содир этилган жиний хатти ҳаракат учун жарима, тузатиш ишларига жаб қилиш, ижтимоий ишларга тортиш, қамоққа олиш туридаги жазолар берилади. Содир этилган жиний хатти ҳаракат учун судга тортилмайди.



Жиноий Кодекс



Жиноий – процессуал Кодекс

БУ ҚИЗИҚ!

Ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш учун қуйидаги критерийлар қўлланади:

- а) нуқсон келтирилган объектга айланган ижтимоий муносабатнинг муҳимлиги;
- б) келтирилган зиённинг ҳажми;
- в) ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг содир этилган ўрни, вақти ва усули;
- г) ҳуқуқбузарликнинг шахси

Жиноят ва унинг турлари. Жиноят тўрт гуруҳга бўлинади:

- 1) оғир бўлмаган жиноятлар;
- 2) оғирлиги ўртача жиноятлар;
- 3) оғир жиноятлар;
- 4) ўта оғир жиноятлар.

- Оғир бўлмаган жиноятларга атайиндан содир этилган ҳаракат ёки эҳтиётсизликдан содир этилган ҳаракат киради. Атайиндан содир этилган ҳаракат учун бериладиган энг юқори жазо икки йилдан ошмайдиган муддатдаги эркинликдан маҳрум этиш; эҳтиётсизликда содир этилган ҳаракат учун бериладиган энг юқори жазо – беш йилдан ошмайдиган муддатдаги эркинликдан маҳрум этиш киради.
- оғирлиги ўртача жиноятларга атайин содир этилган ва эҳтиётсизликда содир этилган ҳаракатлар киради. Атайлаб содир этилган ҳаракатларга бериладиган энг юқори жазо беш йилдан ошмайдиган муддатга эркинлигидан маҳрум этиш; эҳтиётсизликда содир этилган ҳаракатга бериладиган энг юқори жазо беш йилдан ошмайдиган муддатга эркинликдан маҳрум этиш.
- оғир жиноятларга атайин содир этилган ҳаракатлар киради. Атайиндан содир этилган ҳаракатларга бериладиган энг юқори жазо ўн икки йилдан ошмайдиган муддатга эркинликдан маҳрум этиш.

— ўта оғир жиноятларга атайиндан содир этилган ҳаракатлар киради. Атайин содир этилган ҳаракатларга бериладиган энг юқори жазо ўн икки йилдан ошадиган муддатга эркинлигидан маҳрум этиш.

Ҳар қандай жиноятнинг жамиятга ҳавфлилик даражаси жазолаш ҳажмидан келиб чиқади. Қўйилган айбнинг тури жиноятни тизимлаштиришнинг қўшимча критерийлари бўлиб саналади. Шунинг учун атайин содир этилган жиноятлар, эҳтиётсизликда содир этилган жиноятлар ҳам унча оғир бўлмаган жиноятлар билан оғирлиги ўртача жиноятларга киради. Оғир жиноятлар билан ўта оғир жиноятлар фақатгина атайин содир этиладиган. Жиноят категориялари жазолаш ҳажмини аниқлашга, вақт муддатидан ўтиб кетишига боғлиқ жинойий жавобгарликдан бўшатишга, муддатидан бурун шартли турда бўшатиш, судланганликни олиб ташлаш билан умуман йўқ қилишга таъсирини кўрсатади.

Жинойий ҳуқуқбузарликнинг қонуний таркиби деганимиз — жинойий жавобгарлик тайинлашга керак ҳуқуқбузарлик белгиларининг тизими.

Қонун илмида ҳуқуқбузарликнинг қуйидаги элементлари фарқланади:

1. *Ҳуқуқбузарлик субъекти* — ҳуқуққа қарши ҳаракат содир этган жисмоний шахс. Деликт қобилияти, яъни аниқ бир белгиларга тўғри келадиган жисмоний шахслар субъекти бўлиб ҳисобланади. Аниқ белгиларга қонун тайинлайдиган ёш ўлчови билан ақл-эсининг дурустлиги киради. Қонун белгилаган ёш ўлчови: 14, 16, 18 ёшлар.

Ақл-эси дуруст деб жиноят содир этган вақтда ўз ҳаракатининг жамиятга ҳавфлиги билан аниқ сифатини билган ва шуни бошчиликка олган жисмоний шахс ҳисобланади.



Одил суд атрибутлари

Ақл-эси дуруст эмас деб жиноят содир этган вақтда ўз ҳаракатининг (ҳаракатсизлигининг) жамиятга хавфлиги билан аниқ сифатини англай олмаган, ўзининг сурункали руҳий, вақтинчалик руҳий касаллигини ва бошқа руҳий касалликларининг борлигидан бошчиликка ола олмаган жисмоний шахс ҳисобланади. Ақл-эси дуруст бўлмаган одам жиноят субъекти бўла олмайди. Шунинг учун у жиноий жазога тортилмайди. Бундай одамларга мажбурлаш чоралари қўлланилади.

2. *Ҳуқуқбузарлик объекти* — унга жиноий ҳуқуқбузарлик нуқсон келтиради. Ижтимоий муносабатлар ҳуқуқбузарлигининг умумий объекти бўлиб ҳисобланади. Бу объектлар-инсон ҳаёти, соғлиқ, хусусий мулк, манфаатлар ва бошқа. Масалан, камситиш-фуқароларнинг ор-номусига, ўғирлик-хусусий мулкка, безорлик-ижтимоий тартибга нуқсон келтиради.

3. *Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони-ҳуқуққа қарши ҳаракатнинг сиртдан билиниши*: ҳаракатнинг ўзи, шу ҳаракатни содир этиш усули, натижаси ёки зиёнли оқибатлари, содир этилган ҳаракат билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабаб боғланишлари киради. Ҳаракат-одамнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги турида бўлади. Ақл-ўйи билан ирода кучининг назоратида бўладиган уқувлиги — тартиби ифодасида намоён бўлади. Одам ўз иродасидан ташқари куч қўллаш орқали содир этган ҳаракати ҳуқуқбузарлик бўлиб ҳисобланмайди. Зарар-мулккий, мулккий бўлмаган, уюштирилган, якка ва бошқа турдаги кўринишлар. Ҳуқуқбузарликнинг содир этилган ўрни, вақти, объектив томони ҳисобга олинади.

4. *Ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони жисмоний шахснинг ўз ҳаракати билан унинг оқибатларига бўлган субъектив муносабатларни кўрсатадиган белгилар йиғиндиси*. Бу ердаги асосий категорияга

БУ ҚИЗИҚ!

Қадимги замонда Россияда тартиб бузувчининг айбини далиллаш учун халқ усуллари фойдаланилган. Бу вазиятда тартиб бузувчининг ошкора бўлиши кўрқинчи билан ички туйғусига суянган. “Ўғрининг бош кийими ўртанади” деган сўз эскидан қолган. Бир деҳқоннинг пули ўғирланади. Қишлоқ одамларини йиғиб, “Ким айбдор?” деган савол қўйилади. Ҳеч ким бўйнига олмайди. Тўсатдан йиғилганларнинг бири “ана ўғрининг бош кийими ўртаняпти” деб бақиради. Ҳақиқий ўғри бош кийимига қўли билан чирмашиб, ўзини ошкора қилиб қўяди.

Африкада ҳам шунга ўхшаган ривоят бор. Бир қарияни тўнаб кетишади. У ўзининг найзасини олиб, шу воқеани муҳокама қилиб турган бир гуруҳ қавмдошларига боради.

Уларга яқинлашиб бориб, қария қуролини кўтариб: “Найза ўғрини ўлдир” деб қичқиради. Айбдор шу заҳоти югуриб қочади. “Ўғирликни кўрқинч ошкора этади”.



Айбланувчи

айб, сабаб ва мақсади киради. Айб — ҳуқуқбузарнинг ўз ҳаракатига бўлган руҳий муносабати.

Айбнинг икки тури бор: атайлаб ва эҳтиётсизликдан қилинган.

Атайлаб содир этилган — ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракатининг (масалан, ўғирлик қилиш, маъмурий тартибга бўйсунмаслик ва бошқалар) жамиятга зиён келтирадиган оқибатларнинг бўлиши мумкин эканлигини олдиндан билади ва шунга интилади.

Атайлаб содир этилганнинг ўз икки турга бўлинади: тўғри, воситасиз — жисмоний шахс ўз ҳаракатининг (ёки ҳаракатсизлигининг) жамиятга хавфининг оқибатларини олдиндан билади ва шуни хоҳлайди; воситали — жисмоний шахс ўз ҳаракатининг (ёки ҳаракатсизлигининг) жамиятга хавфли оқибатлари борлигини олдиндан билади, бироқ хоҳламаса ҳам шунга онгли турда йўл қўяди.

Эҳтиётсизликда содир этилганнинг ҳам икки тури бўлади: ҳаддан ташқари ўзига ишониш-жисмоний шахс ўз ҳаракатининг жамиятга хавфли оқибатлари бўлишини олдиндан билади, бироқ уни айланиб ўтишга бўлади, деб юзаки кўз қарашда бўлади (масалан, ҳайдовчи техникалик талабларга жавоб бермайдиган машинада йўлга чиқади, агар офат юз берадиган бўлса, ўзига ҳаддан ташқари ишончли бўлганлиги учун айбдор ҳисобланади); бепарволик — жисмоний шахс ўз ҳаракатининг жамиятга хавфли оқибатлари бўлишини олдиндан билмайди, бироқ билиши ёки билиб олиши мумкин эди (масалан, машина ҳайдовчиси йўлга чиқишдан аввал машинанинг техникалик аҳволини текширмайди ва офатга учрайди).

Сабаб, мотив — ҳуқуқбузарликка ичидан интилиш.

Мақсад-ҳуқуқбузарликнинг ҳуқуққа қарши ҳаракат содир этишдаги сўнгги натижа зарлик.

Шу боис жиноий ҳуқуқбузарлик деганимиз – давлатга, жамият билан якка шахсга зиёни тегизадиган ҳуқуққа қарши айбли ҳаракат. Жиноий ҳуқуқбузарлик учун жиноий жавобгарлик тайинланади.

Глоссарий

Ҳуқуқбузарлик — деликт қобилиятли якка шахснинг давлат, жамият ва якка шахснинг манфаатига зарар келтирадиган, ҳуқуққа қарши айбли ҳаракати (ҳаракатсизлиги).

Жиноят — жазолашга олиб борадиган, қонун доирасида таъқиқланган, жамиятга алоҳида, ҳавфли, айбли ҳаракат. Жиноят жамиятнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган махсус муҳим манфаатигануқсон келтириш. Содир этилган жиноят учун қонун эркинликдан маҳрум этади, катта ҳажмдаги жарима тўлаш ва бошқа оғир жазолар тайинланади.

Жиноий хулқ атвор — айбдорнинг жиноий ҳуқуқ меъёрини бузиш ҳаракати (ҳаракатсизлиги). Жиноий хулқ атвор жамиятга катта хавфни юзага келтирмайди, арзимаган зиён келтиради ёки давлат жамиятга ташкилотга, жисмоний шахсга шундай зиён келтириш хавфини туғдиради. Жиноий хулқ атвор учун жарима, тузатиш ишлари, ижтимоий ишларга тортиш, қамоққа олиш каби жазолар тайинланади. Жиноий хулқ атвор содир этганлар судланмайди.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Ҳуқуқбузарликка изоҳ беринглар ва унинг белгиларини кўрсатинглар.
2. Жиноий ҳуқуқбузарлик билан хатти-ҳаракат бир-биридан қандай фарқланади?
3. Ҳуқуқбузарликнинг таркиби ифодасини аниқланглар.

Мураккаблиги 1- даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринглар.

22-жадвал

Жиноий ҳуқуқбузарлик таркиби

Объект	Объектив томони	Субъект	Субъектив томони

2-даражали топшириқ. Жадвални тўлдиринг.

23-жадвал

Айб турлари

Атайлаб	Эҳтиётсизликдан

Рефлексия. Мавзунини қанчалик ўзлаштирганингизни баҳоланг (1 дан 10 га)? Қандай саволлар сизларга тушунарли бўлмади?

26-§. ЖИНОЙЙ ЖАВОБГАРЛИК

Бугунги дарсда:

- жиноий жавобгарлик тушунчаси билан танишамиз;
- жиноий жавобгарликка тортишнинг хусусиятлари ҳақида биламиз;
- жиноий жазо турлари ҳақида биламиз;
- жиноий вазиятларни муҳокама қиламиз.

Асосий тушунчалар

- жиноий жавобгарлик
- жазо турлари
- ҳуқуқий вазиятлар

Жиноий жавобгарлик тушунчаси Жиноий- ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқбузарлик содир этган шахс билан давлат бошқарув органининг ўртасида юзага келади. Бундай муносабатларнинг суд тайинлайдиган жиноий жазо турида ҳуқуқий оқибатлари бўлади. Жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ҳаракатга қобилиятли бўлиши керак, яъни у ўз ҳаракатининг жиноий қонунга тескари келишини, унга таъқиқ солиниши ва бу учун ижтимоий жазо тайинланишини билиши керак.

Жиноий жавобгарликка 16 ёшга тўлган жисмоний шахс тортилади. Ўта оғир жиноий ҳуқуқбузарлик учун 14 ёшдан жавобгарликка тортилади.

Бундай жиноий ҳуқуқбузарлик турлари Қозоғистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 15-бобида қаралади.

Масалан, одам ўлдириш, соғлигига атайиндан оғир зиён келтириш, зўрлаш, безорилик, тўнаш, ўғирлик, шантаж, террористик ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар ҳақида ёлғон хабар бериш, вандализм, одам ўғирлаш, машина транспортини ўғирлаб кетиш ва бошқалар.

Жиноий жавобгарликка тортиш тартиби Қозоғистон Республикаси Жиноий — процессуал Кодексида кўрилади. Аталган Кодекс 2014 йил 4 июлида қабул қилинган.

Ёдда сақланг!

Қозоғистон Республикасининг 140-бобида балоғат ёшига тўлмаган болаларни тарбия қилиш мажбуриятини бажармагани учун ота- онасини жиноий жавобгарликка тортишни кўзлаштиради. Бола тарбиясига жавобгарлиги ва ваколати бор шахслар ҳам худди шундай жавобгарликка тортилади. Шу билан бу жавобгарлик балоғат ёшига етмаган бола тарбиясини назорат қилувчи шахслар ўқитувчилари ёки бошқа хизматчилар бўлиши мумкин. Бундай ҳаракатларга ётадиган :балоғат ёшига тўлмаганларнинг алкоголь ичимликлар, психотроп моддалар, нерв система- сига таъсирини кўрсатувчи ва шунга ўхшаш нарсаларни қўллаши ёки бебошлик ва тиланчилик билан шуғулланиши ёки таркибида жиноий ҳаракатларнинг бўлиши, атайиндан жиноий тартибсизлик ёки маъмурий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйиш ҳаракатлар.

Агар жиноий ҳуқуқбузарлик таркибининг белгилари бор бўлса, жиноий ижро этиш органлари, прокуратура, Миллий хавфсизлик комитети иш қўзғайди.

Жиноий тергаш ишларини амалга оширадиган органлар таркибига: терговчи, криминал полицияси ходимлари, участка полиция инспектори, Қозоғистон Республикасининг Қуролли кучларининг Ҳарбий полиция ходимлари, Қозоғистон Республикасининг Ички Ишлар Вазирлигининг Ҳарбий тергаш департаментининг ходимлари киради.



Суд ўтириш зали

Жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс айб қўйилган пайтдан бошлаб гумонликдаги шахс деб саналади. Прокурорнинг айбланиш акти тасдиқлангандан кейин айбланувчи деб, суд борасида судланувчи деб ҳисобланади. Суд ечими чиққандан кейин судланган деб саналади.

Жиноий жавобгарликка тортиш учуш етарли даражада ва аниқ далиллар бўлиши керак.

Жиноий жавобгарнинг хусусиятларини кўриб чиқайлик.

1. Жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракатига жавоб бериши шарт. Давлатнинг жавобгарлик белгилашга ҳуқуқи бор.

2. Айбдор шахс ўзининг эркинлиги ва конституцион ҳуқуқининг сақланишини талаб этишга ҳуқуқи бор. Давлат куч кўрсатмай ёки инсонпарварлик принципларини сақлаган ҳолда ҳуқуқбузар билан қонун асосида иш юритади.

3. Жиноят содир этиш айбдор ва давлат ўртасида махсус ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келишига олиб келадиган қонуний факт бўлиб ҳисобланади.

Ёддасақланг!

Жиноят содир этган одамнинг, бир томондан, жавобгарлик вазифаси, иккинчи томондан – бу жавобгарликни қонун белгилаган доирада чеклаш ҳуқуқи бор.

4. Жиноий жавобгарликка тортиш бир неча босқичлардан иборат. Булар судгача бўлган тергов ишлари, жиноий ишни прокуратура ва суд томонидан кўрилиши.

5. Жиноий жавобгарлик жиноятга тайёргарлиги, уни содир этишга ҳаракати, бирлашиб содир этилган жиноятлардан келиб чиқади.

6. Жиноий жавобгарлик очик турда бўлади. Давлат – жиноий жавобгарликка тортишга ва уни қўллашга ваколатли органлар бор биргина субъект бўлиб ҳисобланади. Жиноий жазони суд белгилайди.

7. Жиноий жавобгарлик якка характерга эга. Бу коррупция ёки гуруҳ бўлиб жавобгарлик принципи бўйича уни қўллаш мумкин эмаслигини билдиради.

Жиноий жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган вазиятлар бўлади. (ҚР Жиноят Кодекси 53-54 боблари)

Эътибор беринг!

53-боб. Жиноий жавобгарлик билан жазони енгиллаштирадиган шароитлар

1. Қуйидаги шарт-шароитлар жиноий жавобгарлик ва жазони енгиллаштиради:

- 1) тасодифан содир этилган, биринчи марта тескари қилиқ ёки оғирлиги ўртача жиноят содир этиш;

- 2) айбдорнинг балоғат ёшига етмаслиги;

- 3) ҳомиладорлик;

- 4) айбланувчининг ёш болаларининг бўлиши;

- 5) жиноятни содир этган тақдирда ҳам агар медициналик ёки бошқа ёрдамни талаб этадиган бўлса кўрсатилади;

- 6) жиноий ҳуқуқбузарлик оқибатидан келтирилган мулкый зарарни ўз хоҳиши бўйича қайта тиклаб бериш, жиноий ҳуқуқбузарлик билан келтирилган руҳий зиённинг ўрнини тўлдириш;

- 7) шахсий бошидаги, оилавий ёки ўзга оғир шароитлари асосида, шунингдек ичи ачиганлиги сабаблигидан жиноят содир этиш;

- 8) куч кўрсатиб ёки руҳий қийнаш, мажбурлаш орқали, бировга бўйсунуш ёки қарамида бўлиш асосида бўлган жиноят;

- 9) ўзини ҳимоя қилиш ва иложи йўқлигидан содир этилган жиноят, жиноят содир этган шахсни ушлаш пайтида, тергов ишларини амалга ошириш пайтида жиноий ҳуқуқбузарлик содир этиш;

- 10) жабр кўрганнинг жиноий ҳуқуқбузарликка туртки бўлган қонунга қарши ёки ахлоққа тескари хулқи бўлган пайтда;

- 11) айбланувчининг ўз айбига иқроор бўлиши, ҳуқуқбузарликни очишда, жиноий ҳуқуқбузарликнинг бошқа қатнашчиларини ошкора қилишга ёрдам берса, жиноий ҳуқуқбузарлик натижасида олинган мулкни излашга ёрдам бериш ҳаракатлари бўлса.

54-боб. Жиноий жавобгарлик ва жазони оғирлаштирадиган шароитлар

1. Қуйидагилар жиноий жавобгарлик билан жазони оғирлаштирадиган шароитлар деб ҳисобланади:

- 1) жиноий ҳуқуқбузарликларнинг бир неча марта содир этилиши, жиноятларнинг қайталаниши, жиноятлар хавфлигининг қайталаниши;

- 2) жиноий ҳуқуқбузарлик натажасида оғир зиён етказиш;

- 3) жиноий ҳуқуқбузарликни одамлар гуруҳининг, олдиндан келишиб олиш орқали содир этилиши, жиноий гуруҳ таркибида бўлиш фактлари;
4) жиноий ҳуқуқбузарлик содир этганда етакчи ролда бўлиш ва бошқалар.

Жазо деганимиз – суд ечими бўйича белгиланган давлат мажбурлаш чоралари. Жазо жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган айбланувчига белгиланади. Жазонинг асосий турлари- айби бор шахснинг эркинлиги ва ҳуқуқларини чеклаш ёки маҳрум этиш. Жазолаш ижтимоий адолатлиликни қолипига келтириш, шу билан бирга судланувчининг феъл-атвориغا ижобий таъсир этиб тузатишга ҳаракат қилиш ва янги жиноятларни содир этишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Ёдда сақланг!

Жисмоний азоб бериш ёки одамнинг обрўйини тушириш кабилар – жазолаш мақсадига кирмайди.

Жиноий хатти-ҳаракат содир этди деб айбланган шахсга қўлланилиши мумкин бўлган асосий жазолар:

- жарима;
- тузатиш ишлари;
- жамоат ишларига жалб қилиш;
- қамоққа олиш;
- чет эл фуқароси ёки фуқаролиги йўқ шахсларни мамлакатдан чиқариб юбориш.

Жиноят содир этди деб айбланган шахсга қўлланилиши мумкин асосий жазолар:

- жарима;
- тузатиш ишлари;
- жамоат ишларига қатнаштириш;
- эркинлигидан маҳрум этиш.

Қўшимча жазолар:

- мулкни мусодара қилиш;
- махсус, ҳарбий ёки бошқа унвонларидан, даражаларидан, давлат мукофотларидан маҳрум этиш;
- аниқ бир хизмат ёки белгили бир ҳаракат билан шуғулланиш ҳуқуқидан айириш.

- Қозоғистон Республикаси фуқаролигидан маҳрум этиш;
- Чет элликларни ёки фуқаролиги йўқ шахсларни Қозоғистон Республикасидан депортация қилиш, яъни чиқариб юбориш.

Қозоғистон Республикасининг Жиноят Кодексида тўғри кўрсатилган вазиятларда жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс жиноий жавобгарликдан бўшатилади.

Эътибор беринг!

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 5- бўлими. Жиноят жавобгарликдан ва жазодан бўшатиш

- 65-боб. Чин кўнгилдан содир этган жинояти учун ачиниш ҳисси бўлса;
- 66-боб. Ҳимоя қилиш учун боғлиқ бўлган ҳаракат бўлса;
- 67-боб. Процесс шарт талабларини бажарган вақтда;
- 68-боб. Тотувлашувга боғлиқ бўлган вазиятда
- 74-боб. Ҳомиладор аёлларнинг ва ёш болалари бор аёлларнинг, ёш болаларини ёлғиз ўзи тарбиялаб ўтирган эр кишиларнинг жазо ўташ муддати кейинга қолдирилади;
- 75-боб. Касалликка дучор бўлиши сабабли жазодан бўшатиш;
- 76-боб. Оғир вазиятга дуч келганлиги сабабли жазодан бўшатилиши ёки жазони ўташни кейинга қолдириш;
- 78-боб. Раҳм кўрсатиш ёки кечирим сўраш асосида амалга оширилади.

Жиноий жавобгарликдан бўшатиш жиноятнинг барча турларига бирдай эмас. Қоида бўйича, содир этилган ҳаракат енгил ёки оғирлиги ўрта даражали бўлиши керак.

Шундай қилиб, жиноий жавобгарлик- жиноий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун бериладиган қонуний жавобгарликнинг бир тури.

Жиноий жавобгарлик- жиноят содир этгани учун шахсга тайинланадиган жазони ўташ мажбурияти. Жазо якка ёки мулкый характерда ҳуқуқидан маҳрум этиш турида белгиланади ва шахсни содир этган жинояти учун уялтириш, уни тузатиш ва қайта тарбиялаш, шунингдек қатор бошқа шахсларни жиноят содир этишдан узоқ бўлиши учун қўлланилади.

Глоссарий

Жазо — жиноий ҳуқуқбузарлик содир этгани учун суднинг ечими билан тайинланадиган давлат мажбурлаш чоралари.

Жиноий жавобгарлик — айбланувчига жазо турида қўлланиладиган давлат мажбурлаш чораси, содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибатлари.

Жиноий жавобгарликка тортиш — жиноят содир этган субъектга боғлиқ судгача бўлган тергов ишининг бошланиши, суднинг ишни қараши.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Қонунга қарши ҳаракатлари учун жиноий жавобгарликка тортишнинг хусусиятларини аниқланглар.
2. Қандай давлат органи шахсни жиноий жавобгарликка торта олади?
3. Жазолашнинг мақсадини очиб кўрсатинг.
4. Жиноий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс қандай вазиятларда жиноий жавобгарликдан бўшатилади?

Мураккаблиги 2- даражали топшириқ. Вазиятларни таҳлил қилинг.

1) Балоғат ёшига тўлмаган Б. ва А. деган дўстлар (15 ёш) шаҳарда айланиб келиш мақсадида бегона бировнинг автомашинасини ҳайдаб кетиб қолишади. Айланиб бўлгандан кейин улар машинанинг аккумуляторини, ойнасини, магнитофонини ва филдиракларини ечиб сотиб юборишади. Пулни ўз эҳтиёжларига яратиб юборишади. Иккови ушлангандан кейин автомашинани тўнаш учун ҳайдаб кетишмагани ҳақида айтишди. Б. ва А. бегона автомашинани ҳайдаб кетишгани учун жиноий жавобгарликка тортиладими? Б. ва А. ўғирлик қилишгани учун жиноий жавобгарликка тортиладими? Саволларга жавоб бериш учун ҚР ЖК 200- боби ва 188- бобини ўқинглар (иккинчи бўлим).

2) 9- синфда ўқийдиган А., С., ва Н. деган уч дўсти Н. нинг қариндошининг уйида кинофильм кўриб, мусиқа тинглаб, кечни кўнгилли ўтказмоқчи бўлди. Уйнинг эгаси калитни Н. -га қолдириб, ўзи шаҳар сиртига дам олишга кетади.

Эрталаб С. ва А. уй эгасининг ўзларига ёққан қимматбаҳо нарсаларини (тўнлар, кўйлақлар, олтин буюмлар) олиб кетди. Уй эгаси қимматли буюмларнинг ўғирланганлигини билиб, суд органларига мурожаат этди. Жиноий иш очилиб, мактаб ўқувчилари С. ва А. полиция ходимлари томонидан ушланди.

Мактаб ўқувчилари бегона буюмларни олгани билан келишишади. Шундай бўлса ҳам, дўсти Н. уйга ўзи чақирганини, уй эгасининг буюмларни фойдаланишга ва олиб кетишга рухсат берганини айтади. С. ва А. буюмларни барини сотиб юбориб, тушган пулни шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишган.

А., С., ва Н. Учови жиноий жазога тортиладими? Ҳар бирининг қанчалик даражада айби бор эканлигини аниқланглар. Келтирилган зиённи ким тўлайди?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқ. Ота-оналарнингизга ўз мажбуриятларингиз ва ҳуқуқларингиз ҳақида гапириб беринг, ота-оналар ва болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини солиштиринг. Спиртли ичимлик ичадиган, гиёҳванд ва психотроп моддалар фойдаланадиган, кўча – кўйда хайр- эҳсон сўраб юрадиган ёш ўспиринларга нима деб айтар эдингиз?

Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар. Қуйидаги ҳаракатларни муҳокама қилиб, солиштиринглар.

- Ўғирлик – бошқа бегона бировнинг мулкни яширин ҳолатда олиб кўйиш.
- Тўнаш – бошқа бегона бировнинг мулкни очикдан – очик босиб олиб кўйиш.
- Қароқчилик – бошқа бегона бировнинг мулкни ўғирлаш мақсадида одам ҳаёти ва соғлигига ҳавфликуч қўллаш ёки шунга ўхшаш зўравонлик кўрсатиш ҳаракатларини қўллаш орқали кўрқитиб босиб олиш.

Ушбу ҳаракатлар нимаси билан фарқланади?

Нима учун қароқчилик жиноятнинг энг оғир тури бўлиб саналади? Нима учун унинг якуни оғир жазолаш турига олиб боради? Майда ўғирлик содир этгани учун яқка шахс қандай ҳуқуқий жавобгарликка тортилади? Майда қароқчилик ёки майда ўғирлик деган тушунчалар борми? Илмий тадқиқот ишларини юргизинг. Жиноят Кодекси билан илмий адабиётларни кўриб чиқинг.

Рефлексия. Мавзуни қанчалик ўргандингиз? 1-10 оралиғида баҳоланг. Қандай саволларга жавоб топа олмадингиз?

27-§. ПОРАХЎРЛИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ

Бугунги дарсда:

- Порахўрликка қарши ҳуқуқий актларини кўриб чиқамиз;
- Порахўрлик ҳуқуқбузарлик субъектларини аниқлаймиз.

Асосий тушунчалар

- порахўрлик
- порахўрлик ҳуқуқбузарлик турлари
- порахўрлик ҳуқуқбузарлик субъектлари

Порахўрлик масаласи бугунги кунда ижтимоий ҳаётнинг кўпчилик жабҳаларида ўз ифодасини топиши мумкин бўлган салбий факторлардан бири ҳисобланади.

Порахўрлик-якка турда ёки ўртада воситачилар орқали мулкка эга бўлиш ёки бошқа кўринишлардан фойдалана олиш учун давлат функцияларидан ўз манфаатида фойдаланиш. Бундай ҳаракатлар жамият ва давлатнинг манфаатларига қарама – қарши келади. Порахўрлик ҳуқуқбузарлик содир этгани учун шахс маъмурий жазо ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

Бугунги кунда Қозоғистонда фуқароларнинг умр суриш даражасини кўтариш, миллий иқтисоднинг ривожланишига шароит ясаш, бизнес юргизиш шароитларини енгиллаштириш, аҳолининг ижтимоий фаоллигини

ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида электрон туридаги ҳукумат ишига диққат қаратилмоқда.

Ёдда сақланг!

Порахўрлик деганимиз давлатбошқаруви функцияларидан тескари фойдаланиш, шахсий фойдаси учун лавозимли шахсларни порага сотиб олиш. Порахўрлик қонунга ва жамиятнинг ахлоқий қоидаларига қарши келиш.

“Қозоғистон Республикасининг 2015-2025 йилларга мўлжалланган порахўрликка қарши стратегияси “- порахўрликка қарши сиёсатнинг асоси бўлади. Ушбу ҳужжат Қозоғистон Республикаси Президентининг Фармони билан 2014 йил 26 декабрда тасдиқланган.

2015й. 18 ноябрда Қозоғистон Республикасининг “Порахўрликка қарши ҳаракат” тўғрисидаги қонуни қабул қилинди.

1-боб: “Порахўрлик – давлат лавозимида бўлган шахсларнинг, давлат функцияларини бажаришга ваколатлик берилган шахсларга тенглаштирилган шахсларнинг, лавозимли шахсларнинг ўзларининг хизмат ваколатларини ва шунга боғлиқ имкониятларидан якка ўзи ёки воситачилар орқали ўзига ёки учинчи шахсларга мулкӣ ёки бошқа қадр-қимматга эга бўлган

мулк олиш мақсадида ноқонуний фойдаланиши, шунга ўхшаш кўринишлар орқали ваколатлиги бор шахсларни порага сотиб олиш”.

Порахўрлик ҳуқуқбузарлик субъектлари — давлат функцияларини бажарувчи вакиллар ва уларга тенглаштирилган шахслар киради.

Давлат функцияларини бажаришга ваколатли шахслар:

1) Барча лавозимдаги шахслар, Парламент ва Маслаҳат депутатлари, судлар;

2) Қозоғистон Республикасининг давлат хизмати тўғрисида қонунига биноан барча давлат хизматчилари.

Давлат функцияларини бажаришга ваколат берилган шахсларга тенглаштирилганлар:

1) Маҳаллий ўзини – ўзи бошқариш органларига сайланган шахслар;

2) Қозоғистон Республикасининг қонунда белгиланган тартиб билан Қозоғистон Республикасининг Президентлигига, Қозоғистон Республикаси Парламентининг ёки маслаҳатларнинг депутатлигига, вилоят аҳамияти бор шаҳарларнинг, овул, овул округларнинг ҳокимлигига, шу билан маҳаллий ўзини- ўзи бошқариш сайланадиган органининг аъзолигига номзодлар сифатида қўйилган фуқаролар;

3) Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органида туроқли ёки вақтинча ишлайдиган, меҳнатига маош тўланадиган Қозоғистон Республикасининг давлат бюджет ҳаражатларини юргизадиган хизматчи;

4) Давлат ташкилотда ёки нодавлат сектор субъектида бошқарувчилик функцияларни бажарадиган шахс, Қозоғистон Республикаси Миллий Банки билан унга қарайдиган муассасалар хизматчилари;

Порахўрлик субъектларига, шунингдек қатор лавозимли шахсларнинг ва бошқа давлат функцияларини бажаришга ваколат берилган шахсларни ва уларга тенглаштирилганларни, мулкый бойликларни қонунга қарши берадиган шахсларни порага сотиб оладиган якка ёки юридик шахслар киради.

Порахўрлик ҳуқуқбузарлик субъектлари порахўрлик жиноят содир этгани учун 16 ёшдан бошлаб жиноий жавобгарликка тортилади.

Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексида порахўрлик ҳуқуқбузарлик турлари кўрсатилган. Барча порахўрлик жиноий ҳуқуқбузарликлари жиноят бўлиб ҳисобланади, яъни жамиятга хавфи бор, давлатга, жамиятга, якка шахсга катта зиён келтиради. Унга жарима тўлаш, тузатиш ишлари, эркинлигини чеклаш, эркинликдан маҳрум этиш, мулкани мусодара қилиш, маълум бир лавозимда бўлиш ёки маълум бир хизмат билан шуғулланиш ҳуқуқидан бутун умрга айрилиш каби жазо турлари қўлланилади.

Қозғастон Республикасининг Жиноят Кодекси:

- 361-боб- Лавозимлик ваколатлардан тескари фойдаланиш;
- 362-боб- Бошқарув ёки лавозимлик ваколатлардан ҳаддан ташқари ошириб фойдаланиш;
- 363-боб- Лавозимли шахсинг ваколатликларини эгаллаб
- 4) 364-боб- Тадбиркорлик хизматга қонунсиз қатнашиш;
- 5) 365-боб- Қонуний тадбиркорлик хизматига ҳалақит бериш;
- 6) 366-боб- Пора олиш;
- 7) 367-боб Пора бериш;
- 8) 368-боб Порахўрликка воситалик қилиш;
- 9) 369-боб Хизмат бобида ёлғон ҳаракатлардан фойдаланиш;
- 10) 370-боб Хизматдаги ҳаракатсизлик
- 11) 371-боб Ўз ишига бепарволик билан қараш.

Порахўрлик ҳуқуқбузарликлар, шу билан қатор “Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида” Қ Р Кодексида кўрсатилган. Маъмурий ҳуқуқда порохўрлик ҳуқуқбузарлиги учун жарима солинади.

Қозғастон Республикасининг “Маъмурий ҳуқуқбузарлиги ҳақида” Кодекси

- 1) 676-боб: Жисмоний шахсинг қонунсиз моддий совға бериши;
- 2) 677-боб: Давлат функцияларини бажаришда ваколат берилган шахсинг ёки унга тенглаштирилган шахсинг қонунсиз моддий совға олиши;
- 3) 678-боб: Юридик шахсинг қонунсиз моддий совға бериши;
- 4) 679-боб: Давлат органлари билан маҳаллий ўзини- ўзи бошқариш органларининг қонунсиз тадбиркорлик хизматни амалга ошириши ва қонунсиз даромад олиши;
- 5) 680-боб: Давлат органлари бошлиқларининг порохўрликка қарши ҳаракат билан боғлиқ чораларни амалга оширмаслиги;
- 6) 681-боб: Аввал порохўрлик жинояти содир этган шахсларни ишга қабул қилиш.

Тез-тез учраб турадиган вазиятларни кўриб чиқайлик. Бу хизмат борасидаги ваколатидан фойдаланиш, пора бериш ва пора олишдир.

Пора — давлат хизматидаги шахсга кўрсатган хизмати учун пул ёки бошқа кадр-қимматга эга бўлган совға бериш.

Пора олиш — хизмат бобидаги жиноятнинг энг ҳавфли тури, пора олиш дегани “лавозимдаги хизматчининг бошқалардан ўзининг иши ёки кўрсатган хизмати учун қонунга тўғри келмайдиган ҳолда моддий совға олиши” дир.

Пора бериш — лавозимдаги шахсинг қонуний ёки ноқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун, пора берувчининг фойдасига маълум бир ишига ёрдам бериш, шу билан қўллаш учун ёки хизматдаги

тескари ишга била туриб йўл қўйиши учун лавозимли шахсга якка ўзи ёки воситасичи орқали пора бериш туридаги жиноят.

Пора бериш ва олишга жарима тўлаш ёки мулкани мусодара қилиб, эркинликдан маҳрум қилиш, маълум бир хизмат билан шуғулланиш ёки белгили бир иш-ҳаракат билан шуғулланиш ҳуқуқидан бир умрга айириш жазоси тайинланади.

Эътибор беринг!

Пора бўлиши мумкин :

Мулklar – пул, унинг ичида чет эл валютаси, бошқа қимматга эга нарсалар, қимматбаҳо қоғозлар, ишлаб чиқариш хом ашёлари, нарсалар ва бошқа турли мулк турлари киради.

Пора олувчига текин ёки паст баҳо билан кўрсатиладиган мулк сифатдаги хизматлар ва фойдатопишлар. Бунга дам олиш жойларида даволаниш ёки саёҳатга йўлланма олиш, йўл юриш чипталарини олиб бериш, лавозимдаги хизматчининг чиқимларини тўлаб бериш, қурилиш ишларини юргизиш ва бошқалар киради.

Яширин пора тури – пора олувчига мулк кўринишда фойда кўрсатиш; қарзини кечириш, лавозимли шахснинг қарзини тўлаб бериш, суддан мулк талаб – аризаларни қайтариб олиш, маълум бир мулкни текин ёки паст баҳога фойдаланишга бериш, енгиллаштирилган турдаги насияларни олишга имконият яратиш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатлар.

Пора олиш субъекти – давлат хизматчилари, лавозимдаги шахслар ёки уларга тенглаштирилганлар бўлиши мумкин.

Пора бериш субъекти – 16 ёшга етган шахс бўлиши мумкин. Лавозимли ваколатни ҳаддан ташқари ошириб фойдаланиш дегани давлат хизмат кўрсатиш ваколати бор шахснинг ё унга тенглаштирилганларнинг ўз ваколатидан чиқиб кетиш ҳаракатларни содир этиши. Бу ҳаракатлар ўзининг (бошқа шахснинг ёки ташкилотнинг) фойда топиши мақсадида содир этилади, фуқароларнинг ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари билан қонуний манфаатларини ёки жамиятнинг, давлатнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини бузишга олиб келади.



Порахўрлик ва унинг оқибатлари

Бошқарув тартибига, давлат бошқарув органларининг барча соҳасидаги (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари) давлат хизматининг манфаатлари билан ишларига тажовузкорлик қилиши жиноят объекти бўлиб саналади.

Эътибор беринг!

Лавозимли ваколатни ошириб фойдаланиш деганимиз - давлат хизматчиларининг қонун билан тасдиқланган мажбуриятларини бузиши, қонунлар, қоидалар ва бошқалар билан тартибга солинадиган, уларнинг салоҳиятига кирмайдиган ҳаракатларни бажариши.

Лавозимли ваколатни ҳаддан ташқари ошириб фойдаланиш ҳаракатда, ҳаракатсиз турида ўз ифодасини топади. Лавозимли ваколатни ошириб фойдаланиш фуқароларнинг конституцион ҳуқуқлари ва эркинликларига зиён келтириши ва давлат органларининг обрўйини тушириши, бошқа жиноятларнинг содир этилишига имконият бериб, уларни яшириши мумкин.

Фуқаролар, ташкилотларнинг ҳуқуқлари билан юридик қонуний манфаатларини бузиш деганимиз — уларга моддий зиён келтиришдир. Порахўрлик жинояти натижасида юридик шахсга зиён келтириш — юридик шахснинг хизмати, маҳсулот чиқаришнинг тўхтатилиши, ташкилотнинг бир қолипда ишлашига тескари нафтини кўрсатади.

Шундай қилиб, порахўрлик орқали қонунни бузиш жамият билан жамият аъзоларига сиёсий, моддий зарар етказиб, ижтимоий қадриятлар билан жамиятнинг ривожланишига катта зиёнини келтиради.

Порахўрликка қарши ҳаракат йўллари кўриб чиқамиз. Аввало порахўрликни юзага чиқарувчи сабаблар ва ҳолатларни йўқ қилиш керак. Танбеҳ бериш, аниқлаш, пора олишнинг олдини олиш, оқибатлари юзасида турли ишларни олиб бориш керак. Давлат хизматида бўлган ёки шу ниятда бўлган шахсларнинг ишбилармонлик ва руҳий-одамгарчилик қадриятларига қўйиладиган талабларни кучайтириш керак. Давлат лавозимидаги шахсларнинг ёки шунга тенглаштирилганларнинг хизматининг очиқлигини таъминлаш ўринлидир. Шу билан бирга ишчиларнинг порахўрликка қарши ҳаракат қилиш ҳақидаги ҳуқуқий билим даражасини кўтариш, уларда порахўрликка қарши тартиб кўникмаларини ривожлантириш, порахўрликни умуман қабул қилмасликни тарбиялаш жоиздир. Оммавий ахборот воситаларида, интернет орқали порахўрликка йўл қўйилган далилларни кўрсатиш олдини олиш чораларига киради.

Глоссарий

Порахўрлик — ўз фойдаси учун давлатлавозимидаги шахснинг ўз ваколатидан ошириб шахсий манфаатида фойдаланиши.

Порахўрликка кирадиган қонунбузарликлар — қонун билан тасдиқланган тартиб, маъмурий ва жинойий жавобгарликка олиб келадиган, порахўрликни юзага келтирадиган ҳолатни амалга оширадиган ҳаракат.

Пора — кўрсатган хизмати учун субъектнинг лавозимдаги шахсга пул ёки бошқа моддий қимматга эга бўлган нарса- буюмни бериши.

Текшириш учун саволлар ва топшириқлар

1. Порахўрлик тушунчаси ва унинг турларини очиб кўрсатинглар.
2. Порахўрликнинг субъектини аниқланглар.
3. Порахўрликнинг олдини олиш йўллари очиб кўрсатинглар.

Мураккаблиги 2-даражали топшириқлар. Порахўрликнинг мазмунини очиб кўрсатинглар. Оммавий ахборот воситалари материалларидан фойдаланиш. Элимизда порахўрликнинг олдини олиш учун қандай иш- ҳаракатлар қилиниши керак?

Мураккаблиги 3- даражали топшириқлар. Вазиятларни баҳоланг.

1. Болабоғча тарбиячисига туғилган кунига ота-оналар қимматбаҳо совға беришди. Бу вазиятда порахўрликнинг кўриниши борми? Болабоғча тарбиячиси порахўрликнинг субъекти бўладими? Бола боғча тарбиячиси томонидан қонунбузарликка йўл қўйилдими? Ота-оналар томонидан-чи?

2. Банк хизматчиси банк клиентига моддий совға учун каттакўламда кредит олишга ёрдам бериши таклиф қилди. Бу вазиятда порахўрликка йўл қўйилганми? Банк хизматчиси порахўрликнинг субъекти бўладими? Банк хизматчиси қандай қонунбузарликка йўл қўйди?

3. Йўл полицияси хизматчиси белгиланган бир ҳақ учун йўл ҳаракатини бузувчисини жазога тортмай қўйиб юборди. Бу ерда порахўрлик кўриниши борми? Йўл полицияси хизматчиси порахўрликнинг субъекти бўладими? Йўл полицияси хизматчиси қандай қонунбузарлик қилди?

Рефлексия. Юқоридаги мавзунини қанчалик даражада тушунганингизни баҳоланг (1- 10 гача) Қайси саволлар тушунарли бўлмади?

28-§. ИНСОНПАРВАРЛИК ҚОИДАСИ ВА ЖАЗО

Инсонпарварлик қоидаси якка шахснинг ҳуқуқларини кўрсатадиган Қозоғистон Республикасининг конституциясидан чиқади. ҚР Конституциясининг 1-бобида «Қозоғистон Республикаси ўзини демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат сифатида белгилайди, унинг энг қимматли хазинаси-инсон, инсон ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинлиги» деб айтилган.

Бугунги дарсда:

- Жинойят кодексида инсонпарварлик кўрсаткичларини ўқиб ўрганамиз;
- Унинг қонун асосидаги мамалакатни қолиплатиришда аҳамиятини очишга ҳаракат қиламиз.

Ёддасақланг!

Инсонпарварлик қоидаси — мамлакатга инсоннинг хавфлигини сақлаш, яқка шахснинг ва жамиятнинг манфаатини ҳимоя қилиш талабини қўйиш.

Асосий тушунчалар

- Инсонпарварлик
- Инсонпарварлик қоидаси
- Жиноий ҳуқуқ

Инсонпарварлик деганимиз, энг биринчи ўринда, жазонинг одил ва тўғри бўлиши. Улар ҳақиқатдан ҳам керак бўлган пайтда қонунбузарга ва жамиятнинг бошқа ножўя ҳаракатдаги аъзоларига қўлланилиши мумкин. Жазо турлари ваҳший бўлмаслиги ва инсонга ҳаддан ташқари жисмоний азоб-уқубатлар етказмаслиги керак.


Жиноят кодексда гуманизмнинг икки томони ёритилади: бир томондан, у қонунга бўйсунган аъзоларнинг ҳуқуқларининг бузилмаслигини таъминлайди, иккинчи томондан қонунни бузган одамга бериладиган жазони енгиллаштириш, агар шундай вазиятлар бор бўлса, учун қўлланилади. Жамият аъзоларининг манфаатини қўллаш ва фуқароларнинг жиноий томонидан ҳимоялаш, керак бўлган минимумни ўзида ифодалайди.

Инсонпарварлик қоидаси – юридик мазмуни бор вазиятларда жамият манфаатини ҳимоя қилувчи ҳуқуқининг, эркинлигининг, инсон ва фуқаронинг виждони билан қонун томонидан ҳимоя қилувчи, инсонни энг қиммат хазина деб баҳоловчи, нормалар билан тасдиқланган инсонпарварлик-ҳуқуқий талаблар тизими.

Инсонпарварлик қўйидаги талаблар орқали ўз ифодасини топади:



Қозоғистон Республикасининг энг қиммат хазинаси – инсон ва унинг ҳаёти, ҳуқуқлари ва эркинлиги (ҚР конституциясининг 1-боби)



Инсонпарварлик идеяси Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодексда ўз ифодасини топган. Ушбу кодексда жинойий қонуннинг бош вазифаси инсон ва фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинлигининг жинойий тажовузликдан ҳимоя қилиш бўлиб ҳисобланади.

Инсонпарварликнинг кўринишининг бир нечта аспекти бор, унинг устига инсонпарварликни худди шундай тушуниш бошқа томонларини ажратиб кўрсатишга имконият беради.

Биринчи аспект, инсонни қийнаш, унга зўрлик- зўравонлик кўрсатиш, нафсониятига тегиш каби ҳаракатларга йўл қўймаслик. Инсонпарварликни кўзга кўрадиган-формал равишда ифодалайди. Инсонпарварлик инсонларнинг феъл-атворидаги қонунга қарама-қарши ёки қарама – қарши бўлмаган томонларига қарамасдан, ахлоқий-ҳуқуқий категория сифатида инсон шахсини ҳурмат қилишни тақозо этади. Бу маънода инсонпарварлик одиллик қонунидан билан бевосита боғлиқ, чунки инсонпарварлик ҳамда одиллик ҳам ахлоқий-ҳуқуқий категорияларга тегишли. Инсонпарварлик қонунбузарга ҳамда жабр кўрган инсонга, шу билан бирга бутун жамиятга нисбатан ўз ифодасини топади. Ҳуқуқий меъёр тизими жинойий ҳуқуқбузарлик учун кўриладиган жазони тайинлаш тар-

тиби ва шартини белгилайди, суд орқали ижро этувчи маҳаллий бошқарув субъектиларига асос бўлади.

Жавобгарликнинг инсонпарварлик мақсади ва унинг жабр кўрганни ҳимоя қилишга йўналтирилган, энг олди билан, турли норматив-юридик актларда кўрилади. Жисмоний шахсга бўлган қонунбузарликнинг таркибини талқин қилинишидан кўринади. Балоғат ёшига етмаганлар, ҳомиладор аёллар, маълум категориядаги шахсларнинг ҳуқуқлари ўзгача ҳимоя қилинади.

Қонунбузарлик қилган шахсга инсонпарварлик кўз қарашда бўлиш, бутун олам тажрибасида жинсий сиёсатни амалга оширишда ўз ифодасини топган.

Инсонпарварлик аспектининг иккинчи томони жавобгарликдан қутула олмаслик билан жамиятнинг барча аъзоларининг қонун олдидаги тенг ҳуқуқлигидадир.

Ахлоқий томондан инсонпарварликнинг бу аспектилари қонунни бузган шахсни кечиритиш, раҳм этиш мумкин эканлигини ифодалайди. Инсонпарварлик бу маънода алоҳида қонунбузарликка йўл қўйган субъектларга имтиёз бериш, амнистия ёки афв этиш орқали тўлиқ кечиритиш усуллари ҳам ифодалайди. Юқорида кўрсатилган имтиёз қонунбузарликка йўл қўйган шахснинг ўтайдиган жазосини енгиллаштиради. Ҳомиладор аёлларга ва балоғат ёшига етмаган кичик ёшдаги болалари бор аёлларга жазони ўташ вақти кейинга ўзгартирилади. Жиноят кодекси балоғат ёшига етмаганларга жазо ўташни имтиёзлик асосидаги шартларини кўриб чиқади. Бир нечта жазо турлари қарияларга ва аёлларга ҳукм қилинмайди (ўлим ҳукми, бутун умрга эркинликдан маҳрум этиш). Инсонпарварлик қонунда юридик жавобгарликдан — амнистия ёки афв этиш ҳужжатлари асосида ўз ифодасини топади.

Инсонпарварлик афв этиш билан кечиритиш актлари асосида қонуний жавобгарликдан ёки жазодан бўшатишда ўз ифодасини топади. Афв меъёраҳм этиш актида қонун чиқарувчи афв этиш ҳақидаги ечимни қабул қилганда инсонпарварлик қонунда бошчиликка олади.

Шундай қилиб, инсонпарварлик қонунда тасдиқланган, субъектларга ҳурмат билан қарашга йўналтирилган асос бўладиган ғоя.

Глоссарий

Инсонпарварлик — юридик аҳамияти бор вазиятларда жамият манфаатини ҳимоя қилувчи, ҳуқуқнинг, эркинликнинг, инсон ва фуқаронинг виждони ва қонун томонидан обрўйини ҳимоя қилувчи, инсонни энг қимматли хазина сифатида баҳолавчи, маълум нормалар билан тасдиқланган инсонпарварлик-ҳуқуқий талаблар тизими.

Текшириш учун саволларва топшириқлар

1. Инсонпарварлик қоидалари деганимиз нима?
2. “Жиноят кодексиде инсонпарварлик қоидаси керакми?” мавзусидебатўтказинг. Саволларга жавоб беринг: “Инсонпарварлик қоидаси бизга нима беради?”, “Жиноят кодексиде бу қоидани қўлланмасликхам мумкинми?”, “Айнан шу жиноят кодексиде бу қоиданинг қўлланилиши нима учун аҳамиятлидир?”?

Мураккаблига 1- даражада бўлган топшириқлар. Жадвални тўлдириңлар.

24-жадвал

Қонундаги инсонпарварлик

Инсонпарварлик-ахлоқий-ҳуқуқий категория	Инсонпарварлик-одоб-ахлоқ категорияси

Мураккаблиги 2- даражали топшириқ

- Нима сабабдан ҳомиладор аёллар, ёши 14 га тўлмаган болаларнинг оналари, балоғат ёшига етмаган ёш ўспиринлар учун жазони ўташ кейинга қолдирилади? ” мавзусиде суҳбат ўтказинг. Жазони ўташда ушбу қоиданинг қўлланилишининг ижтимоий аҳамияти нимада?
- «Жиноий қонунбузарликка йўл қўйган шахсларга инсонпарварлик кўз қарашда бўлишнинг аҳамияти ” мавзусиде эссе ёзинг.

Рефлексия. Ушбу мавзунини қанчалик даражада ўзлаштиридингиз?(1-10) гача баҳоланг. Сизга қандай саволлар тушунарли бўлмади?

ХУЛОСА

Азиз ўқувчилар!

Сиз йил давомида “Ҳуқуқ асослари” фанини ўзлаштирдигиз. Ҳозирги замонда ижтимоий тартибни, ижтимоий келишим ва туроқликни таъминловчи асосий институт-давлат ва қонун эканлигини тушундингиз. Ҳуқуқ ва давлат инсонни ҳар хил тартибсизликлардан сақлайди ва ўзининг асосий мажбурияти деб билади.

Энди сизлар ҳуқуққа таъриф бериб, унинг асосий белгиларини кўрсатиб, унинг ижтимоий меъёрлари тизимидаги ўрнини аниқлай оласизлар. Шу каби, Қозоғистон Республикасида фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг аҳамияти ва эҳтиёжини айтиб бера оласизлар.

Шу борада сизлар Қозоғистон Республикасининг конституциявий таркиби, давлат органлари тизими, ўз ҳуқуқларингиз ва мажбуриятларингиз ҳақида билиб олдингиз. Шунингдек, сизлар фуқаролик, оилавий, маъмурий ва жиноий ҳуқуқ меъёрларини тизимга келтирадиган муносабатлар ҳақида кўз қарашингиз шаклланган бўлади.

Сизлар қонунбузарлик учун ҳуқуқий жавобгарликка тортилиш мумкинлигини аниқ билдинглар. Энди сиз ўз ҳуқуқларингиз ва манфаатларингизни қонуний йўл орқали ҳимоя қила оласиз.

Сизнинг ҳар бирингиз ҳаракатда бўлган қонунга бўйсуниб, унинг меъёрлари асосида яшаш қанчалик аҳамиятли эканини тушундингиз.

Ўсиб келаётган ёш авлод Қозоғистон халқининг эзгулиги учун хизмат қилиб, ҳуқуқ асосидаги давлат ва фуқаролик жамиятини қуришга интилиши керак. Сизларга муваффақият тилаймиз!

Ҳурмат билан дарслик муаллифлари!

Фойдаланилган адабиётлар тизими

1. Қозоғистон Республикасининг Конституцияси (Конституция 1995 йил 30 августда республика референдумида қабулланди);
2. “Қозоғистон Республикасида сайлов ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги 28 сентябрида № 2464 Конституциявий қонуни;
3. “Қозоғистон Республикасининг Президенти ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги 26 декабридаги № 2733 Конституциявий қонуни;
4. “Қозоғистон Республикасининг Парламенти ва унинг депутатларининг мартабаси ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги 16 октябрида № 2529 Конституциявий қонуни;
5. “Қозоғистон Республикасининг Ҳукумати ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги 18 декабридаги № 2688 Конституциявий қонуни;
6. “Қозоғистон Республикасининг Конституциявий Кенгаши ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 1995 йилги 29 декабридаги № 2737 Конституциявий қонуни;
7. “Қозоғистон Республикасининг суд тизими билан судьяларининг мартабаси ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 2000 йилги 25 декабридаги № 132 Конституциявий қонуни;
8. “Қозоғистон Республикасининг Жиноят кодекси” Қозоғистон Республикасининг Кодекси 2014 йилги 3 июлидаги № 226-V ҚРҚ;
9. “Маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида” Қозоғистон Республикасининг Кодекси (2014 йилги 5 июлидаги № 235-V ҚРҚ)
10. Қозоғистон Республикасининг Экология кодекси (Қозоғистон Республикасининг 2007 йилги 9 январидagi № 212 Кодекси)
11. Қозоғистон Республикасининг фуқаролик кодекси (умумий бўлим) (Қозоғистон Республикасининг Кодекси 1994 йилги 27 декабридаги № 268-XIII).
12. Қозоғистон Республикасининг фуқаролик кодекси (махсус бўлим) (Қозоғистон Республикасининг 1999 йилги 1 июлидаги № 409 Кодекси).
13. “Қозоғистон Республикасининг Экология кодекси” Қозоғистон Республикасининг Кодекси 2007 йилги 9 январидagi № 212 Кодекси;
14. “Қозоғистон Республикасининг фуқаролик кодекси” (Умумий бўлим) Қозоғистон Республикасининг Кодекси 1994 йилги 27 декабрдаги № 268 XIII;
15. “Қозоғистон Республикасининг Меҳнат Кодекси” Қозоғистон Республикасининг Кодекси 2015 йилги 23 ноябридаги № 414-V ҚРҚ;
16. “Никоҳ (эр- хотинлик) ва оила ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 2011 йилги 26 декабридаги № 518- IV Кодекси;
17. “Қозоғистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси” Қозоғистон Республикасининг Кодекси 2015 йилги 31 октябридаги № 377-V ҚРҚ;
18. “Қозоғистон Республикасининг Жиноий процессуал кодекси” Қозоғистон Республикасининг Кодекси 2014 йилги 4 июлидаги № 231-V ҚРҚ;
19. “Порахўрликка қарши кураш ҳақида” Қозоғистон Республикасининг Қонуни 2015 йилги 18 ноябридаги № 410- V ҚРҚ;
20. “Қозоғистон Республикасининг маҳаллий давлат бошқарув ва ўзини ўзи бошқарув ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 2001 йилги 23 январидagi № 148 Қонуни;
21. “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида” Қозоғистон Республикасининг 2010 йилги 4 майдаги № 274 – V Қонуни;

22. “Инсон ҳуқуқларининг ҳаммага бирдай декларацияси” Декларация Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюцияси билан 1948 йилги 10 декабрда № 217 А (III) қабул қилинган;
23. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави (1945 йилги 26 июнида, Сан-Франциско)
24. Халқаро келишим шартлар ҳуқуғи ҳақида Вена конвенцияси (1969 йилги 23 май)
25. Назарбаев Н. А. Евразия юрагида. Астана, 2017.
26. Назарбаев Н. А. Мустақиллик стратегияси. — Алматы: Атамура, 2003. 312бет.
27. Қунанбаев Абай. Асарларининг икки бобли тўлиқ мажмуи. Шеърлар ва поэмалар. — Алматы “Бадий адабиёт”, 1957.
28. Ибраева А. С. ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси: 3-нашр. — Алматы: Жети Жарғи, 2017. 344 б.
29. Булгакова Д. А. Давлат ва Ҳуқуқ Назарияси. Ўқув қуроли. — Алматы, 2014. 233б.
30. Комаров С. А. Давлат ва ҳуқуқнинг умумий назарияси. — М. , 2007. 356б.
31. Сапарғалиев Г. С. Қозоғистон Республикасининг Конституциявий ҳуқуғи. — Алматы, “ Жети Жарғи”, 2002.
32. Таранов А. А. Қозоғистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқи. Академиялик курс. — Алматы, 2003.
33. Қозоғистон Жиноят ҳуқуқи (Умумий бўлим). Дарслик. Ред. И. И. Рогов, С. М. Баймурзин — Алматы, 1998.
34. Культелеев С. Т. Қозоғистон Республикасининг Экология ҳуқуғи: ўқув қуроли. Алматы, 2003.
35. Артиқбаев Ж. Қозоқ жамияти: дастурлар ва янгиланишлар. — “Полиграфия”, 1993.

МҮНДАРИЖА

Кириш сўз	4
I боб. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ	
§ 1. Ҳуқуқ тушунчаси	5
§ 2. Ҳуқуқий давлат	12
§ 3. Фуқаролик жамият	16
II боб. КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ	
§ 4. Конституциявий тузум асослари	22
§ 5. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари	27
§ 6. Давлат органларининг Конституциявий тизими	38
§ 7. Қозоғистон Республикасининг сайлов тизими	44
III боб. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ	
§ 8. Фуқаролик ҳуқуқ тушунчаси	49
§ 9. Мулк ҳуқуқи	54
§ 10. Фуқаролик ҳуқуқдаги мажбуриятлар ва масъулият	58
§ 11. Истеъмомчилар ҳуқуқини ҳимоялаш	61
IV боб. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ	
§ 12. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси	68
§ 13. Меҳнат шароитлари. Меҳнатни муҳофаза қилиш	72
§ 14. Меҳнат шартномаси	78
V боб. ОИЛА ҲУҚУҚИ	
§ 15. «Оила ҳуқуқи» тушунчаси	83
§ 16. Никоҳланиш ва никоҳни бузиш йўллари	88
§ 17. Оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	93
§ 18. Болаларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	98
§ 19. Оиланинг жамиятдаги аҳамияти	104
VI боб. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ	
§ 20. Маъмурий ҳуқуқ тушунчаси	108
§ 21. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар	112
§ 22. Маъмурий жавобгарлик	119
§ 23. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш	124
VII боб. ЖИНОИЙ ҲУҚУҚ	
§ 24. Жиноий ҳуқуқ тушунчаси	130
§ 25. Жиноий ҳуқуқбузарлик тушунчаси	134
§ 26. Жиноий жавобгарлик	140
§ 27. Порахўрлик ҳуқуқбузарликлари	146
§ 28. Инсонпарварлик қоидаси ва жазо	152
Хулоса	156
Фойдаланилган адабиётлар тизими	157



Учебное издание

**Ибраева Алуа Саламатовна
Гончаров Сергей Борисович**

ОСНОВЫ ПРАВА

Учебник для 9 классов общеобразовательных школ
(на узбекском языке)

Дарсликда фотографларнинг *Д. Сланов, С. Қызайбекнинг*
суратларидан фойдаланилди

Муҳаррир *М. Алимкулова*
Бадий муҳаррир *А. Ақил*
Техник муҳаррир *И. Тарапунец*
Компьютерда саҳифалаган *Ж. Бекбўсинова*

Нашриётга 2003 йил 7-июлда Қозоғистон Республикаси Таълим ва фан
министрлигининг № 0000001 рақамли давлат лицензияси берилган

ИБ № 6060

Нашрга 26.08.19 рухсат этилди. Ҳажми 70×100 ¹/₁₆. Офсет қоғози. Ҳарф тури
«SchoolBook Kza». Офсет наشري. Шартли босма табоғи 12,90. Шартли бўёқ
тамғаси 52,25. Нашр ҳисоб табоғи 8,24. Адади 7000 дона. Буюртма №

«Мектеп» нашриёти, 050009, Алматы шаҳри, Абай шоҳ кўчаси, 143-уй

Факс: 8(727) 394-37-58, 394-42-30

Тел.: 8(727) 394-41-76, 394-42-34

E-mail: mektep@mail.ru

Web-site: www.mektep.kz

